O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI

Ватан ҳимояси — иймон рамзи

ВАТАНПАРВАР

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУДОФАА ВАЗИРЛИГИНИНГ МАРКАЗИЙ МАТБУОТ ОРГАНИ

2009 йил, 23 октябрь, жума № 43 (2326). | Газета 1992 йилнинг 24 июнидан чиқа бошлаган.

ЦЕНТРАЛЬНЫЙ ПЕЧАТНЫЙ ОРГАН МИНИСТЕРСТВА ОБОРОНЫ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

Пятница, 23 октября, 2009 год, № 43 (2326). | Газета издается с 24 июня 1992 года.

Сотувда келишилган нархда

E-mail: vatan@rol.uz

В розницу – цена договорная

ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРИМИЗДА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН ИСЛОҲОТЛАРНИНГ ЭНГ МУҲИМ АМАЛИЙ НАТИЖАСИ, ҲЕЧ ШУБҲАСИЗ, АРМИЯДАГИ АХЛОҚИЙ-РУҲИЙ, МАЪНАВИЙ МУҲИТНИНГ БУТУНЛАЙ ЯНГИЛАНГАНИДА ЯҚҚОЛ НАМОЁН БЎЛМОҚДА.

Ислом КАРИМОВ

ЭЗГУ МАҚСАДЛАРНИНГ АМАЛДАГИ ИЖОБАТИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов жойларда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий соҳадаги ислоҳотларнинг бориши, бунёдкорлик ишлари, кенг қамровли ўзгаришлар билан танишиш мақсадида 16 октябрь куни Фарғона вилоятига ташриф буюрди.

Фарғона вилояти ўзининг ерости ва ерусти бойликлари, ривожланган саноат ва коммуникация тармоқлари, ижтимоий-иқтисодий инфратузилмалари, бой меҳнат ресурслари билан мамлакатимиз тараққиётида алоҳида ўрин тутади. Президентимиз раҳнамолигида вилоятни ҳар томонлама тараққий эттиришга катта эътибор қаратилмоқда.

Вилоятда жорий йилнинг 9 ойи давомида ялпи ҳудудий маҳсулот ўсиши 6,1 фоизни ташкил этди. Саноат маҳсулотлари, халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш, пуллик хизмат кўрсатиш ва бошқа тармоқларда барқарор ўсиш таъминланди. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида давлатимиз раҳбари ташаббуси билан қабул қилинган Инқирозга қарши чоралар дастурига мувофиқ, экспорт қилувчи корхоналарнинг қўллаб-қувватланаётгани уларнинг барқарор ишлашини таъминлаш ҳамда экспорт салоҳиятини оширишда муҳим омил бўлмоқда.

Вилоятда бугунги кунда 80 дан зиёд қўшма корхона фаолият кўрсатмоқда. 49 йирик саноат корхонасида ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш, рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш борасида салмоқли ишлар қилинмоқда. 2009 йилда Бағдод туманида «Фарғона спининг» ҳамда «Chin-chin adil», Бешариқ туманида «Kalaroma teks», Фарғона шаҳрида «Корея хана медикал инвест» қўшма корхоналари ишга туширилди.

Жорий йилда вилоятда иккита академик лицей ва 22 касб-ҳунар коллежи бунёд этилди, 203 умумтаълим мактаби таъмирланиб, кўркам қиёфа касб этди. «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» Давлат дастури асосида аҳоли фаровонлигини юксалтириш борасида салмоқли ишлар амалга оширилмоқда. Ўтган 9 ой давомида 77205 иш ўрни яратилди.

Давлатимиз раҳбарининг 2008 йил 5 майда қабул қилинган «Фарғона ва Қўқон шаҳарларини 2008–2012 йилларда реконструкция қилиш, ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмасини ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар дастурини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори асосида салмоқли ишлар амалга оширилмоқда.

Президентимиз Фарғона шаҳрида барпо этилган Тошкент ахборот технологиялари университети Фарғона филиалининг янги биносини бориб кўрди. Юртбошимиз бу ерда амалга оширилган бунёдкорлик ишлари, талабалар, профессор-ўқитувчилар учун яратилган шароит билан танишди. Университет ўқитувчилари, талаба-ёшлар билан суҳбатлашди.

(Давоми 2-бетда).



Бахром АБДУРАҲИМОВ олгани.

Мустақил Ватанга мустаҳкам таянч!

ШАНХАЙ ҲАМКОРЛИК ТАШКИЛОТИ МИНТАҚАВИЙ АКСИЛТЕРРОР ТУЗИЛМАСИ КЕНГАШИНИНГ ЎН БЕШИНЧИ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

Тошкент шаҳрида 2009 йил 16 октябрь куни Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Минтақавий аксилтеррор тузилмаси (ШҲТ МАТТ) Кенгашининг навбатдаги ўн бешинчи мажлиси бўлиб ўтди. Унда Қозоғистон Республикаси, Хитой Халқ Республикаси, Қирғизистон Республикаси, Россия Федерацияси, Тожикистон Республикаси ва Ўзбекистон Республикаси вакиллари иштирок этди.

Мажлисда ШҲТ МАТТ Ижроия қўмитаси директори М.Субановнинг ШҲТ МАТТ Кенгаши қарорлари ижросининг, ШҲТга аъзо давлатларнинг терроризм, айирмачилик ва экстремизмга қарши кураш бўйича 2007–2009 йилларга мўлжалланган ҳамкорлик дастури амалга оширилишининг бориши тўғрисидаги ахборотлари тингланди. Мажлис иштирокчилари терроризм, айримачилик ва экстремизмга қарши кураш соҳасидаги ҳамкорликни такомиллаштириш масалаларини муҳокама этди. Таъкидландики, ШҲТ МАТТ фаолияти терроризм, айримачилик ва экстремизмга қарши кураш борасида замонавий таҳдид ва хавф-хатарларни бартараф этиш имкониятини беради.

(Давоми 2-бетда).

ХАЛҚАРО ВАЛЮТА ЖАМҒАРМАСИ ИЖРОЧИ ДИРЕКТОРЛАРИНИНГ ЎЗБЕКИСТОНГА ТАШРИФИ ЯКУНЛАРИ БЎЙИЧА БАЁНОТИ

Халқаро валюта жамғармасининг (ХВЖ) Мег Ландсейгер, Аге Баккер, Амбуаз Файоль, Хэ Цзянь Сюн, Томас Мозер ва Клаус Д.Штайндан иборат ижрочи директорлари миссияси 2009 йил 14 октябрда Тошкентда Ўзбекистонга амалга оширилган ташрифи якунлари бўйича қуйидаги баёнотни берди:

"Биз Ўзбекистонга ташриф учун имконият яратилганидан мамнунмиз, Ўзбекистон халқи, ҳукумати ва Марказий банкига самимий қабул ҳамда самарали учрашувлар учун ўз миннатдорлигимизни изҳор этамиз. Ташриф давомида биз кўплаб манфаатдор томонлар, жумладан, жамоатчилик ва хусусий сектор вакиллари билан учрашиш, шунингдек, Самарқанд ҳамда Бухоро шаҳарларини зиёрат қилиш имконига эга бўлдик. Ушбу ташриф Халқаро валюта жамғармасининг Ижроия кенгашида мамлакат олдида турган муаммоларни баҳолаш ва муҳокама қилишда хабардорликни оширишга кўмаклашади. Халқаро валюта жамғармасининг иқтисодий сиёсат масалалари бўйича тавсиялари мазкур муаммолар ечимига қаратилгандир.

Ўзбекистон ҳукумати жаҳон иқтисодий инқирози шароитида иқтисодий ўсишни таъминлаш учун зарур бўлган кўплаб ресурсларни жамлаган ҳолда жаҳон молия бозорларида оқилона сиёсат олиб борди. Бундай пухта ўйланган сиёсат мамлакатнинг глобал иқтисодий инқироз таъсирига самарали қарши тура олишида муҳим омил бўлди.

Жаҳон инқирозининг Ўзбекистонда экспортни камайтириш шаклида намоён бўлган ички иқтисодий оқибатларини назорат қилиш ва инфляцияни жиловлаш яқин вақт ичида мамлакат иқтисодий сиёсатининг асосий вазифалари бўлиб қолади. ҳукумат ички бозордаги талабни рағбатлантиришга қаратилган кенг кўламли чора-тадбирлар мажмуини ишлаб чиқди ва биз уни маъқуллаймиз.

Ўзбекистон – улкан иқтисодий салоҳиятга эга мамлакат. Бу салоҳиятни мустаҳкам асосга эга бўлган юксак иқтисодий ўсиш суръатларини давом эттириш учун янада кенгроқ ишга солиш лозим. Мамлакат иқтисодий салоҳиятидан аҳоли турмуш даражасини янада юксалтириш учун фойдаланиш иқтисодий сиёсатнинг ўрта муддатга мўлжалланган асосий вазифаси ҳисобланади.

Биз Халқаро валюта жамғармаси ва Ўзбекистон ҳукумати ўртасида қарор топган самарали ҳамкорликни давом эттиришни қўллаб-қувватлаймиз".



4-5 СИНОВ

МУШТАРАКДИР КУЧ, БИЛИМ ВА МАҲОРАТ



19 ТАШРИФ

ТАРИХ – УЛУҒ МУРАББИЙ



20 ҚУТЛУҒ САНА

ОНА ТИЛИ – МИЛЛАТ РУҲИ



24 ПОДПИСКА-2010

ДОБРЫЙ ДРУГ И СОВЕТЧИК

ЖАРАЁН

ЭЗГУ МАҚСАДЛАРНИНГ АМАЛДАГИ ИЖОБАТИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

– Бундай замонавий биноларнинг барпо этилиши ёшларимиз келажагига, таълим тизимига давлат томонидан катта эътибор қаратилаётганининг амалий ифодасидир, – деди Ислом Каримов. – XXI аср – ахборот асри. Шундай экан, фарзандларимизнинг замонавий ахборот технологияларига, коммуникация соҳасига қизиқиши табиий ва бу қувонарлидир. Биз эртанги кунга қатъий ишонч билан қараб, юксак мақсадлар билан яшаётган халқмиз. Интеллектуал бойлик асрида юксак интеллектуал салоҳиятга эга халқ жадал ривожланади.

Янги бино ғоят муҳташам, ўқув жиҳозлари ва таълим жараёнида фойдаланиладиган замонавий техник воситалар билан тўла жиҳозланган. Ахборот-ресурс, компьютер ва тил ўргатиш марказлари мавжуд. Талабалар ахборот технологияларининг энг сўнгги ютуқларидан кенг фойдаланади. Президентимиз ушбу олий ўқув юртининг нуфузини янада юксалтириш, таълим самарадорлигини ошириш юзасидан тавсиялар берди.

Мамлакатимиз пахта майдонларида йиғим-терим ишлари қизғин давом этмоқда. Юртимиз хирмонининг юксалишида фарғоналикларнинг ҳам салмоқли ҳиссаси бор. Жорий йилда вилоят миришкорлари 290 минг тонна пахта етказиб беришга бел боғлаган.

Президентимиз Охунбобоев туманидаги "Шерзодбек" фермер хўжалигида бўлиб, фермерлар билан қишлоқ хўжалиги соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотларнинг бориши, пахтачилик соҳасида эришилаётган ютуқлар, қишлоқ аҳолисининг турмуши ҳақида суҳбатлашди.

Юртбошимиз мамлакат иқтисодиётини ривожлантиришда фермерлик ҳаракатининг аҳамияти катта эканини алоҳида таъкидлади. Фермерлар юрт равнақи, хусусан, қишлоқ тараққиёти ва фаровонлигини таъминлашда ҳал қилувчи кучга айланди.

– Фермерларимиз энди фақат оддий деҳқон эмас, айни чоғда иқтисодчи, ҳисобчи, ўз ишининг барча жиҳатларини пухта ўзлаштирган ишбилармондир, – деди давлатимиз раҳбари. – Ўтган йиллар давомида иқтисодиётимиз мустаҳкамланди. Энди янги мақсадлар сари интилишимиз, яъни қишлоқларимизни обод қилиш масаласига кенг эътибор қаратмоғимиз даркор.

Президентимиз "Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили" Давлат дастурида белгиланган вазифаларни изчил бажариш қишлоқ аҳолисининг турмуш даражасини оширишда, қишлоқларни обод этишда, қишлоққа саноатни олиб киришда, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини янада ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этишини таъкидлади. Фарғона вилоятида мазкур дастур доирасида 254 километрдан зиёд қишлоқ йўллари таъмирланди, 20,8 километр газ тармоқлари янгиланди, 25 қишлоққа ичимлик суви келтирилди.

Президент Ислом Каримов Қўқон шаҳрига келди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 5 майдаги "Фарғона ва Қўқон шаҳарларини 2008–2012 йилларда реконструкция қилиш, ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмасини ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар дастурини тасдиқлаш тўғрисида"ги қарорининг ижроси бўйича Қўқон шаҳрида кенг кўламли реконструкция, ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш ишлари амалга оширилди. Жумладан, газ, электр, иссиқлик ва сув таъминотини яхшилаш мақсадида кабеллар ва қувурлар тортилди, зах сувлар кўтарилишининг олди олинди, мактаб, коллеж, институт ва бошқа муассасалар қозонхоналари таъмирланди. "Тез тиббий ёрдам" машиналари парки кенгайтирилди, кўпгина тиббий муассасалар таъмирланди ва замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланди.

Давлатимиз раҳбари Қўқон шаҳрида янги барпо этилган Деҳқон бозорини кўздан кечирди. Замонавий бозорда деҳқон ўз маҳсулотини бежирим расталарга жойлайди, харидор бозорда бемалол юради ва ўзи истаган маҳсулотни тез ва осон топади. Савдо-сотиқ учун зарур назорат-касса машиналари ўрнатилган, электрон тўлов тизими жорий қилинган. Ёнғин хавфсизлигини таъминлаш, бошқа турдаги фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш мақсадида бозорга замонавий кузатув-коммуникация тизими ўрнатилган, махсус лабораториялар очилган, тиббиёт хонаси, милиция таянч пункти ишлаб турибди.

Бозорнинг меъморий ечимида замонавий ва миллий-тарихий анъаналар уйғунлашган. Бу ерга келган киши Қўқоннинг қадимий ва айни пайтда замонавий шаҳар эканини яққол ҳис этади.

– Юртимиз қадимий обидалар, меъморий ёдгорликларга бой, – деди Президентимиз. – Уларни дунёга кўз-кўз қилиш баробарида, янги-янги иншоотлар барпо этиш, мамлакатимизнинг салоҳиятини мунтазам ошириб боришимиз зарур.

Давлатимиз раҳбари бозор атрофини янада кўркамлаштириш, дизайнини такомиллаштириш юзасидан таклиф-тавсиялар берди.

Президентимиз Ўрдада бўлиб, бу ерда амалга оширилган таъмирлаш ва ободонлаштириш ишлари билан танишди. Қўли гул уста ва меъморларнинг моҳирона хизматлари туфайли обида бугун гўзал қиёфа касб этди.

Президентимиз Қўқон шаҳрининг маркази масаласига алоҳида эътибор қаратди. Дарҳақиқат, Қўқонда дам олиш масканлари, кўнгилочар жойлар бор. Лекин одамлар, биринчи галда, ёшлар маданий ҳордиқ чиқарадиган замонавий марказ йўқ. Ислом Каримов бундай марказни юзага келтиришга шаҳар аҳлини, аввало ёшларни кенг жалб этиш зарурлигини таъкидлади.

Мамлакатимиз ҳаётининг барча соҳаларини қамраб олган кенг кўламли ислоҳотлар замирида халқимиз фаровонлигини оширишдек эзгу ниятлар мужассам. Фарғона вилоятида амалга оширилган бунёдкорлик ишлари ва изчил давом этаётган ислоҳотлар ҳам бу фикрни яққол исботлаб турибди.

Воҳид ЛУҚМОНОВ,
Анвар БОБОЕВ,
Маъсуд СУЛАЙМОНОВ,
ЎзА махсус мухбирлари.

ШАНХАЙ ҲАМКОРЛИК ТАШКИЛОТИ МИНТАҚАВИЙ АКСИЛТЕРРОР ТУЗИЛМАСИ КЕНГАШИНИНГ ЎН БЕШИНЧИ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

(Давоми. Боши 1-бетда).

ШҲТга аъзо давлатларнинг терроризм, айирмачилик ва экстремизмга қарши кураш бўйича 2007-2009 йилларга мўлжалланган ҳамкорлик дастурини амалга ошириш доирасида Хитой Халқ Республикасининг 2009 йил декабрда ташкилотга аъзо давлатлар ваколатли органлари вакилларининг терроризм, айримачилик ва экстремизмга қарши кураш соҳасида тезкор ахборот алмашиш бўйича мажлисини ўз ҳудудида ўтказишига оид таклифи қўллаб-қувватланди.

Мажлисда ШҲТга аъзо давлатларнинг Хитой Халқ Республикаси ва Қозоғистон Республикасига Шанхай шаҳрида (ХХР) бўлиб ўтадиган "ЭКСПО–2010" бутунжаҳон кўргазмаси, Гуанчжоуда ўтказиладиган 2010 йилги Осиё ўйинлари ҳамда 2011 йилда Қозоғистонда ўтадиган қишки Осиё ўйинлари хавфсизлигини таъминлашда кўмаклашиши бўйича комплекс чора-тадбирлар маъқулланди.

ШҲТ МАТТ Ижроия қўмитасининг ўтган даврдаги фаолияти ижобий баҳоланди. Мазкур органнинг 2010 йилга мўлжалланган фаолият режаси тасдиқланди.

Кенгаш ташкилий ишлар ва кадрларга, ШҲТ МАТТ Ижроия қўмитаси фаолиятининг молиявий таъминотига ҳамда ШҲТга аъзо давлатларнинг терроризм, айирмачилик ва экстремизмга қарши курашдаги ҳамкорлигининг ҳуқуқий асосини янада такомиллаштиришга доир масалалар юзасидан бир қатор қарорлар қабул қилди.

ШҲТ МАТТ Кенгаши раиси этиб бир йил муддатга Қозоғистон Республикаси вакили – Қозоғистон Республикаси Миллий хавфсизлик қўмитаси раисининг биринчи ўринбосари Одил Шаяҳметович Шаяҳметов сайланди.

ШҲТ МАТТ Кенгашининг навбатдаги мажлисини 2010 йилнинг апрель ойида Тошкент шаҳрида ўтказиш тўғрисида келишиб олинди.

Кенгаш мажлиси ишчанлик ва амалий мулоқот руҳида ўтди.

(ЎзА).

МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИДА

16 октябрь куни Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисни Комиссия раиси М.Абдусаломов олиб борди.

"Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида"ги қонуннинг 11-моддаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича Концепцияга асосан Марказий сайлов комиссияси ўз мажлисида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига депутатлар сайловини ўтказувчи 135 та округ сайлов комиссиясини тузиш ва уларнинг шахсий таркибини тасдиқлаш тўғрисидаги масалани кўриб чиқди.

Юқорида номи қайд этилган Қонуннинг 16-моддасига мувофиқ округ сайлов комиссиялари таркибига номзоди Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашларининг мажлисларида кенг муҳокама қилинган ва Марказий сайлов комиссиясига тавсия этилган жамоатчиликнинг обрўли вакиллари кирди.

Муҳокама қилинган масала юзасидан Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига депутатлар сайловини ўтказувчи округ сайлов комиссияларини тузиш ва уларнинг шахсий таркибини тасдиқлаш тўғрисида"ги қарори қабул қилинди. Округ сайлов комиссиялари аъзоларининг рўйхатлари комиссияларнинг манзиллари ва телефон рақамлари кўрсатилган ҳолда маҳаллий матбуотда эълон қилинади.

Мажлисда Марказий сайлов комиссиясининг ваколатига тааллуқли бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилди ва улар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

(ЎзА).

Ҳуқуқингни биласанми, сайловчи?

ҲАРБИЙ ҚИСМДА ТУЗИЛАДИГАН САЙЛОВ УЧАСТКАСИ

● Марказий сайлов комиссиясининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов бўйича сайлов кампанияси бошлангани тўғрисидаги қарорини вақтли матбуотдан ўқидим. Саволим шундай: ҳарбий қисмлар ҳудудида ҳам сайлов участкалари тузиладими ва унинг тартиби қандай?

Оддий аскар Улуғбек НАЗАРОВ.

Сайлов участкалари туманлар, шаҳарлар, шаҳарлардаги туманларнинг чегараларини инобатга олган ҳолда, сайловчиларга мумкин қадар кўпроқ қулайлик яратиш мақсадида тузилади. Сайлов участкалари ҳарбий қисмларда ҳам тузилади ва қисм жойлашган ердаги сайлов округига киради. Сайлов участкаларининг чегаралари тегишли сайлов округи доирасидан чиқиб кетмаслиги керак.

Ўзбекистон Республикасининг хорижий давлатлардаги ваколатхоналари ҳузурида, санаторийлар ва дам олиш уйларида, касалхоналар ва бошқа статсионар даволаш муассасаларида, олис ва бориш қийин бўлган ерлардаги фуқаролар турган жойларда сайлов участкалари тузилиши мумкин. Бу сайлов участкалари ўзлари жойлашган ердаги сайлов округларига киради. Ўзбекистондан ташқарида тузиладиган сайлов участкаларини қайси сайлов округига бириктириш тўғрисидаги масала Марказий сайлов комиссияси томонидан ҳал этилади.

Сайлов участкалари туман, шаҳар ҳокимликларининг тақдимномасига биноан округ сайлов комиссиялари томонидан тузилади. Ҳарбий қисмларда сайлов участкалари қисмлар ёки ҳарбий қўшилмалар командирларининг тақдимномасига биноан округ сайлов комиссиялари томонидан тузилади. Ўзбекистон Республикасининг хорижий давлатлардаги ваколатхоналари ҳузурида сайлов участкалари Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг тақдимномасига биноан Марказий сайлов комиссияси томонидан тузилади.

Сайлов участкалари сайловга камида олтмиш кун қолганида тузилади. Ҳарбий қисмларда, Ўзбекистон Республикасининг хорижий давлатлардаги ваколатхоналари ҳузурида, шунингдек олис ва бориш қийин бўлган ерларда ҳам сайлов участкалари ана шу муддатда, алоҳида ҳолларда эса истисно тариқасида сайловга камида беш кун қолганида тузилади.

Сайлов участкалари, қоида тариқасида, камида йигирма нафар ва кўпи билан уч минг нафар сайловчидан иборат этиб тузилади.

Овоз беришни ташкил этиш учун ҳар бир сайлов участкасига туман, шаҳар ҳокимлиги бино ажратади.

Округ сайлов комиссияси участка сайлов комиссиясининг ва овоз бериш биносининг жойлашган ерини кўрсатган ҳолда ҳар бир сайлов участкасининг чегаралари тўғрисида сайловчиларни хабардор этишни ташкил қилади.

«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Қонуннинг 8-моддаси.

● Депутатликка номзод кўрсатадиган сиёсий партиялар қонун бўйича қанча сайловчининг имзосини тўплаши талаб этилади?

Курсант Жўрабек ҚОСИМОВ.

Сиёсий партия сайлов кампанияси бошланганлиги эълон қилинган кундан камида тўрт ой олдин Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан рўйхатга олинган, сайловда иштирок этишини қўллаб-қувватловчи камида қирқ минг сайловчининг имзосини тўплаган тақдирдагина депутатликка номзодлар кўрсатиши мумкин.

Белгиланган намунадаги имзо варақалари сайлов кампанияси бошланганлиги эълон қилингандан кейин Марказий сайлов комиссияси томонидан берилади.

Маъмурий-ҳудудий тузилмалардан бирида (Қорақалпоғистон Республикаси, вилоят, Тошкент шаҳри) сиёсий партия қирқ минг сайловчининг кўпи билан саккиз фоизи имзосини тўплаши мумкин.

Имзо варақаларида имзолар сохталаштирилган тақдирда Марказий сайлов комиссияси сиёсий партиянинг сайловда қатнашиш ҳуқуқини рад этади.

«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Қонуннинг 20-моддаси.

И. ҚУРБОНОВ тайёрлади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

2009 йил 16 октябрда Вазирлар Маҳкамасининг мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисда жорий йилнинг 9 ойида республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари кўриб чиқилди ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов томонидан 2009 йил 13 февралда республика ҳукуматининг мажлисида белгилаб берилган иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш дастурининг энг муҳим устувор вазифалари амалга оширилишини таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар ишлаб чиқилди.

Мажлисда иқтисодий ислоҳотларнинг энг муҳим устувор вазифаларини ва Инқирозга қарши чоралар дастурини амалга ошириш ҳар томонлама кўриб чиқилди ва чуқур таҳлил қилинди. Иқтисодиётни ислоҳ қилишнинг жаҳон ҳамжамиятида «ўзбек модели» сифатида эътироф этилган ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг чуқур ўйланган ва изчил дастури, шунингдек, инқирозга қарши самарали чора-тадбирларнинг амалга оширилиши жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг мамлакат иқтисодиётига салбий таъсирини муваффақиятли бартараф этишни, унинг мувозанатли ривожланишини ва изчил иқтисодий ўсишни таъминлаётганлиги қайд этилди.

Иқтисодиётни таркибий ўзгартиришларни, унинг энг муҳим тармоқларини модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан янгилашни фаол давом эттириш, ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантиришни жадаллаштириш, буни айниқса қишлоқ жойларда жадаллаштириш, шунингдек, мамлакатимиз ишлаб чиқарувчиларини, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш йўли билан замонавий, диверсификацияланган ва рақобатбардошли иқтисодиётни шакллантириш юзасидан кўрилаётган чора-тадбирлар иқтисодий ўсишнинг барқарор юқори суръатлари сақланишини таъминламоқда.

Жорий йилнинг 9 ойида ялпи ички маҳсулотнинг ўсиши 8,0 фоизни ташкил этди, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 9,1 фоизга, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш ҳажми 3,3 фоизга, хизматлар кўрсатиш ҳажми 15,8 фоизга, қурилиш ишлари ҳажми 33,5 фоизга кўпайди. Давлат бюджети ЯИМга нисбатан 0,2 фоиз миқдоридаги профицит билан ижро этилди, инфляция даражаси прогноз кўрсаткичлардан ортиқ бўлмади.

Фаол инвестиция сиёсати ва энг муҳим лойиҳаларни амалга оширишни жадаллаштириш капитал қўйилмалар ҳажмларини 28,3 фоизга, шу жумладан, тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ҳажмларини 2,1 бараварга кўпайтиришни таъминлади. Жорий йилнинг 9 ойида техник модернизация қилиш бўйича 156 та лойиҳани амалга ошириш тугалланди, 371 та ишлаб чиқариш объекти, шу жумладан, озиқ-овқат саноатида 139 та, қурилиш материаллари саноатида 122 та, енгил саноатда ва тўқимачилик саноатида 71 та, машинасозликда 13 та объект фойдаланишга топширилди.

Қўшимча солиқ ва божхона имтиёзлари бериш, имтиёзли кредитлашни кенгайтириш йўли билан мамлакатимиз ишлаб чиқарувчилари фаолиятини рағбатлантириш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президентининг жорий йилда қабул қилинган қарорларини амалга ошириш истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажмлари 13,7 фоизга ўсишини таъминлади. Ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастурини амалга ошириш доирасида 2009 йилнинг ўтган даврида маҳсулотларнинг 100 дан ортиқ янги турини ишлаб чиқариш ўзлаштирилди, маҳаллийлаштирилган маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 2 баравар кўпайди, 2,6 млрд АҚШ доллари миқдоридаги импортнинг ўрнини босадиган маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва реализация қилиш таъминланди.

Мажлисда ташқи савдо фаолиятини янада ривожлантириш ва экспорт тузилмасини диверсификациялаш, шу жумладан, буни маҳаллий ишлаб чиқарувчилар маҳсулотларининг анъанавий ва янги ташқи бозорларга фаол кириб бориши ҳисобига амалга ошириш масалаларига алоҳида эътибор берилди. Инқирозга қарши чоралар дастури доирасида мамлакатимизнинг экспорт қилувчи корхоналарини давлат томонидан ёрдам бериш, молиявий кўмак ва кредитлаш орқали қўллаб-қувватлаш бўйича амалга оширилган тизимли чора-тадбирлар ташқи савдо айланмасининг ижобий сальдосини таъминлаганлиги қайд этилди.

Шу билан бирга, «Тошкент трактор заводи», «Агрегат заводи», «Чирчиққишлоқмаш» каби қишлоқ хўжалиги машинасозлиги корхоналари, «Ўзавтосаноат» акциядорлик компаниясининг ва бир қанча бошқа хўжалик бирлашмаларининг корхоналари раҳбарлари фаолияти маҳсулот таннархини пасайтириш, маҳсулотларни сотишнинг янги ташқи бозорларини излаш ва ўзлаштириш ҳамда шу асосда товарлар ва хизматлар экспорти ҳажмини кўпайтириш юзасидан кўрилаётган чора-тадбирларнинг етарли эмаслиги учун танқид қилинди.

Уюшмалар, компаниялар ва йирик корхоналар раҳбарларига 2009 йил якунлари бўйича экспортнинг мўлжалланган кўрсаткичларига сўзсиз эришиш ва 2010 йилда экспорт ҳажмини янада кўпайтириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар кўриш топширилди. Биринчи навбатдаги чора-тадбирлар сифатида маҳсулотларнинг рақобатбардошлилигини янада оширишни, экспорт қилинадиган товарлар ва хизматлар турларини кенгайтиришни, ташқи бозорларда конъюнктура ўзгаришларига тезлик билан жавоб чораларини кўриб боришни таъминлаш топширилди.

Янги иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини ошириш масалалари мажлис қатнашчиларининг диққат-эътиборида бўлди. Комплекс ва аниқ мақсадга йўналтирилган чора-тадбирларни амалга ошириш натижасида жорий йилнинг 9 ойида 743,5 мингта ёки 2008 йилнинг шу давридагига нисбатан 36,4 фоизга кўп янги иш ўрни яратилганлиги қайд этилди. Шундан 311,1 мингта иш ўрни кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасида, шу жумладан, 203 мингта иш ўрни – хизматлар ва сервис соҳасида, шунингдек, 77,9 минг иш ўрни меҳнат шартномалари асосидаги касаначилик соҳасида ташкил этилди.

Янги иш ўринлари ташкил этиш, айниқса, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитларида энг муҳим ижтимоий вазифа эканлиги ҳисобга олинган ҳолда республика ҳукумати мажлисида 2010 йилда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳолини иш билан таъминлаш дастури муҳокама қилинди. Муҳокамада Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг иккала палатаси сенаторлари ва депутатлари, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгаши депутатлари ҳам иштирок этдилар.

Мазкур Дастур лойиҳасида 2010 йилда 950,0 мингта, шу жумладан, хизматлар кўрсатиш ва сервис соҳасида 282 мингта, барча шакллардаги касаначиликни ривожлантириш ҳисобига 208 мингта, ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш, аҳоли пунктларини ободонлаштириш ишларини кенгайтириш ҳисобига 61,3 мингта янги иш ўрни ташкил этиш назарда тутилмоқда.

Муҳокама якунлари бўйича 2010 йилда иш ўринлари ташкил этиш ҳамда аҳолини иш билан таъминлаш дастури лойиҳаси маъқулланди ва уни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига тасдиқлаш учун киритиш ҳақида қарор қабул қилинди.

Корхоналар, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, барча даражалардаги ҳокимликлар раҳбарлари зиммасига янги иш ўринлари ташкил этиш, аҳолини иш билан таъминлаш масалаларини амалий ҳал этиш ва шу асосда аҳоли даромадларини, фаровонлигини ва турмуш сифатини янада ошириш юзасидан шахсий жавобгарлик юкланди.

Мажлисда «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» Давлат дастури доирасида қишлоқ аҳоли пунктларини ободонлаштириш, тасдиқланган намунавий лойиҳалар бўйича якка тартибда уй-жой қуриш кўламини кенгайтириш асосида қишлоқ аҳолисининг уй-жой шароитини тубдан яхшилаш бўйича кенг чора-тадбирлар комплексини амалга оширишнинг таҳлилига алоҳида эътибор қаратилди.

Жорий йилнинг 9 ойи мобайнида қишлоқ жойларда 4,7 миллион квадрат метр якка тартибдаги уй-жойлар, 577 километр газ ва 1680,8 километр сув қувурлари тармоқлари фойдаланишга топширилди. Қишлоқ жойлардаги қурилишда фойдаланиш учун якка тартибдаги уй-жойлар ва ижтимоий соҳа объектлари намунавий лойиҳаларининг республика кўргазмаси ўтказилди. Тасдиқланган намунавий лойиҳалар бўйича «Қишлоқ қурилиш банк» акциядорлик тижорат банки кредитлари ҳисобига уй-жойларни комплекс қуришни жорий йилнинг тўртинчи чорагида бошлаш учун қишлоқ жойларда 42 та ер массиви тайёрлаб қўйилган.

Муҳокама жараёнида 2010 йилда қишлоқ аҳоли пунктларида комплекс қурилиш ва якка тартибда уй-жой қуриш дастурининг асосий параметрлари, шунингдек, уни молиялаштириш манбаалари батафсил таҳлил қилинди.

Дастурга мувофиқ республиканинг қишлоқ туманларида намунавий лойиҳалар бўйича 955 минг квадрат метр турар-жой майдонига эга бўлган 8,5 мингга яқин якка тартибдаги уй-жой қуриш назарда тутилган, шундан 42 та танлаб олинган ер массивида 95 минг квадрат метр турар-жой майдонига эга бўлган 840 та якка тартибдаги уй-жойни жадал қуриш бошланади. Дастурни молиялаштиришга 588,7 млрд.сўм, шу жумладан, "Қишлоқ қурилиш банк" акциядорлик тижорат банкининг 284,9 млрд.сўм миқдоридаги имтиёзли кредитлари йўналтирилади.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари, «Қишлоқ қурилиш инвест» инжиниринг компанияси, "Қишлоқ қурилиш банк" акциядорлик тижорат банки ва Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси раҳбарлари олдига Дастурни амалга оширишни жадаллаштириш бўйича аниқ вазифалар, шу жумладан, намунавий лойиҳалар бўйича якка тартибда уй-жойлар ва ижтимоий йўналишдаги объектлар қуриш учун муҳандислик ва транспорт коммуникациялари ўтказилган тегишли ер массивларини беришни жадаллаштириш топширилди. Шунингдек, намунавий лойиҳалар асосида якка тартибда уй-жой қуришни 25 фоизга арзонлаштиришни таъминлайдиган деворбоп, томга ёпиладиган ва бошқа қурилиш материаллари ишлаб чиқариш бўйича қўшимча ташкил этилаётган қувватларнинг жадал ишга туширилишини таъминлаш чора-тадбирлари белгиланди.

Вазирлар Маҳкамаси мажлисида иқтисодиёт тармоқлари, уй-жой фонди, ижтимоий соҳа ва ишлаб чиқариш инфратузилмаси объектларининг куз-қиш даврига тайёрлиги ҳолати, шунингдек, 2009-2010 йилларнинг куз-қиш даври учун мева-сабзавот маҳсулотлари ва картошка ғамлашнинг борини ҳам кўриб чиқилди.

Бир қатор вилоятлар ҳокимликлари, Халқ таълими вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази раҳбарларининг ҳисоботлари давомида вазирликлар, идоралар, хўжалик бирлашмалари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари раҳбарларининг эътибори иқтисодиёт тармоқлари, уй-жой фонди, ижтимоий соҳа ва ишлаб чиқариш инфратузилмаси объектларининг 2009-2010 йилларнинг куз-қиш даврига тайёрлиги ва ушбу даврда барқарор фаолият кўрсатиши, шу жумладан, уларга газ, электр энергияси, иссиқлик энергияси узлуксиз етказиб берилишини таъминлаш учун шахсан жавобгар эканликларига қаратилди.

Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, «Ўзулгуржисавдоинвест» уюшмаси ва «Матлуботсавдо» ҳудудий акциядорлик компаниялари томонидан мева-сабзавот маҳсулотларининг асосий турларини ва картошкани белгиланган ҳажмларда ғамлашни тугаллаш, шунингдек, ички бозорда улар нархининг асоссиз ошиб кетишига йўл қўймаган ҳолда уларнинг захираларини аҳолига тизимли сотишни таъминлаш юзасидан кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар кўрилиши зарурлиги қайд қилиб ўтилди.

Республика ҳукумати мажлисига киритилган масалаларни муҳокама қилиш якунлари бўйича тегишли қарорлар қабул қилинди. Уларда 2009 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор вазифаларининг бажарилишини таъминлаш ва келгуси йилда республика иқтисодиётини барқарор ривожлантириш учун ишончли кафолатлар яратиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар белгиланди.

(ЎзА).

СИНОВ

МУШТАРАКДИР КУЧ, БИЛИМ ВА МАҲОРАТ

Юртимиз осойишталиги, бунёдкор халқимизнинг тинчлигию фаровон турмуши ҳамда осмонимиз мусаффолигини таъминлашдек масъулиятли ва шарафли бурчларини оғишмай адо этиб келаётган посбонларимиз билан тайёргарлик машғулотларининг барча турлари бўйича назорат синовларини ўтказиш давом этмоқда.

ЕЛКАМА ЕЛКА ТУРИБ

Катта лейтенант Азизбек Ҳасанов гуруҳи назорат-синов машғулотларининг илғорлари сафида боришмоқда. Мазкур гуруҳда жанговар санъат сирларини мукаммал эгаллашга интилаётган, ўз ҳаётларини армия билан боғлаган энг сара ўғлонлар хизмат қилишмоқда. Шу кунларда қизғин тус олган синов машғулотларида гуруҳ посбонлари буни янада яққолроқ исботладилар.

Оммавий қирғин қуролларидан ҳимояланиш машғулоти бирмунча мураккаблиги билан ажралиб туради. Бунда посбонлар машғулотларда олган билимларини нафақат назарий, балки амалий жиҳатдан ҳам намойиш этишлари лозим.

Даставвал назарий машғулотлар бошланди. Посбонлар оммавий қирғин қуролларининг хусусиятлари, улардан ҳимояланишга оид саволлар бўйича имтиҳон топширдилар. Шундан сўнг амалий машғулотларга ўтилди. Бунда посбондан юксак билим, тезкорлик талаб этилади. Синов жараёнида камчилик ва хатоларга йўл қўймаслик лозим. Машғулот номидан ҳам кўриниб турибдики, посбон оммавий қирғин қуролларидан ҳимояланмоқда. Мазкур жараённинг мураккаблиги ҳам ана шунда.

Гуруҳлар навбати билан буйруқ бўйича машқларни бажара бошлашди. Офицер Дамир Боймуродов машқ жараёнида уларнинг хатти-ҳаракатларини баҳолаб борар экан, тез-тез «яхши, жуда яхши, баракалла» дея такрорларди. Сафдошларнинг дастлабки муваффақиятлари қолганларни ҳам руҳлантириб юборди. Посбонлар борган сари яхшироқ натижаларни кўрсата бошладилар.

– Посбонларнинг бугунги муваффақиятлари ўқув машғулотларининг юксак савияда ташкил этилганлиги ҳамда олиб борилганлигини кўрсатиб турибди, – дейди офицер Дамир Боймуродов. – Деярли барча ҳарбий хизматчилар имтиҳон саволларига қисқа вақт ичида мукаммал жавоб беришга интилганлар. Улар ўз билимларини амалий жиҳатдан ҳам аъло даражада намойиш этишди. Айниқса, бир-бирларини қўллаб-қувватлаб ҳаракат қилишлари диққатга сазовор. Йигитларнинг ҳар бири ҳақида яхши гап айтсак арзийди. Шундай бўлса-да улар орасида кичик сержант Дилшод Юнусов, сержант Акмал Усмоновлар номини алоҳида таъкидлаш жоиз. Улар назорат-синов машғулотларининг энг илғор посбонларидир.

Дарҳақиқат, икки ҳарбий ҳақида синовнинг дастлабки кунлариданоқ илиқ фикрлар айтилмоқда. Айниқса сержант Акмал Усмонов гуруҳнинг энг аълочи посбонларидан бири бўлиб, ҳамиша сафдошларига ўрнак. Ҳаётини армия билан боғлаган йигитнинг хизмат қилаётганига ҳам ўн бир йилдан ошиб қолди.

Ўтган йиллар соҳадаги билимларининг янада мустаҳкамланишига ва бу борада энг кўзга кўринган, тажрибали, маҳоратли посбонлар сафидан жой олишига замин яратди. Моҳир мерган намунали хулқи ва аъло хизматлари учун қисм қўмондонлиги томонидан бир неча бор рағбатлантирилди.

Акмал болаликдан спорт билан мунтазам шуғулланиб келади. Бу эса ҳарбий хизматда анча қўл келди. У спорт усталигига номзод. Яна шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, қаҳрамонимиз машғулотлар жараёнида 1200 (!) марта парашют билан сакраган ва бу борада тенгсиз маҳорат соҳибидир.

– Ҳарбий хизматни спортсиз тасаввур қилиш қийин, – дейди у шу ҳақда сўз кетар экан. – Қисмимизда спортга катта эътибор бериб келинади. Турли мусобақа ва беллашувлар ўтказилиши анъанага айланган. Диққатга сазовор томони шундаки, бу ерда ҳар бир посбон спортнинг ўзи ёқтирган тури билан шуғулланиш имкони бор. Жисмоний тайёргарлик машғулотларида сафдошларимизнинг юқори кўрсаткичларга эришганликлари ҳам ана шундай имкониятлар маҳсулидир. Қисқа қилиб айтганда, бизга яратилган қулай шарт-шароитлар янада кўтаринки руҳ билан хизмат қилишга ундаб туради.

– Жамоада сержант Акмал Усмонов каби илғор йигитлар кўпчиликни ташкил қилади, – дейди офицер Шукрулло Камолов. – Сержантлар Дилмурод Ҳайдаров, Исмоилжон Аҳмадалиевлар назорат-синов машғулотларида юқори натижалар кўрсатиб, жамоанинг биринчилар сафида бўлишига салмоқли ҳисса қўшмоқда.

Ҳа, айни кунлар ўтган ўқув йилида ҳарб илмидан олинган сабоқларни амалда намойиш этиш палласидир. Буни кичик бир гуруҳ ва шу гуруҳнинг энг сара, энг илғор посбони мисолида қисман кўрдик. Масъулиятли назорат-синов машғулотлари бизга ҳали яна кўп илғор посбонлар, гуруҳларни танитади, деб умид қиламиз.

ТОПОГРАФИЯ БИЛИМДОНЛАРИ


Маълумки, жанговар шайлик, вазиятнинг ҳар қандай шароитига мослашиш ҳамда тегишли тадбирларни қўллай билиш, қўйилган топшириқларни уддалаётганда ўзига хос матонат ва жасорат намуналарини кўрсата олиш учун посбондан чуқур тайёргарлик, соҳани билиш, бир сўз билан айтганда, маҳорат талаб қилинади. Бунга эришиш осон эмас, албатта. Қўйилаётган талабларга мукаммал даражада жавоб бера оладиган, яъни кучли, билимли ва маҳоратли бўлиб шаклланиш учун тинимсиз изланиш, интилиш ва машқ қилиш зарур. Ўтказилаётган назорат синов машғулотлари уларнинг айнан шу борадаги тайёргарликларини кўздан кечиришга имкон яратади. Она юртимиз ҳимоячилари ана шундай синовларда тобланади, машқларда шаклланади ва чинакам профессионал бўлиб етишадилар.

Офицер Бахтиёр Кичимбаев етакчилик қилаётган взвод посбонларининг ҳарбий топография фанидан синов машғулотларини кузатамиз. Дастлаб қоидага биноан қисқача тарзда йўриқнома ўтказилди ҳамда посбонларга синовлар қай тарзда бажарилиши тушунтирилди. Унга кўра ҳар бир ҳарбий хизматчи харитада ишлаши, тактик ва шартли белгилар ҳамда жойнинг координаталарини топшириққа мувофиқ ҳал этиши зарур. Шундан сўнг улардан турли шароитларда ҳаракатланиш чоғида эътибор қаратиш зарур бўлган энг муҳим жиҳатлар, белгиланган жойнинг географик ўрнини ўрганишда, масофанинг ўрнини ўлчаш ва аниқлашда компас, харита, ўлчов асбоблари каби воситалардан фойдаланишни билиш, бу каби ашёлар бўлмаганида вазият тақозосига кўра йўналиш мўлжалини табиий предметларга қараб аниқлаш, мураккаб ва ноқулай табиий шароитлардан муҳим тадбирларни қўллаш орқали чиқиб кетиш ва бошқа саволларга жавоб бериб, мазкур тайёргарлик бўйича билимларини намойиш этиш талаб қилинади.

– Ҳарбий хизматчи бошқа машғулотлар қатори мазкур фанни ҳам чуқур ўзлаштириши зарур, – дейди синовда аъло натижага эришган сержант Лутфулла Каримов. – Чунки топографияни билмаслик бамисоли йўл тополмай турган йўловчи ҳолати кабидир. Дейлик, ҳарбий хизматчи муҳим вазифани адо этиш учун чўлда ёки тоғли жойда ҳаракатланаяпти. Унга шартли белгилар асосида маълум масофага бориш вазифаси қўйилди. Шунда у аввало харитадан ўша жойни топиши, турган жойидан у ерга бориш йўлларини ўрганиши, масофани чамалай олиши, жойнинг рельефини, табиий тўсиқларни билиши лозим. Бунинг учун эса албатта, харитани ва ундаги шартли белгиларни ҳам пухта ўрганиш талаб этилади. Борди-ю, бирор тасодиф туфайли ўлчов асбоблари ёки бошқа зарур асбоб-анжомлар фойдаланишга яроқсиз ҳолга келган бўлса, бундай ҳолда унинг табиий воситалар асосида мўлжални олиш маҳоратини эгаллагани қўл келади. Масалан, кундузи кун чиқиши ва ботишига қараб буни аниқласа, тунда юлдузларга қараб йўлни белгилайди. Қор-ёмғир ёки туманли ҳолларда тоғ жинслари, ўсимликлар, жониворлар уяси, дарахтларга қараб ҳам дунё томонларини аниқлаш ва шунга кўра йўналиш мўлжалини белгилаш мумкин.

– Взводимиз шахсий таркиби ҳарбий топографияни яхши ўзлаштиришган, – дейди офицер Бахтиёр Кичимбаев қўл остидаги посбоннинг бийрон жавобларидан қониқиш ҳосил қилиб. – Уларнинг топографик асбоб-анжомлардан фойдаланиш ва шартли белгилар асосида харитада берилган топшириқларни тўлиқ адо этиш, шунингдек, уни ҳаётга ҳам татбиқ эта олишларига шубҳам йўқ. Сержантлар Лутфулла Каримов, Шоди Раззоқов ва Эркин Тошкенбоевлар бу борада энг аълочи ва етакчилардандир.

(Давоми 5-бетда).



СИНОВ

(Давоми. Боши 4-бетда).

КУЧ-ҚУДРАТИМИЗНИНГ АСОСИЙ ОМИЛИ

Офицерлар, сержантлардан иборат шахсий таркиб ижтимоий-сиёсий тайёргарлик бўйича тест синовларига тайёргарлик кўришмоқда. Кўзда тутилганидек синов машғулотлари олдидан масъул офицер Аҳрор Абдураҳмонов йўриқнома ўтказди. Тест синовлари жавобларини белгилаб чиқиш учун маълум муддат белгилангач, посбонлар уни бажаришга киришдилар.

Мазкур синов машғулоти натижалари билан танишганимизда посбонларнинг бу борадаги билимлари юқори эканлигига гувоҳ бўлдик. Тест жавобларидан кўриниб турибдики, улар минтақадаги ижтимоий-сиёсий вазият, Ўзбекистоннинг халқаро майдонда тутган ўрни ҳақида етарли маълумотларга эга. Бу ўз навбатида ижтимоий-сиёсий тайёргарлик машғулотларининг юксак савияда ташкил этилганлиги ҳамда олиб борилганлигини кўрсатади.

Тест натижаларига кўра кичик сержантлар Шерали Эсонов, Улуғбек Омонқуловлар энг юқори балл тўпладилар. Посбонларнинг ҳар иккиси ҳам жанговар ва ижтимоий-сиёсий тайёргарлик машғулотларида сафдошларига ўрнак бўлиб келадилар. Шу боис ҳам бир неча бор қисм қўмондонлиги томонидан рағбатлантирилган.

Маълумки, яқиндан бошлаб шартнома асосидаги ҳарбий хизмат оддий аскарлари ва сержантлари билан ишлаш бўйича йўриқчи вазифаси йўлга қўйилди. Бундай йўриқчилар энг сара етакчилик қобилияти ва тажрибасига эга бўлган ҳарбийлар орасидан танлаб олинади. Кичик сержант Улуғбек Омонқулов ҳам йўриқчи лавозимида хизмат қилмоқда. Посбонлар билан ишлаганда йўриқчининг шахсий намунаси ҳам муҳим аҳамият касб этади. Йўриқчи бу борада ҳам барчага намуна бўла олади. Ўтган назорат-синов машғулотлари натижаларига кўра у «Жанговар тайёргарлик аълочиси», «Ижтимоий-сиёсий тайёргарлик аълочиси» кўкрак нишонлари билан тақдирланган. Бундан ташқари намунали хулқи ва аъло хизматлари учун «Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларига 10 йил» эсдалик нишони билан мукофотланган. Касб сирларини пухта билиши, сафдошларидан ёрдамини аямаслиги, камтар ва вазминлиги боис жамоада ҳурмат-эътибор қозонган ҳарбийлардан бири.

Кичик сержант Улуғбек Омонқулов хизмат қилаётган ҳарбий қисмда посбонларнинг маънавий-ахлоқий тарбиясини янада яхшилаш ишларига ҳам катта эътибор қаратилади. Яхшигина китоб фондига эга бўлган илмий ва бадиий кутубхона фаолият кўрсатади. Машғулот заллари кўргазмали воситалар билан талаблар даражасида жиҳозланган. Тезкор ахборот яхши йўлга қўйилган. Айниқса, ижтимоий-сиёсий тайёргарлик машғулотларининг дала шароитида ҳам сифати ва самарадорлигини оширишга ҳаракат қилинганлиги диққатга сазовор.

– Маънавий-ахлоқий тарбияси юксак инсонлар юрт қадрини, юрт қудратини янада оширишни ўз олдиларига мақсад қилиб қўядилар, – дейди кичик сержант Улуғбек Омонқулов. – Бизнинг вазифамиз, бурчимиз муқаддасдир. Бизга Ватан, халқ тинчлиги, осойишталиги ишониб топширилган. Юксак маънавий-ахлоқий тарбия аъло хизматларимиз билан уйғунликда куч-қудратимизни янада оширади. Ана шундай куч-қудрат бизга халқимизнинг улуғ ишончини шараф билан оқлашимизни таъмин этади.

МУҲАНДИСЛАР МАҲОРАТИ

Бошқа соҳаларда бўлгани каби ҳарбийликда ҳам муваффақиятли натижага эришишда мавжуд барча бўғинларнинг ўзаро муштараклиги муҳим аҳамиятга эга. Бирбирини тўлдириб, натижани таъминлаб турган мазкур бўғинлардан яхлит бир бутунлик юзага келади. Сизларга ҳикоя қилмоқчи бўлганимиз, муҳандислик тайёргарлиги машғулоти ҳам ана шундай соҳанинг энг муҳим, айни пайтда мураккаб йўналишларидан биридир.

Дала-ўқув машғулотлари майдонида ҳарбийларимиз ушбу тайёргарлик тури бўйича ўз билим ва маҳоратларини синовдан ўтказишмоқда. Тегишли босқичлар асосида олиб борилаётган синовлар давомида посбонлар назарий ва амалий тарзда имтиҳон қилинмоқда.

Дастлаб саф тортган ҳарбий хизматчиларнинг машғулот учун зарур бўлган қурол-аслаҳа ва асбоб-анжомлари кўрикдан ўтказилди. Мазкур ашёларнинг қўлланилиши, тактик-техник тавсифлари ҳақида савол-жавоблар ўтказилди.

Навбат амалий машғулотларга етгач, посбонлар гуруҳларга бўлиниб, тўсиқлар ўрнатиш ва чуқурликлар қазиш, муҳандислик воситаларини жойлаштириш каби машқларни бажардилар. Иккинчи гуруҳга эса миналарни қидириб топиш вазифаси қўйилди.

Ўғлонлар кутилганидек синовларни муваффақиятли якунладилар. Жамоавий жипслик ва уюшқоқлик билан ҳаракат қилгани учун офицер Лазиз Раҳмонов бошчилик қилаётган гуруҳ бунда илғорликка эришди. Якка ҳолда эса кичик сержантлар Бахтиёр Одинаев, Бахтиёр Мамасодиқов ва шартнома бўйича ҳарбий хизматчи, оддий аскар Бунёд Маматқуловлар аъло натижаларга эришдилар.

– Муҳандислик соҳанинг энг мураккаб ва масъулиятли йўналишларидан биридир, – дейди офицер Лазиз Раҳмонов. – Шу боис ушбу хизмат мутахассислари тинмай билим ва тажрибасини ошириб бориши, вазифага ниҳоятда эҳтиёткорлик ва совуққонлик билан ёндашиши, тезкор ва тўғри қарор қабул қилиши талаб этилади.

Дарҳақиқат, муҳандислик хизматини мураккаб деганича бор. Чунки жойларни муҳандислик разведка қилиш, йўл қуриш, жиҳозлаш, далада қўшинларни электр билан таъминлаш, ҳудудни минадан тозалаш кабилар муҳандислик хизматидагиларнинг зиммасига юкланади.

Дейлик, у жанговар бўлинманинг хавфли ҳудуддан безарар ўтишини таъминлаш учун ўрнатилган миналарни зарарсизлантириш билан шуғулланяпти. Аввало, ундан минани топиш, агар у атрофга мослаштирилган бўлса тезкор аниқлаш, ниҳоятда совуққон, эҳтиёткор бўлиш талаб этилади. Шундан сўнг портловчи модда тузилишини, таркибидаги кимёвий заҳарли газлар ва бошқа моддаларни, зарарсизлантириш мумкинми ёки портлатиб юбориш ўринли бўлишини аниқлаб, шунга асосан қарор қабул қилиши талаб этилади.

АНИҚ МЎЛЖАЛ, АЪЛО НАТИЖА

Дала-ўқув машғулотлари майдони. Сафга тизилишган посбонлар жанговар ҳолатда. Улар ўқотар қуроллардан олис ва яқин масофалардаги ҳаракатланувчи нишонларга қарата отиш ва қўл гранатасини яқин масофадаги нишонларга улоқтириш машғулотидан синовларни адо этишлари лозим. Машқлар кундузи ва тунги шароитларда ўтказилади.

Дастлаб машғулот раҳбари томонидан посбонларнинг ушбу синовларга қай даражада тайёрлиги, ўзларига бириктирилган қуроллар бўйича назарий билимлари синалди.

Ниҳоят, синовлар бошланди. Взвод командири офицер Мирзоҳид Қурбоновнинг «жангга!» деган буйруғи янгради. Кичик сержант Алишер Маматов ҳаракатланувчи нишонни мўлжалга олди. Нишонлар ерга қулади. Биринчи босқичдан муваффақиятли ўтган кичик сержантга позицияни ўзгартириш ҳақида буйруқ берилди. Энди сал яқинроқда бироз тезроқ ҳаракатланаётган нишонлар яксон этилиши лозим. Маҳорат бу гал ҳам ўз сўзини айтди. Нишонларга қарата отилган ўқлар бехато тегди. Шунингдек, яқин масофадаги нишонларга граната улоқтириш машқи ҳам муваффақият билан адо этилди. Бунда улоқтирилган гранатанинг белгиланган масофага етиб бориши, маълум квадратга тушиши ва ўша ерда портлаши эътиборга олинади. Шунингдек, назорат синовларини топшираётган посбоннинг қоидага биноан ҳаракатланиши, қуролга ўқдонни ўрнатиш ва жанговар ҳолатдан чиқаришдаги машқларни тўғри бажариши, хуллас, ҳамма-ҳаммаси ҳисобга олинади.

Машғулотни кузатар эканмиз, посбонларнинг барчаси бирдай шижоаткор ва моҳир эканига амин бўлдик. Негаки аксарият ҳарбий хизматчилар нишонларга қарата ўқ отиш синовларини биринчи уринишдаёқ муваффақиятли якунлашди. Айниқса, автоматдан нишонга отган кичик сержантлар Лазиз Раҳмонов, Шерали Эсонов, қўл пулемётидан нишонга отган сержант Исмоил Аҳмадалиев, мутахассис-мерган сержант Акмалжон Усмоновлар бу борада барчадан ўзиб кетиб, энг илғор деган номга сазовор бўлишди.

– Сафдошларим – мусобақадошларим, – дейди кичик сержант Лазиз Раҳмонов, илғорликка эришишида уларнинг роли катта бўлганига ишора қилиб. – Барчаси ҳам моҳир ва шижоатли ўғлонлар. Улар билан беллашиш учун албатта, пухта тайёргарлик ва етарлича кўникма зарур.

Суҳбат асносида Лазизнинг бошқа тайёргарликлар бўйича ҳам натижалари ёмон эмаслигини билиб олдик. Энг асосийси, бундай мардлари бор юртга ҳеч ким таҳдид сололмаслиги дилларимизга хушнудлик бахш этади.

Қўш саҳифани «Ватанпарвар» мухбирлари капитан Ёшин ҲАКИМОВ ва Инобат ИБРОҲИМОВАлар тайёрлади.



АНЖУМАН

Давра суҳбати

ҲУРЛИККА КАМАРБАСТАДИР, БАРКАМОЛ ЁШЛАР

Марказий офицерлар саройида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси ва Мудофаа вазирлиги ҳамкорлигида «Ватан ҳимояси – ҳар бир фуқаронинг муқаддас бурчи» мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди. Тадбирда сенаторлар, депутатлар, тегишли вазирлик ва давлат хизматлари вакиллари, ҳарбий хизматчилар, ҳуқуқ-тартиботни муҳофаза қилиш идоралари ходимлари ва жамоат ташкилотлари вакиллари иштирок этишди.

Анжуманни Олий Мажлис Сенатининг мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси раиси М.Усмонов кириш сўзи билан очди ва олиб борди.

Унда Мудофаа вазирлиги Тарбиявий ишлар бош бошқармаси бошлиғи вазифасини бажарувчи офицер А. Қличев, Мудофаа вазирлиги Чақирув ва резервистларни тайёрлаш бошқармаси бошлиғи вазифасини бажарувчи офицер Б. Маҳмудов, Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази директорининг ўринбосари З.Худойбердиев, Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар қўмитаси раисининг ўринбосари М. Зуфарова, мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти марказий Кенгаши раисининг ўринбосари Ш. Жўраев, Республика маънавият тарғибот маркази раҳбарининг ўринбосари С. Олимовнинг маърузалари тингланди.

Шунингдек, Тошкент шаҳар мудофаа ишлари бошқармаси бошлиғи офицер Б. Жуманиёзов ва «Оила» илмий-амалий маркази бошлиғи В. Каримовалар ҳам кун тартибидаги масалалар юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришди.

Давра суҳбати иштирокчилари маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, таълим муассасалари ва жамоат бирлашмаларининг маънавий бой, жисмонан тобланган, мустақил фикрлайдиган, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат билан қарайдиган, менталитетимизга ёт зарарли таъсирлар ва оқимларга қарши тура оладиган ёшларни тарбиялаш борасидаги фаолиятини такомиллаштиришга қаратилган бир қатор таклиф ва тавсияларини билдиришди. Бу борада таълим муассасалари ва жамоат бирлашмалари вакилларини янада фаолроқ жалб этиш таклиф қилинди.

Дарҳақиқат, ўзини шу азиз Ватаннинг фуқароси ҳисоблайдиган, тақдири мамлакат тақдири билан чамбарчас боғлиқ эканини англаб етган ҳар бир онгли шахс юрт истиқболи учун масъуллик сезади. Унинг фаровонлиги, тараққиёти ва келажаги учун қайси бир соҳада бўлмасин, ўз ҳиссасини қўшишга чоғланади. Бу ўринда айниқса, юрт тинчлиги йўлида хизмат қилишга бел боғлаган посбонларимизнинг шарафли ва масъулиятли фаолиятларига алоҳида эътибор қаратиш жоиздир.

Бугун миллий армиямиз сафларида Ватан ва халқ ўз хавфсизлигини ишониб топширган, ҳаётини армиясиз тасаввур эта олмайдиган ва ҳарбий хизматни ўзининг муқаддас бурчи ҳисоблайдиган асл фидойилар хизмат қилмоқда. Барча соҳаларда бўлгани сингари Қуролли Кучларда ҳам олиб борилаётган ислоҳотлар самараси ўлароқ бугун ҳарбий соҳа юртимизда фахр-ифтихорли касблардан бирига айланди. Хусусан, Қуролли Кучларимиз сафини бутлаш тизими изчил ва босқичма-босқич такомиллаштирилди. Аҳоли, айниқса, ёшларимиз орасида ҳарбий хизматга бўлган қизиқиш ва ҳавас салмоқли даражада ўсди.

Муддатли ҳарбий хизматни ўташ тизимини ислоҳ қилиш бўйича миқёси ва теранлиги жиҳатидан муҳим аҳамиятга эга бўлган ишлар амалга оширилди. Фуқароларни муддатли ҳарбий хизматга танлов асосида саралаб олиш тартиби йўлга қўйилиб, чақирув комиссияларининг ишида ошкораликни ва самарали жамоатчилик назоратини таъминлаш учун улар таркибига маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва жамоат ташкилотларининг вакиллари киритилди. Кўрилган бу каби чора-тадбирлар натижасида Қуролли Кучларни чақирилувчилар билан бутлашни сифат жиҳатидан яхшилаш имконияти юзага келди.

Хусусан, кейинги йилларда муддатли ҳарбий хизмат муддати бир йилгача қисқартирилиб, сафарбарлик чақируви резервидаги хизмат жорий этилгани, шартнома-контракт асосидаги хизматга ўтиш деярли якунлангани, жорий йилдан бошлаб муддатли ҳарбий хизматга чақирув бир йилда бир марта амалга оширилаётгани ҳамда кузатиш, кутиб олиш, ёш аскарларнинг Ҳарбий қасамёд қабул қилиш маросимларига кенг жамоатчилик ва ота-оналарнинг ҳам таклиф этилиши каби янгича анъаналарга асос солинаётгани туфайли армиянинг жанговар қобилияти сезиларли даражада ошганини ҳам бу борада қайд этиш ўринли, албатта.

Тадбир иштирокчилари ўз маърузаларида бу ҳақда алоҳида тўхталиб ўтишаркан, мамлакатимиз ёшлари учун армия хизматини ўташ ўз навбатида уларнинг келажак фаолиятларида муҳим ўрин тутаётганини қайд этдилар. Зеро, Юртбошимиз таъбири билан айтганда, эзгу орзу умидлар билан мустақил ҳаётга қадам қўяётган минглаб ёшлар учун армия сафларида хизмат қилиш уларнинг шахс сифатида шаклланишида ўзига хос пойдевор бўлмоқда, ҳаёт йўлларини танлашда, олий таълим, шу жумладан ҳарбий таълим олишда кенг имкониятлар очиб бермоқда. Бугунги кунда айнан мана шу ёшлар мамлакатимизнинг фаол ва пухта тайёрланган кадрлар захирасини, Ўзбекистон келажагининг таянчи ва суянчини ташкил этмоқда.

Ҳа, ёшларимиз бизнинг эртамиз, келажак давомчиларимиздир. Уларга эътибор – ўз келажагимизга эътибор демак. Анжуман иштирокчилари бу борада бошлаган эзгу ишларимизни оғишмай давом эттириш, ёшларни катта ҳаётга, шу жумладан ҳарбий хизматга тайёрлашда уларни ҳар томонлама баркамол, юксак маънавий ва ахлоқий фазилатларга эга этиб тарбиялаш, фаол ҳаётий позиция ҳамда ватанпарварлик, мамлакат тақдири учун масъулият ҳисси билан яшашга ўргатиш, юртимиз мустақиллиги ва хавфсизлигини мустаҳкамлаш туйғуларини янада мустаҳкамлаш учун барча куч ва имкониятларни сафарбар этиш лозимлигини тилга олдилар.

Зеро Қуролли Кучларимизнинг жанговар қобилияти, мамлакатимиз хавфсизлиги ва жамиятимиздаги маънавий-ахлоқий муҳит бевосита ушбу вазифаларнинг нечоғлик муваффақиятли ҳал этилишига боғлиқ эканини ҳеч қачон унутмаслигимиз зарур.

Дарҳақиқат, бугун шарафли ва масъулиятли бурч бўлган ҳарбий хизматни ўташга оддий ижрочи сифатида эмас, балки етук салоҳиятли, маънавий ва руҳий жиҳатдан пухта тайёрланган, муҳим ва масъулиятли вазифаларни сифатли бажарадиган, истиқлолни, халқимиз тинчлиги ва осойишталигини ишончли ҳимоя қиладиган ҳақиқий профессионал посбон, чинакам ватанпарвар сифатида ёндашиш талаб этилади.

Капитан Ёшин ҲАКИМОВ,
«Ватанпарвар» мухбири.
Баҳром АБДУРАҲИМОВ суратга олган.



ТАЛАБАЛАРДА ҲАРБИЙЛИККА ИШТИЁҚ БАЛАНД

Ёшлар – миллат ишончи, юрт эртаси, келажак эгалари. Мустақилликнинг илк кунлариданоқ мамлакатимизда ҳар томонлама баркамол авлодни тарбиялаш давлат сиёсатининг устувор йўналиши сифатига белгиланди.

Бугун юртимизда замон талабига жавоб берадиган мутахассислар тайёрлаш учун барча имкониятлар муҳайё қилинган. Бу бежизга эмас, албатта. Билимдон, ўз салоҳияти ва фикрига таяниб, мустақил фикрлайдиган ёшларимиз эртанги кун давомчиларимиз ҳисобланади.

«Иқтидорли ёшларни топиб, уларни Ватанга муҳаббат руҳида тарбиялаш энг муҳим вазифаларимиздан биридир» дея таъкидлаган эди Юртбошимиз ўз маърузаларида.

Дарҳақиқат, юртимизда ёшлар учун яратилган чексиз имкониятлардан тўғри, ўз вақтида унумли фойдалана олган йигит-қизларимиз бугун ҳар жабҳада пешқадам бўлиб, келажакларига муносиб тамал тоши қўймоқдалар.

Шу кунларда олий таълим муассасалари ҳузуридаги ҳарбий кафедраларга талабаларни қабул қилиш жараёни қизғин давом этаяпти. Шуниси қувонарлики, талабаларнинг аксариятида кафедрада сабоқ олиб, ҳарб илмини ўрганишга, ҳарбийча ҳаёт билан танишишга иштиёқ баланд. Бундан ёшлар қалбида ҳарбийликка ҳавас ва қизиқиш кучли эканлиги кўриниб турибди.

Марказий ҳарбий спорт клуби мажмуасида бўлганимизда Тошкент ахборот технологиялари университетининг Телекоммуникация, Радиотехника, Радиоалоқа ва телевидение факультетларининг 3-босқич талабалари жисмоний тайёргарлик бўйича имтиҳон топшириш аётган экан. Имтиҳонларни Мудофаа вазирлиги масъул офицерларидан иборат комиссия аъзолари олиб боришмоқда.

Жисмоний тайёргарликка қадар йигитлар махсус тиббий кўрикдан ўтишган. Тиббий кўрикдан ўтган талабаларгина кейинги босқичга йўл олишган.


– Талабаларнинг орасида келажакда ўз ҳаётини ҳарбийлик билан боғлаш ниятида бўлганларнинг кўплиги мени қувонтирди, – дейди комиссия аъзоси, офицер Мансур Мамадаминов. – Уларнинг жисмоний тайёргарлигига келсак, биз кутгандан ҳам анча юқори натижаларни қайд этишаяпти.

Дарҳақиқат йигитлар 3 км. ва 100 метрга югуриш, турникда тортилиш бўйича бир-бирларидан қолишмасликка ҳаракат қилишиб, жисмоний етук эканликларини исботлашяптилар. Жисмоний тайёргарликдан етарли балл тўплаган талабалар кейинги босқичда Давлат тест маркази томонидан ўтказиладиган тест синовларини топширишади.

Ҳарбий кафедра бошлиғининг ўринбосари, офицер Асомиддин Абдуғаниевнинг таъкидлашича талабалардан – Руслан Саъдуллаев, Қаҳрамон Сайфиев, Виталий Ким, Азиз Маматов, Одил Шайматов, Алишер Ўрозов, Асхат Латипов, Сайдулло Ядгаров кабилар синовни яхши ва аъло баҳоларга топширишиб, тенгдошларига ибрат бўлишяпти.

Ишончимиз комилки, ҳарбий кафедраларда таҳсил олиб, ҳарб илмидан сабоқ оладиган ёшларимиз келгусида Ватанимиз равнақи ва ҳимояси йўлида камарбаста бўлажаклар.

Кичик сержант Аҳрор ОЧИЛОВ,
«Ватанпарвар» мухбири.



ЧАҚИРУВГА ТАЙЁРГАРЛИК

В ТЕСНОМ ВЗАИМОДЕЙСТВИИ

За последние годы в стране проведена значительная по масштабам и глубине работа по реформированию системы прохождения гражданами Республики Узбекистан срочной военной службы.

В соответствии с Законом «О всеобщей воинской обязанности и военной службе» установлен срок срочной военной службы граждан – двенадцать месяцев.



Принятые меры по совершенствованию системы прохождения гражданами срочной военной службы позволили качественно улучшить комплектование Вооруженных Сил призывниками, существенно возрос уровень их физического и интеллектуального развития, в корне позитивно изменился престиж военной службы среди населения.

С 2009 года призыв граждан на армейскую службу осуществляется один раз в год – в феврале-марте.

Вот почему остаются считанные месяцы до старта очередной призывной кампании.

В настоящее время ведется активная предварительная работа с призывной молодежью. При содействии аксакалов махаллей и органов профилактики изучаются их социальное положение, уровень физического развития, обстановка в семье.

Оно и понятно, ведь от качественного взаимодействия и компетентного подхода государственных и общественных организаций зависит своевременное и качественное укомплектование личным составом частей и подразделений Вооруженных Сил.

– На местах в тесном взаимодействии с местными органами власти и общественными организациями, – говорит представитель столичного Управления по делам обороны офицер Набижон Гаппаров, – ведется, в первую очередь, большая созидательная работа по вопросам призыва. Молодым людям и их родителям детально разъясняются положения законодательной базы, Указа Президента Республики Узбекистан «О мерах по совершенствованию условий прохождения гражданами срочной военной службы в Вооруженных Силах Республики Узбекистан», доводятся требования конкурсного отбора, ход проводимых в Вооруженных Силах Узбекистана реформ, поясняется система льгот, предоставляемые военнослужащим срочной военной службы.

Кроме того, повсеместно, реализуются комплексные мероприятия, направленные на совершенствование инфраструктуры учебных и призывных пунктов. Проводится их оснащение материально-техническим имуществом, медицинским оборудованием с учетом современных требований.

Так, на днях, Отдел по делам обороны Юнусабадского района г. Ташкента организовал очередную встречу для призывной молодежи. Офицер отделения призыва Умиджон Уринбаев сделал акцент в своем выступлении на то, что одним из важных критериев предстоящей призывной кампании является качественный отбор на армейскую службу путем тестирования, проведения всестороннего медицинского освидетельствования, проверки интеллектуального уровня призывника. Физическая подготовленность, уровень интеллектуального развития позволят призывнику набрать дополнительные баллы. Нервно-психическая устойчивость каждого призывника будет определяется в ходе тестовых испытаний. Специалисты отделения призыва подробно ответили аудитории на все интересующие их вопросы, выслушали мнения и пожелания.

Председатель схода граждан махалли «Посира» Юнусабадского столичного района Аброр Зокиров в своем выступлении отметил, что при укомплектовании Вооруженных Сил призывной молодежью призывная комиссия будет строго придерживаться требований профессионального и психологического отбора граждан для прохождения срочной военной службы. Конкурсный отбор призывников с целью исключения субъективизма при принятии решения о призыве на срочную военную службу. Резюмируя условия конкурсного отбора, который в скором времени стартует на местах, можно сделать следующий вывод: он будет проведен с учетом не только профессионального, но и психологического уровня призывников.

– Подобный тесный контакт, своего рода «круглый стол», безусловно, вызвал все больший интерес к предстоящей службе в армии у меня и моих друзей, Тимура Ахмедова, Миравазбека Шарипова и Артема Матюшкина, – делится впечатлениями Суннат Хакимжонов. – Для себя в выборе я уже определился: намереваюсь достойно пройти конкурсный отбор и в скором будущем служить в Пограничных войсках.

– Сегодня служба в армии, действительно, стала не только почетной, но и престижной, – присоединяется к беседе призывник Шовкатжон Ахмедов, – знаю это на примере старшего брата Шахзода. Для себя лично рассматриваю предстоящую службу как почетный долг, путевку в достойную жизнь. А систему льгот при условии добросовестной службы, в виде социальной поддержки военнослужащих, дополнительных баллов при поступлении в высшие образовательные учреждения, как великолепный стимул на будущее.

Время до старта призывной кампании 2010 года достаточно. От того, как она пройдет, будет зависеть укомплектованность рядов Вооруженных Сил, на которые возложена главная задача – защищать мир и покой нашей страны.

Капитан Хасан МИРЗАЕВ,
корр. «Ватанпарвара».
Фото **Бахрома АБДУРАХИМОВА.**

САРАЛАНАР ЖАСУР ЎҒЛОНЛАР

Қашқадарё вилояти Касби тумани мудофаа ишлари бўлимида 2010 йилги чақирувга тайёргарлик доирасида йигитлар тиббий кўрикдан ўтказиляпти.

– Вилоят ва туман ҳокимларининг фармойишларига мувофиқ чақирувга тайёргарлик ишларини бошлаб юборганмиз, – дейди туман мудофаа ишлари бўлими бошлиғи подполковник Тўлқин Ащуров. – Йигитларни тиббий кўрикдан ўтказиш учун туман мудофаа ишлари бўлими биносида барча шароитлар яратилган. Чақирувнинг қиш фаслига тўғри келиши ҳисобга олиниб, мудофаа ишлари бўлими ва чақирув пункти талаб даражасида ихтиш воситалари, моддий-техник ашёлар ва замонавий тиббиёт ускуналари билан таъминланди.

Ҳақиқатан ҳам туман мудофаа ишлари бўлими биносига кирар эканмиз, бу ерда яқинда таъмирлаш ишлари бўлиб ўтгани яққол кўзга ташланади. Чақирилувчиларга тушунтириш ишлари олиб бориш, ота-оналар ва маҳалла фаоллари билан суҳбат ўтказиш хоналари жиҳозланган, Қуролли Кучларимиз нуфузи, қудрати, унда кечаётган ислоҳотлар акс эттирилган кўргазмали воситалар, чақирилувчиларга керак бўлган маълумотлар, ахборотлар тайёрланиб, деворларга осиб қўйилган.

Шифокорлар учун махсус хоналар ажратилган бўлиб, зарур тиббиёт анжомлари ва ускуналари билан таъминланган.

– Бугун биз армияда хизмат қилишни ўзимиз учун шарафли вазифа деб биламиз,– дейди муғлонлик чақирилувчи Жаҳонгир Жумаев. – Буни болалигимдан орзу қилганман. Аммо орзу қилишнинг ўзи кам, унга етиш учун инсон интилиши ва ҳаракат қилиши зарур. Шу мақсадда болалигимдан дзюдо билан шуғулландим, шу спорт тури бўйича 2-разрядим бор. Умумтаълим мактабида ўқишни тамомлаб, Қарши Олимпия захиралари коллежида таҳсил олдим. Туман мудофаа ишлари бўлими ходимлари бугун менга 100 ва 1000 метрга югуриш, турникда тортилиш каби синовлар, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест марказидан тақдим этилган тест саволлари асосида имтиҳон топширишим кераклиги ҳақида тушунча беришди. Қуролли Кучлари сафига қабул қилиниш учун жиддий тайёргарлик кўраяпман.

Туман мудофаа ишлари бўлими ходимлари томонидан барча қишлоқ ва маҳалла фуқаролар йиғинлари фаоллари билан биргаликда маҳалла ва қишлоқларда чақирилувчилар ва уларнинг ота-оналари билан доимий учрашувлар ўтказилиб борилмоқда. Уларга Қуролли Кучларимизда олиб борилаётган ислоҳотлар, муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган ва хизматдан резервга бўшатилган ёшларга ҳукуматимиз томонидан берилаётган имтиёзлар тўғрисида маълумотлар берилмоқда.

Мана шундай давра суҳбатларидан бири тумандаги Қатағон қишлоқ фуқаролар йиғинида бўлиб ўтди. Унда чақирилувчилар ва уларнинг ота-оналарига Президентимизнинг 2008 йил 20 ноябрдаги «Фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларида муддатли ҳарбий хизматни ўташ шарт-шароитларини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони юзасидан кенг тушунчалар берилди. Мазкур фармонга кўра фуқароларни муддатли ҳарбий хизматга чақириш йилига бир марта, яъни февраль-март ойларида амалга оширилади.

Ўз олдига эзгу мақсадларни қўйган бугунги чақирилувчилар мустақил юртимизни шараф билан ҳимоя қилиб, билдирилаётган юксак ишончни ёруғ юз билан оқлайдилар.

Зуҳра ОЙМАМАТОВА.

ОИЛА ГУЛШАНИ

ЖОНКУЯР МУРАББИЙ, БИЛИМДОН УСТОЗ



**Мурғак юракларга сингдириб меҳр,
Илму заҳмат ила топдингиз эъзоз.
Дунёда йўқ эрур сиздек кенг бағир,
Онадек мўътабар — мураббий устоз.**

Агар эътибор қилсангиз, фарзандларимиз камолидаги энг нозик жараён боғчада – мураббиялар қўлида шаклланади. «Етти ёшгача эгаллаган тарбия етмишга кетади», дейди доноларимиз. Бундан кўриниб турибдики, ўғил-қизларимиз келажагида мактабгача таълим муассасаларининг ўрни беқиёс. Бу борада «боғча опа», дея меҳр билан тилга олинувчи мураббияларни оналарга қиёсласак арзийди. Негаки, эндигина улғайиб келаётган жажжиларга улар нафақат таълим ва тарбия, балки волидалик меҳрини ҳам сингдира олишади.

Ҳарбий оила бекаси, Қуролли Кучлар хизматчиси Ибодат Расулова ҳаётининг энг қайноқ даврини, илму меҳрини, умр заҳматини жажжи ўғил-қизларимиз тарбиясига бағишлаган фидойи мураббиялардан.

Мудофаа вазирлигига қарашли мактабгача таълим муассасасига раҳбарлик қилиб келаётган бу инсонни мен кўпдан буён танийман. Чунки таълим ва тарбия ҳамда маданий-маърифий йўналишдаги кўплаб тадбирларда моҳир педагог ўзининг фаоллиги, билимдонлиги билан ажралиб туради.

Ибодат опа билан суҳбат давомида унинг ҳаёт йўли, хизмат фаолиятига назар ташлар эканмиз, ҳарбий оила бекасининг меҳрибон ва қаноатли рафиқа, жонкуяр она сифатида ҳам ҳаётда муносиб ўрин топганлигидан хабардор бўлдик.

Педагогика институтини битириб, хизмат қилишга шай турган билимдон қизнинг ўткир зеҳни ва заковати инобатга олиниб, унга туман маориф бўлимининг мактабгача таълим йўналишига етакчилик қилиш ишониб топширилди. Бу ишонч ўзини оқлади. Мана, шунга ҳам ўттиз уч йил бўлаяпти. Унинг тақдир йўлини офицер йигит билан боғлангани эса ҳаёти ва фаолиятида ўзига хос саҳифа очди. Яъни умр йўлдоши қай бир гўша, қайси бир гарнизонда хизматда бўлмасин ўша ерда ҳарбий хизматчиларнинг фарзандларига мураббиялик қилди, мавжуд шароитдан келиб чиққан ҳолда фаолият юритди. Жамиятда, оилада муносиб ўрин топиб борди. Турмуш ўртоғи билан бирга уч фарзандни тарбиялаб, зиёли инсонлар сафига қўшди.

Ўз соҳасини севган, қаерда, қандай шароитда бўлмасин сидқидилдан меҳнат қилган инсон албатта муваффақиятларга эришиб боради, эл-юрт ҳурматига сазовор бўлади. Буни мақоламиз қаҳрамони мисолида ҳам кузатиш мумкин. 2001 йилдан буён мактабгача таълим муассасасида дастлаб услубчи, сўнгра муассаса раҳбари сифатида хизмат қилиб келаётган Ибодат Расулова бугун мураббийлар устози, қўл остидаги ходимларга ҳар томонлама ўрнак бўлиб келаётган жонкуяр етакчи. Энг асосийси, тажрибали педагог раҳбарлик қилиб келаётган жажжилар маскани Мудофаа вазирлиги тизимидаги мактабгача таълим муассасалари ичида намунали фаолияти билан ажралиб туради.

Биз боғча билан яқиндан танишар эканмиз, бу гўшада олиб борилаётган таълим-тарбия соҳасидаги ишлар эътиборимизни тортди. «Учинчи минг йиллик боласи» дастури асосида иш режасига эга бўлган таълим масканида тарбияланувчиларнинг билимлари ҳар уч ойда таҳлил қилиб борилишидан воқиф бўлдик. Боғчанинг ота-оналар ҳамда маҳалла ва умумтаълим муассасалари билан ўрнатилган мустаҳкам алоқаси маънавият ва маърифат, таълим-тарбия йўналишида етакчи бўлишига замин яратди, десак арзийди.

Боғча тарбияланувчиларининг Мудофаа вазирлиги тасарруфидаги мактабгача таълим муассасалари ўртасида ўтказилган «Спорт – менинг дўстим» номли мусобақада биринчи ўринни қўлга киритгани диққатга сазовордир. Бундан ташқари болалар мусиқа ижодий фестивали ҳамда Умумармия бадиий ижодиёти каби бир қатор кўрик-танловларда эришилган муваффақиятлар тарбия масканида олиб борилаётган таълим ва тарбия кўламини қай даражада юқори эканлигидан далолат беради. Албатта, қўлга киритилган зафарлару юксак таълим жараёнида муассаса раҳбарининг ўрни беқиёс. Шу сабаб ёш авлодни мустақил юртимизнинг муносиб эгалари қилиб тарбиялаш йўлидаги фидоийлиги учун тажрибали педагог Ибодат Расулова яқинда «Ўқитувчилар ва мураббийлар куни» муносабати билан Ўзбекистон халқ таълими аълочиси кўкрак нишони билан тақдирланди.

– Таълим масканида эришган ҳар бир муваффақиятимизда ишчи-хизматчилар, педагогик кадрларнинг ўрни беқиёс, – дейди жонкуяр мураббий, талабчан раҳбар биз билан суҳбатда. – Жамоа аҳлининг мақсади битта. Яъни ёш авлод – келажагимиз ворисларини истиқболда ҳар томонлама етук инсонлар бўлишига замин яратиш. Шубҳасизки, менинг эришган ютуғимда муассасамиздаги ҳар бир ходимнинг муносиб ўрни бор. Негаки, жамоа аҳил, ҳамжиҳат бўлсагина раҳбарнинг саъй-ҳаракати муносиб ўрин топади. Мен фаолиятимда доимо уларга суянаман.

Ҳа, болажонларга меҳр улашиш, уларга таълим-тарбия бериш осон иш эмас. Шу сабаб мураббияларимизни энг жонкуяр ва заҳматкаш инсонлар десак, хато қилмаймиз. Мана, шулар сафида сизга ҳикоя қилган мақоламиз қаҳрамони Ибодат Расулова ҳам бор. Биз Ўзбекистон халқ таълими аълочиси бўлган малакали мураббий, устозга омад тилаб қоламиз.

**Зулфия ЮНУСОВА,
«Ватанпарвар» мухбири.**

ОНА ВА БОЛА САЛОМАТЛИГИ ЙЎЛИДА

Мамлакатимизда аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш, она ва бола саломатлигини муҳофаза қилишга давлат сиёсати даражасида эътибор қаратилмоқда.

Тиббий соҳада амалга оширилаётган ислоҳотлар, қабул қилинаётган қонун ва қарорлар, давлат дастурлари замирида шаҳар ва қишлоқларимиздаги соғлиқни сақлаш муассасалари моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, уларни малакали мутахассис кадрлар ва замонавий асбоб-ускуналар билан таъминлаш, халқимизнинг тиббий маданиятини ошириш каби устувор мақсадлар мужассам.

Айниқса, жойларда она ва бола скрининг марказларининг ташкил этилиши «Соғлом онадан – соғлом фарзанд» тамойили асосида олиб борилаётган ишларни янги босқичга кўтарди. Самарқанд шаҳридаги ана шундай марказ бугунги кунда нафақат ушбу вилоят аҳолиси, балки қўшни Жиззах вилоятидан келаётган аёлларга ҳам хизмат кўрсатмоқда.

– Марказимизда асосан туғруқ даври, яъни 18 ёшгача ва 35 ёшдан кейин ҳомиладор бўлган аёллар, шунингдек, қариндош-уруғлари орасида ирсий касалликлар учраган, биринчи ҳомиласи нобуд бўлган ёки фарзанди ногирон туғилган оналар йўлланма асосида келиб тиббий текширувдан ўтади, – дейди Самарқанд вилояти она ва бола скрининг маркази раҳбари вазифасини бажарувчи Дилфуза Нурмуҳамедова. – Бундан ташқари, янги туғилган чақалоқларнинг марказимизга юборилган қон таҳлиллари асосида уларни туғма гипотериоз ва фенилкетонурия касалликлари бўйича неонатал скрининг текширувидан ўтказамиз. Жумладан, йил бошидан буён 45700 дан зиёд чақалоқнинг таҳлиллари текширилди. Ультратовуш текширувидан ўтган 8500 нафардан ортиқ ҳомиладор аёлнинг айримларида турли нуқсонлар аниқланиб, тегишли тавсиялар ва тиббий воситалар берилди.

Бугунги кунда марказда жадвал асосида ҳар куни туман, шаҳарлардан йўлланма асосида аёллар келиб, тиббий текширувдан ўтмоқда. Шифокорларимиз жойларга чиқиб, Президентимизнинг жорий йилда қабул қилинган «Она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш, соғлом авлодни шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ҳамда «2009–2013 йилларда аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом бола туғилиши, жисмоний ва маънавий баркамол авлодни вояга етказиш борасидаги ишларни янада кучайтириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари Дастури тўғрисида»ги қарорлари моҳиятини аҳоли орасида тарғиб қилиш, соғлом турмуш тарзи асослари бўйича учрашувлар, давра суҳбатлари ташкил этмоқдалар. Эндокринолог, невропатолог, генетик, акушер-гинеколог, диетолог каби малакали шифокор мутахассисларимиз ўша ердаги поликлиника, қишлоқ врачлик пунктларида фертиль ёшдаги аёлларни тиббий кўрикдан ўтказмоқда.

Текширувлар натижаси шуни кўрсатмоқдаки, кўп ҳолларда қариндошлар ўртасидаги никоҳ, туғруқлар орасидаги муддатга риоя қилмаслик, оила қуришдан олдин ёшлар тиббий кўрикдан ўтишга етарли аҳамият бермаётгани турли касалликларни келтириб чиқармоқда.


– Бугунги кунда врачлик пунктимиз хизмат кўрсатадиган ҳудуд аҳолиси орасида 1500 дан зиёд фертиль ёшдаги хотин-қизлар бўлиб, уларнинг саломатлиги доимий назоратга олинган, – дейди Пахтачи тумани «Қарнаб» қишлоқ врачлик пункти дояси Сарвиноз Шодмонова. – Ҳар бир қишлоқ, кўча бўйича белгиланган врач ва ҳамширалар ёрдамида улар мунтазам тиббий кўрикдан ўтказиб турилади. Зарурат туғилганда вилоят скрининг марказига мурожаат қиламиз.

Кейинги йилларда марказни замонавий тиббий асбоб-ускуналар ва малакали мутахассис кадрлар билан таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шу мақсадда жорий йилда бир қатор лаборатория жиҳозлари ва бошқа ускуналар келтирилди. Айни пайтда марказ учун ажратилган янги бинода реконструкция ишлари олиб борилмоқда.

**Ғолиб ҲАСАНОВ,
ЎзА мухбири.**

СЧАСТЬЕ РЯДОВОГО НИШОНОВА

Счастье... О нем всегда мечтает и к нему стремится каждый человек, его, как правило, желают люди друг другу, особенно при расставании и поздравлении в любом случае. Оно может быть или всеобъемлющим, или же состоять из отдельных приятных и радостных моментов. Так, осуществилось что-то ранее задуманное, идет даже самое малое, или, как обычно говорят, в чем-то повезло, и человек вполне счастлив.



Безусловно, рад встрече и счастлив рядовой контрактной службы Хуршид Нишонов, когда его после напряженной службы радостно встречают дома любящая жена Фарида и маленький сынишка Эльбек. Кажется, лучшего и ничего не надо.

Родом он из Хатырчинского района Навоийской области, но после срочной службы решил связать свою жизнь с нелегким военным делом и нашел в этом свое призвание. Служит Хуршид по контракту контролером по надзору в воинской части Караульных войск уже более семи лет, там же, где прошла его срочная солдатская служба.

С самого начала Хуршид Нишонов осознал особую значимость этой службы в деле предупреждений происшествий и преступлений на охраняемых объектах, обеспечения надежности охраны. С помощью старших товарищей и наставников, таких как офицер Ю. Базаров, старший сержант Н. Хайдаров и другие, он хорошо изучил требования уставов и руководящих документов, в совершенстве овладел своими обязанностями, стал серьезно и ответственно относится к службе, проявлять высокую принципиальность, честность и преданность делу, которому служит. И результаты не замедлили сказаться: сегодня он в числе лучших военнослужащих подразделения.

– Рядовой Хуршид Нишонов – дисциплинированный, трудолюбивый, хорошо знающий службу воин, говорит командир взвода капитан Ш. Мамадалиев. – Ей он отдает все свои знания, опыт и умения. Проявляя высокую добросовестность, не раз отличался при выполнении служебно-боевых задач. Он и на службе старателен, и дома хороший, заботливый и внимательный семьянин.

За годы службы он познал многие тонкости организации контролерской службы, приобрел определенный опыт ее несения, и теперь уже сам выступает в роли наставника, оказывая помощь другим военнослужащим, в их числе – рядовым по контракту Е. Жумамурадову и А. Шарипову, за что они ему признательны и благодарны.

Рядовой по контракту Хуршид Нишонов достойно выполняет свой воинский долг. Им достигнутые новые вершины профессионального мастерства, высокие результаты в службе и дисциплине, он гордость семьи и пример для своих сослуживцев.

**Н. ЧУРСИНОВ.
Фото Б. ЛУТФУЛЛАЕВА.**

МАСЛАҲАТ

Люди в белых халатах

ТЕПЛОЕ СЛОВО ТОЖЕ ЛЕЧИТ

Большинство военнослужащих, проходящих лечение в Центральной поликлиники Министерства обороны Республики Узбекистан, хорошо знакомы с физиотерапевтическим отделением и его персоналом. Физиотерапия сегодня применяется практически во всех областях медицины, она может назначаться как при подготовке к основному лечению, так и в составе комплексной терапии, во время прохождения восстановительного курса и для профилактики рецидивов заболевания.

– Действие физиотерапевтических процедур направлено на общее укрепление и оздоровление организма, – говорит Инобат Юнусова, которая более 20 лет заведует ФТО. – Физиотерапевтическое лечение обладает широким спектром воздействий, что позволяет разработать индивидуальный и высокоэффективный курс для конкретного пациента. Оно не вызывает аллергических реакций и зависимости, имеет узкий ряд побочных эффектов. И, наконец, процедуры физиотерапии воздействуют на организм интенсивно, но мягко, давая возможность избежать осложнений.

В благотворном воздействии физиотерапевтических процедур не раз убеждались проходившие здесь лечение офицеры Абдусаттор Бахуатдинов, Вахиджон Шахобуддинов, младший сержант Ботиржон Одинаев и многие другие военнослужащие.

Ветерану Вооруженных Сил Рафаэлю Садикову, к примеру, больше по душе магнитотерапевтические методы лечения. Магнитотерапия является безопасным, недорогим, не вызывающим привыкания и побочных действий методом. Это достойный заменитель приема медикаментов. Магнитное поле устраняет хроническую боль, оказывает противовоспалительное, противоотечное, успокаивающее, болеутоляющее действие.

Большой популярностью у пациентов отделения пользуется лечебный массаж, который вот уже семь лет проводит здесь Раъно Кулбаева. Лечебный массаж – это дозированное механическое воздействие на мягкие ткани больного. В результате лечебного массажа активируются регуляторы локального кровотока, устраняются застойные явления в тканях. Массаж грудной клетки нормализует ритм дыхания, увеличивает его глубину, стимулирует вентиляцию легких. При проведении массажа усиливается трофика кожи, повышается ее эластичность.

В переводе с греческого термин «физиотерапия» (лечение природными факторами) происходит от слияния двух слов: «физис» – природа и, собственно, «терапия». Но наряду с такими природными видами терапии, как электротерапия (низкочастотная и высокочастотная), магнитотерапия, лазерная терапия, вибротерапия, термотерапия, магнитолазерная терапия, светотерапия, микроволновая терапия и многие другие, в ФТО Центральной поликлиники большое внимание уделяется созданию благоприятной психологической атмосферы для пациентов.

Если выбор физического фактора для лечения конкретного больного составляет основу врачебного искусства врача-физиотерапевта, то одной из важнейших задач старшей медицинской сестры Аллы Бурановой, медицинской сестры Муяссар Абдуллаевой, санитарки Муниссо Абдугафуровой и других сотрудниц ФТО является создание у больного пациента положительного психоэмоционального настроя. А это требует строжайшего соблюдения медицинским персоналом требований деонтологии, максимальной деликатности и предупредительности в общении, поддержании чистоты и уюта в отделении.

Физиотерапевтическое лечение, будь то светолечение или электролечение, массаж или водные процедуры – всегда безболезненно, но и, в большинстве случаев, приятно. Удивительно, но наше тело настолько адекватно и восприимчиво к такого рода воздействиям, что с ним не сравнится ни одна таблетка. Вас что-то беспокоит в своем здоровье? Испытайте один из методов чудо-физиотерапии на себе, и вы не пожалеете!

З. ХАЙРИТДИНОВ.

Ёндафтарчангизга

ЭЛЕКТР АСБОБЛАРИДАН ФОЙДАЛАНГАНДА

Хизмат жараёнида хавфсизлик чора-тадбирларига қатъий амал қилиш муҳим аҳамият касб этади. Хусусан, ҳаво совиб, ҳарорат пасайганда турли электр воситаларига эҳтиёж кучаяди. Шунинг учун эътиборингизга ҳавола этилаётган қоидаларга амал қилишингиз хавфсизлигингизнинг таъминланишига хизмат қилишини эслатиб ўтамиз.

Электр асбобларидан фойдаланиш пайтида қуйидагилар тақиқланади:

– очиқ электр симларига қўл теккизиш, электр тармоқлари ва электр ускуналарни токсизлантирмасдан носозликларини тузатиш;

– ерга туташтирилмаган электр дастгоҳларидан фойдаланиш;

электр узатиш симлари ва симёғочлардан алоқа симлари, йўл устидан ўтадиган кабелларни тортиш ва антенна қурилмаларини кўтариш учун фойдаланиш;

– электр қуввати берувчи ва аккумуляторларни заряд қилувчи станцияларда ҳаво алмаштириш ускуналарисиз ишлаш;



– электр қуввати узатиш симлари остидан тик кўтарилган антенналар билан ўтиш;

– сув ёки ерга узилиб тушган электр симларига яқин келиш;

– электр кабеллари кўмилганлиги эҳтимол қилинаётган жойларда ер қазиш ишларини олиб бориш.

Қолаверса, носоз электр улагич, узгич ва қўлда ясалган асбоблардан фойдаланиш ҳам қатъий таъқиқланади!

Қишга ҳозирлик – долзарб вазифа

БАРЧА ЧОРАЛАР КЎРИЛМОҚДА

Президентимизнинг шу йил 23 июнда қабул қилинган республика иқтисодиёти тармоқларини 2009–2010 йиллар куз-қиш даврида барқарор ишлашга тайёрлашни таъминлаш тўғрисидаги қарори ижроси юзасидан Жиззах вилоятида ҳам салмоқли ишлар амалга оширилаётир.

Таълим муассасаларини иситиш мавсумига тайёрлаш тадбирлари доирасида 263 мактаб, 4 махсус мактаб-интернат ва 167 боғчани жорий таъмирлаш ишлари якунланди. Мазкур муассасаларда қозонхоналар, ички иситиш тизимлари таъмирдан чиқарилиб, синган ойналар алмаштирилди.

– Куз-қиш мавсумида муассасаларимизнинг узлуксиз фаолият кўрсатиши учун, ўтган йиллар тажрибасидан келиб чиқиб, аниқ чора-тадбирларни амалга оширмоқдамиз, – дейди Жиззах вилояти халқ таълими бошқармаси бошлиғи ўринбосари Холмирза Носиров. – Бу масалада барча туманларда имкониятлар бир хил эмас, албатта. Вилоят халқ таълими тизимидаги 567 муассаса табиий газ билан иситилади, 31 таси марказий иситиш тизимларига уланган. Айни кунларда табиий газ етиб бормаган чекка қишлоқлардаги 207 мактабга кўмир етказиб берилмоқда.

Табиий газ билан таъминланган ва марказий иситиш тизимларига уланган таълим муассасаларида иситиш тармоқларининг ишлашида ҳам, табиий газ таъминотида ҳам узилиш бўлмаслиги учун барча зарур юмушлар бажарилди. Халқ таълими тизимидаги ҳар бир муассасанинг иситиш мавсумига тайёргарлигини кўриб чиққан давлат санитария-эпидемиология назорати маркази, ёнғинга қарши кураш бошқармаси, газ, электр таъминоти ва бошқа масъул ташкилотлар вакиллари шундай хулосага келди.

Ҳозирги кунда вилоят халқ таълими бошқармаси қошида муассасаларнинг куз-қиш мавсумида барқарор ишлашга тайёрлаш бўйича тузилган махсус гуруҳ асосий эътиборни қаттиқ ёқилғи билан иситиладиган мактабларни кўмир билан таъминлашга қаратмоқда. Ажратилган ёқилғининг таълим муассасаларига етказиб берилиши мунтазам назорат қилиб борилмоқда. Маълумотларга кўра, таълим муассасалари учун 6 минг 279 тонна кўмир талаб этилади. Ҳозирга қадар жойларга 4 минг 645 тонна кўмир етказиб берилди. Ёнилғининг қолган қисмини тез кунларда етказиб бериш чоралари кўрилмоқда.

Т. БЕКНАЗАРОВ,
ЎзА мухбири

Сўраган экансиз

ХИЗМАТГА ЧАҚИРИЛИШ МУДДАТИ КЕЧИКТИРИЛАДИ

Академик лицейда таҳсил оляпман. Айни пайтда мени муддатли ҳарбий хизматга чақиришлари мумкинми?

Шерзод РАЖАБОВ.

«Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида» ги Қонуннинг 21-моддасида муддатли ҳарбий хизматга ҳамда сафарбарлик чақируви резервидаги хизматга чақирилиш муддатини кечиктириш тартиби белгиланган. Жумладан, унда умумтаълим мактабларида, академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида таҳсил олаётган чақирилувчилар, шунингдек олий таълим муассасаларида кундузги ўқишда таҳсил олаётган талабалар ўқишни давом эттиришлари учун уларнинг чақирилиш муддатлари ўқишни тамомлагунларига қадар кечиктирилиши белгиланган. Колаверса, қуйидаги ҳолларда хизматга чақирилиш муддати кечиктирилиши қонунда белгилаб қўйилган:

1) чақирилувчининг ота-онаси меҳнатга қобилиятсиз бўлиб, уларни боқиши шарт бўлган меҳнатга қобилиятли вояга етган бошқа ўғли бўлмаса;

2) чақирилувчининг меҳнатга қобилиятли ёлғиз онаси ёки отаси бўлиб, уларнинг қарамоғида ўн олти ёшга тўлмаган икки ва ундан ортиқ фарзанди бўлгани ҳолда меҳнатга қобилиятли вояга етган бошқа ўғли бўлмаса;

3) чақирув кунида чақирилувчининг туғишган акаукаларидан бири муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган бўлса;


4) чақирилувчининг онасиз тарбияланаётган вояга етмаган бир фарзанди бўлса;

5) чақирилувчининг биринчи ёки иккинчи гуруҳ ногирон хотини ва вояга етмаган икки ва ундан ортиқ фарзанди бўлса.

КОМПЬЮТЕР ВИРУСИНИ ТАРҚАТГАНДА

Бугун Интернет орқали турли вируслар тарқатилмоқда. Қолаверса, хакерлар турли дастурларни яратиб, компьютер тизимига зарар етказига уринишаётгани ҳақида вақтли матбуотдан ўқиб тураман. Айтингчи, қонунчилигимизда бундайин жиноятлар ёки жиноий хатти-ҳаракатлар учун жазо белгиланганми?

Убайдулла ФАЙЗУЛЛАЕВ.



Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 278-6-моддасида зарар келтирувчи дастурларни яратиш, ишлатиш ва тарқатиш жиноятига жазолар белгиланган. Унда жумладан шундай ёзилган: «Компьютер тизимида сақланаётган ёки узатилаётган ахборотни рухсатсиз йўқ қилиб юбориш, тўсиб қўйиш, модификациялаштириш, ундан нусха кўчириш ёки уни қўлга киритиш мақсадини кўзлаб компьютер дастурларини яратиш ёки мавжуд дастурларга ўзгартиришлар киритиш, худди шунингдек махсус вирус дастурларини ишлаб чиқиш, улардан қасддан фойдаланиш ёки уларни қасддан тарқатиш – энг кам ойлик иш ҳақининг юз бараваридан уч юз бараваригача миқдорда жарима ёки икки йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша ҳаракатлар:

а) жуда кўп миқдорда зарар етказган ҳолда;

б) бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб;

в) такроран ёки хавфли рецидивист томонидан;

г) уюшган гуруҳ томонидан ёки унинг манфаатларини кўзлаб содир этилган бўлса, – икки йилдан уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ш. АЛИЕВ тайёрлади.

ЁШЛАР

ИШОНЧГА САЗОВОР ШУНҚОРЛАР

Бугун фарзандларимиз Қуролли Кучларимиз сафларида зиммаларидаги конституциявий бурчларини ўташ баробарида ҳарб илмининг билимдонлари, она юртимизнинг ишонган қалқонлари, маънан ва жисмонан баркамол авлод бўлиб шаклланмоқдалар. Армия уларнинг орзу-умидлари, онгу-шуурида катта ўзгаришлар ясамоқда, уларни Ватан эртаси учун қайғурадиган, мамлакат тараққиётига муносиб ҳисса қўшишга қодир, юрт корига камарбаста инсонлар қилиб тарбияламоқда. Ҳаёт мактабини ўтаган, сабоғини олган ўғлон борки, ҳар ерда ўзининг фаоллиги, қатъияти, мақсади сари дадил кураша олиши, бошқаларни ортидан эргаштира билиши каби жиҳатлари билан ажралиб туради. Турли жабҳаларда фаолият юритаётган бундайин шунқорларга халқимизнинг ҳурмати, ишончи ҳам юксак. Табиийки, бу каби муносабат ёшларимиз қалбида аскарликка, шарафли касбни танлашга бўлган иштиёқ, қизиқишни янада кучайтиради.

САРАЛАРНИНГ САРДОРИ



Сардор Раззоқов – Тошкент Тиббиёт академиясининг 2-курс талабаси. Стоматология факультетида таҳсил олаётган бу йигит беморлар дардига шифо берувчи, қалбларига ором, ҳаловат бахш этувчи шифокор бўлишга аҳд қилган.

Шифокорлик – шарафли, шунинг баробарида, анчайин масъулиятли касб. Чунки оқ халатли бу инсонлар – соғлиғимиз посбонлари зиммасида кишилар ҳаёти, саломатлигига масъуллик, жавобгарлик мавжуд. Балки бошқа соҳаларда фақатгина истеъдод ёки бошқа жиҳатлар туфайли муваффақият қозониш мумкиндир, аммо тиббиётда тугал билимсиз узоққа бориб бўлмайди. Шунинг учунми, халқда шифокорларга ҳурмат, эҳтиром ўзгача.

Тўғри, Сардорнинг эл эътиборига, ҳурматига сазовор шифокор бўлиб етишига ҳали кўп қовун пишиғи бор. Эндигина 2-курсда ўқиётган ўғлон маҳоратли, халқ таъбири билан айтганда, қўли енгил мутахассис бўлиб етишиши учун тинмай изланиши, ўқиб-интилиши, билимларини бойитиб бориши керак бўлади. Баъзи соҳаларда амалиёт устунроқ ва фойдалироқ ҳисобланса, тиббиётда аксинча, талаба учун энг муҳими назарий билимлардир. Чунки айнан шу нарса инсонни мукаммалликка, орзулар рўёбига бошлайди.

Таълим муассасасида таҳсил берувчи соҳа фидойилари – малакали педагоглардан бу каби ўгитларни кўп эшитган ва имкон қадар уларга амал қилиб келаётган лавҳамиз қаҳрамони қисқа вақт ичида устозлар назарига тушиб улгурди. Билимга ташна, тиришқоқ, берилган топшириқларни ўз вақтида тўла адо этадиган, сабоқлардан кейин ҳам устозлардан нимадир ўрганиш, ўзлаштириш пайида юрадиган бу йигит ҳақида устозлар қисқагина қилиб: «Ҳарҳолда армия кўрган-да!» дейишади.

Дарҳақиқат, Қуролли Кучларимиз сафида муддатли ҳарбий хизматни ўтаган йигитлар бошқалардан ажралиб туради. Фикрлаш доираси кенг, шижоатли, билимли, бир сўз билан айтганда, йигитлик мактаби сабоғини олганлар хоҳ ўқишда бўлсин, хоҳ ишда, етакчилик қобилиятлари, масъулиятни ҳис этишлари, жавобгарликни зиммаларига олишлари, ҳамиша билдирилган ишончни оқлашлари билан кўпчиликка ўрнак бўлишади. Маҳалладош акалари, муддатли ҳарбий хизматни ўтаган қариндошларидан армия эр йигитнинг ҳар томонлама тобланиши, чиниқиши, дунёқарашининг ўзгариши, билимларининг бойиши, баркамол авлод сифатида шаклланишига хизмат қилиши ҳақида кўп эшитган Сардор ҳам умумтаълим мактабининг 11-синфини тамомлаш арафасида зиммасидаги конституциявий бурчни адо этишга қарор қилди.

– Ҳаётимнинг энг мазмунли, қизиқарли йилларини Қуролли Кучларимиз сафида ўтказдим, десам хато бўлмайди. Армияга келгач, у тўғрида бироз бошқачароқ тасаввур қилганимни англадим. Миллий армиямиз истиқлол йилларида тубдан ислоҳ қилингани, ўғлонларнинг ҳар томонлама етук, салоҳиятли, ҳарб илмининг билимдони бўлиб шаклланиши, юрт тинчлиги ва осойишталигини таъминлашга масъул посбонларнинг Ватан манфаатларини ҳар нарсадан устун қўядиган, замонавий билимларни пухта ўзлаштирган, тафаккури кенг, ҳар қандай вазиятда тўғри қарор қабул қила оладиган профессионал бўлиб етишишлари учун барча шароитлар яратилганига гувоҳ бўлдим. Бундан ташқари, муддатли ҳарбий хизматчилар фақатгина соҳага доир машғулотлар билан чекланиб қолмай, ҳаёт давомида асқотиши мумкин бўлган бошқа кўплаб сабоқларни ўзлаштиришлари учун ҳам имкониятлар мавжудлиги мени қувонтирди. Умуман олганда, аскарликка муносиб топилганим – энг катта муваффақиятим бўлганини англадим.

Мактабда яхши ўқиган, изланиш ва интилишдан чарчамасликка одатланган ўғлон ҳарбий қисмда ҳам ўзини кўрсата олди. Машғулотларда фаоллиги, аълочилиги билан сафдошларига ибрат бўлиб келган посбонни командирлар «Сараларнинг сардори» деб аташи ҳам шундан.

Армияда устоз офицерлар Қобил Азимов, Асрор Дўстов, сержантлар Шерзод Ибрагимов, Обид Рўзиевлардан ҳарб илмини пухта ўзлаштирган, машғулотлар давомида ўзини ҳар томонлама кўрсата олган, хулқи, ғайрати, билимга чанқоқлиги билан тенгдошларига ҳамиша ўрнак бўлиб келган ўғлон изланишларининг мевасини кўрди – яъни энг сара посбонларгагина бериладиган тавсияномани ҳамда «Жанговар тайёргарлик аълочиси» кўкрак нишонини қўлга киритди. Табиийки, унинг бу ютуғидан командирлари ҳам, яқинлари ҳам хурсанд бўлишди.

Айни пайтда Тошкент Тиббиёт академиясида устозлари – тиббиёт фанлари номзодлари, доцент Фазлиддин Олимхўжаев, доцент Файзулла Ибрагимовлар сабоғини қунт билан ўзлаштираётган, кўп йиллик тажрибалари, соҳада амалга оширган ишларини ўрганаётган толиби илм олдига юксак мақсадларни қўйган. Уларнинг энг эзгуси эса замонавий тиббиёт илмини пухта эгаллаган, инсонлар дардига малҳам бўл оладиган, эл назаридаги шифокор бўлиб етишишдир.

ЎҒЛИНГ БЎЛСА – ШУНДАЙ БЎЛСИН!



Собировлар хонадони Шайхонтоҳур туманининг Ибн Сино даҳасида жойлашган. Тўрт фарзанд – эл-юртга қўрғон тўрт паҳлавон ўғилни вояга етказаётган бу оилага маҳалла аҳли ҳавас қилади. Боиси, улар ота-она орзулагандек эл фарзанди бўлиб камол топишаётир. Меҳнатсеварликларини, аҳилликларини айтмайсизми?! Маҳаллада бирор бир ҳашар уюштириладиган бўлса, қўни-қўшнилардан кимникидадир тўй-маърака ўтказиладиган бўлса, тўртовлон ташкилотчилик, уюшқоқликда барчага ўрнак бўлади. Бир оғизгина илтимос қилсангиз бўлди, шу заҳоти ёрдамга ошиқадилар, оғирингизни енгил қиладилар. Албатта, ўғлонларнинг меҳнатдан бўйин товламайдиган, одамларга қайишадиган, камтарин инсонлар бўлиб етишишида ота-онанинг ўрни, хизматлари беқиёс. Бугун Собировлар хонадони фарзандларини кўрган борки, ота-онасига раҳмат айтади. Айниқса, кексалар: «Ўғил бола деган мана бунақа бўпти-да!», «Кироийи ўғлинг бўлсин – шунақа бўлсин!» дейишади ҳавас билан.

Ҳафизулла – оилада иккинчи фарзанд. Оғир-вазмин бу йигит болалигидан камгап, вақтини бекорга совуришни ёқтирмайдиганлардан. Кичкиналигидан жиддий, сипо, мулоҳазакор Ҳафизуллани кўрганлар «Шу бола катта бўлса, ҳойнаҳой аскар бўлади-ёв!» дейишар эди. Орадан йиллар ўтиб, ушбу башоратомуз фикрлар ўз тасдиғини топди.

Умумтаълим мактабида, сўнгра Шайхонтоҳур транспорт касб-ҳунар коллежида таҳсил олган кезларида лавҳамиз қаҳрамони спорт билан мунтазам шуғулланди. «Динамо» спорт мажмуасида тажрибали мураббий Асад Абдураҳмонов қўл остида машғулотларда қатнашиб, қўл жангги сирларини ўзлаштиришга интилган ўғлон ҳавас қилса арзийдиган ютуқларни-да қўлга киритган. Даставвал, 2001 йилда ўсмирлар ўртасидаги шаҳар биринчилигида 48 кг вазн тоифасида 2- ўринга муносиб топилди. 2002 йилда пойтахтда ўтказилган халқаро мусобақада 3-ўринни, худди шу йили Бекобод шаҳрида бўлиб ўтган Республика биринчилигида ҳам 3-ўринни эгаллашга муваффақ бўлди. 2003 йилда эса «ЖАР» спорт мажмуасида ташкил этилган хотира турнирида 54 кг вазн тоифасида фахрли 1-ўринга сазовор бўлди.

Дарвоқе, қаҳрамонимиз мактабда ҳам, коллежда ҳам аъло баҳоларга ўқиши, китобсеварлиги билан ном чиқарганлардан. Бундан ташқари, рус ва инглиз тилларини яхши ўзлаштирган, замонавий информацион технологияларни ўрганишга ҳам меҳр қўйган.

2006 йилда касб-ҳунар коллежини имтиёзли диплом билан битиргач, у зиммасидаги муқаддас бурчни – муддатли ҳарбий хизматни ўташга аҳд қилади. Унинг бу қароридан ота-онасининг боши кўкка етгудек қувонади. Ахир тўрт ўғилни вояга етказаётган бу инсонлар фарзандларининг боболар анъанасини давом эттиришини, аскар бўлишини, сара ўғлонлар сафида юрт қўришини орзу қилишар эди-да! Шукрки, уларнинг нияти Ҳафизулла туфайли амалга ошадиган бўлди.

Яхши таълим-тарбия олган, серғайрат, шижоатли, спортчи ўғлонга белгиланган кўрик-танловлардан муваффақиятли ўтиши қийинчилик туғдирмади. Чақирилувчилар ичида энг юқори кўрсаткичлардан бирини қайд этган шунқор Чегара қўшинлари сафида хизмат қилишга муносиб топилди.

Армияда ўтказган йилларини у бугун ширин энтикиш, ҳаяжон билан эслайди. Тўғри-да, ҳаётининг энг унутилмас, такрорланмас онлари кечди, у ерда. Касбини бениҳоя суядиган, Ватан ҳимояси, эл-юрт тинчлиги йўлида фидойи командирлар – устоз офицерлар, армиямиз танянчи ва суянчи деган юксак мақомга сазовор, маҳоратли сержантлар... Ҳафизулла уларнинг барчаларидан миннатдор. Ахир шундай соҳа фидойиларининг сабоқлари, ўгитлари орқали ҳарб илмини пухта ўрганди, миллий армиямизга муносиб посбон бўлиб шаклланди. У, айниқса, офицерлар Б. Мўминов, К. Аҳмеджанов, кичик сержантлар Б. Сулаймонов, Р. Бойбўсиновларнинг энг яқин ёрдамчилари, жонкуяр устозлари бўлганини кўп таъкидлайди.

Радиоалоқачи вазифасида хизмат қилган ўғлон қисм миқёсида ўтказиладиган спорт ва маданий тадбирларда, турли мусобақа ва танловларда фаол иштирок этиб, кўп бора совриндор бўлган. Масалан, анъанавий тарзда ташкил этиладиган «Чегара қўшинлари аълочиси» кўрик-танловида қисм миқёсида фахрли учинчи ўринни қўлга киритади ва қисм қўмондонининг мақтов ёрлиғи билан тақдирланади. Шунингдек, машғулотларда фаоллиги, билимдонлиги билан сафдошларига ҳар томонлама ўрнак бўлган, Умумҳарбий низомларни пухта ўзлаштириб уларга сўзсиз амал қилган, юклатилган топшириқларни аъло даражада адо этиб келган посбоннинг ота-онасига тўрт маротаба миннатдорчилик мактуби юборилгани ҳам эътиборга молик. Буларнинг барчаси ўғлоннинг соҳага қизиқиши, масъулиятни юракдан ҳис этиши, билдирилган ишончга муносиб бўлишга интилишидан. Шу боис муддатли ҳарбий хизматнинг белгиланган муддати ниҳояланиши арафасида энг сара посбонлар қатори оддий аскар Ҳ. Собировнинг ҳам шундайин юксак имтиёзга сазовор бўлганини барча миннуният билан олқишлади.

Айни пайтда ўғлон Тошкент ахборот технологиялари университетининг телекоммуникация технологиялари факультетида таҳсил олаётир. У жорий йилда талаба деган номга муяссар бўлди. Табиийки, орзусидаги олий ўқув юртига ўқишга киришида армияда эришган имтиёзи жуда асқотди.

Шу ўринда яна бир гап: акасидан ўрнак олган, унинг Қуролли Кучларимиз сафида қўлга киритган муваффақиятларидан илҳомланган Забихулла ҳам армияга боришни ихтиёр этди. Ҳозирда у ҳам акаси сингари Чегара қўшинлари сафида хизмат қилаётир. Умид қиламизки, шарафли соҳа вакили бўлишга аҳд қилган бу ўғлон ҳам ўз ютуқлари билан яқинларини бениҳоя қувонтиради, юзларини ёруғ қилади.

*****

Сизга ҳикоя қилганимиз икки шунқор – барча каби оддий йигитлар. Кўча-кўйда кўрганингизда уларда бошқалардан айрича жиҳатларни, устунликни сезмайсиз. Бироқ фурсатини топиб дилдан суҳбат қурсангиз, уларнинг нечоғли юксак билим ва тафаккур соҳиблари эканига, яхши тарбия кўрганликларига амин бўласиз. Қалблари эзгу орзуларга тўла, улкан режалар, мақсадларни амалга ошириш, малакали мутахассис бўлиб етишиш иштиёқи билан ёнган бу ўғлонлар ўзларининг камолотларида ҳаёт мактабининг таъсири, хизмати катта эканини қайта ва қайта таъкидлайдилар. Ён-атрофимизда бундайин салоҳиятли, тафаккури кенг, ҳаётда ўз қарашлари, мақсадларига эга бўлган қатъиятли ёшларнинг мавжудлиги кўнглимизда юрт эртаси порлоқ, истиқболи бардавом бўлишига ишонч уйғотади.

Жамшид НИЁЗОВ,
«Ватанпарвар» мухбири.
Муаллиф суратга олган.

КОИНОТ

ЯНГИ ВА АРЗОН УСУЛ

Америкалик муҳандислар космик аппаратларни орбитага чиқаришнинг янги ва арзон усулини, яъни уларни 1 километрли тўпдан отишни таклиф қилмоқдалар. Ушбу лойиҳа Бостон шаҳрида бўлиб ўтган Space Investment Summit анжуманида ҳавола этилди, унинг қисқача баёни эса New Scientist журналида берилди.

Тахминий баҳоси 500 млн доллар атрофида бўлган лойиҳа устида Quicklaunch компанияси иш олиб бормоқда. 1100 метр узунликдаги тўп оғирлиги 450 кг.гача бўлган юкни секундига 6 км бошланғич тезлик билан учиришга қодир бўлади. Юк етарли даражадаги баландликка кўтарилганидан сўнг унча катта бўлмаган реактив двигатель уни Ер атрофи орбитасига олиб чиқади.

Снаряд старт вақтида ёниб кетмаслиги учун уни юкни кўтариш вақтида куйиб кетадиган қатламлар билан қоплаш кўзда тутилмоқда. Тадқиқотчилар ҳисоб-китоби бўйича, кўтарилиш 100 секунд атрофидаги вақтни эгаллайди, шунинг учун ҳам бундай ҳимоя схемаси яхши натижа беради, деб мўлжалланмоқда.

Космик тўп лойиҳаси компания асосчилари ўтмишда муҳандис сифатида иш олиб борган лойиҳанинг мантиқий давомидир. Улар ўтган асрнинг 90-йилларида 47 метрли тўп яратишга эришганлар. У оғирлиги бир неча килограмм бўлган юкни секундига 3 км бошланғич тезликда учиришга қодир бўлган. Тўпдан отиш учун эса суюлтирилган водороддан фойдаланилган.

Яратувчилар фикрига кўра, оддий йўлдошларнинг электрон микросхемалари отиш вақтидаги юкланмаларга чидай олмайди. Аммо янги схема орбитага ёқилғи захираларини кўтариб бериши, улар эса кейинчалик орбитада фаолият юритаётган космик кемалар томонидан олиб кетилиши мумкин. Янги технологиянинг ижобий томонларидан яна бири учиришнинг анча арзон тушишида – яъни 1 кг юкни орбитага олиб чиқиш баҳоси ҳозирда мавжуд бозор нархларидан камида 10 баробар паст бўлади.

НОВАЯ ГИПОТЕЗА НАЛИЧИЯ ВОДЫ НА ЛУНЕ

Американский ученый предложил новую гипотезу образования воды на Луне, которая предполагает, что в недрах спутника содержатся значительные запасы воды. Сразу три статьи, в которых изложены экспериментальные данные, свидетельствующие о наличии на Луне воды, появились 24 сентября 2009 года в журнале Science. Спектральная картина, полученная индийским зондом «Чандраян-1» (Chandrayaan-1), американским спектрометром M3 и аппаратом «Дип Импакт» (Deep Impact), который исследовал комету Темпеля, доказывает, что на земном спутнике есть вода или ее составная часть – OH-группа. Все аппараты обнаружили следы H2O или гидроксильных ионов на поверхности земного спутника.

По словам астрофизика из Колумбийского университета Арлина Кроттса (Arlin Crotts), он предсказал обнаружение воды еще до того, как она была найдена приборами. Ученый предположил, что H2O скрыта в минералах под поверхностью Луны. Анализ образцов лунного грунта, доставленных на Землю в ходе миссий «Аполлон», показал, что в некоторых из них содержится небольшое количество воды – от 260 до 745 частей на миллион частей. Кроттс считает, что эта спрятанная вода просачивается на поверхность сквозь трещины и «оседает» на поверхности.

Новая гипотеза вызвала критическую реакцию у коллег Кроттса. Они отмечают, что концентрация H2O на поверхности Луны значительно выше концентрации «внутренней» лунной воды – она составляет около 1000 частей на миллион частей. Маловероятно, чтобы концентрация воды в основном ее источнике была настолько ниже концентрации в «остатках».

Францияда баск сепаратчилар ташкилоти – ЭТА сиёсий раҳбариятидаги иккинчи рақамли шахс Айтор Элисаран Агилар қўлга олинди. Полицияда бу шахс ташкилотнинг чап радикал қаноти жангариларига топшириқлар бериб келган, деб ҳисоблашмоқда. Бу жангарилар ЭТА ташкилоти Испаниянинг шимоли ва Франциянинг жануби-ғарбида мустақил басклар давлатини тузиш мақсадида террорчилик ҳаракатларини бошлаган 1968 йилдан буён нобуд бўлган 800 кишининг ўлимига жавобгар ҳисобланади. 30 ёшли Агилар ва унинг ҳамроҳи Ойяна Сан Висенте Карнак шаҳрида маҳаллий ва испаниялик полициячилар ҳамкорликда ўтказилган операция натижасида қўлга олинган.



Кения пойтахтида уй қулаб тушди

Кения пойтахти Найроби шаҳри чеккасида қурилиши битказилмаган уйнинг қулаши натижасида икки киши ҳалок бўлди, ўнлаб одамлар вайроналар остида қолди, деб хабар беради The Standart газетаси. Полиция вакилининг айтишича, тезкорлик билан уюштирилган қутқарув операцияси давомида вайроналар остидан 13 киши қутқариб олинган. Уларнинг барчаси шифохонага жойлаштирилган, уч киши оғир аҳволда. Уй қулаётган вақтда унда 40 нафар ишчи бўлганлиги аниқланган. Қутқарув ишлари давом эттирилмоқда.



Жиноятчиликка қарши курашиш мақсадида

Бразилия президенти Луис Инасиу Лула да Сильва Рио-де-Жанейро шаҳрида жиноятчиликка қарши кураш олиб бориш учун 60 млн. доллар ажратди. Яқинда гиёҳванд моддалар савдоси билан шуғулланувчи икки тўда ўртасида бўлиб ўтган тўқнашув натижасида бу ерда 17 киши ҳалок бўлган. Давлат раҳбари атиги икки ҳафта аввал 2016 йилги Олимпиада пойтахти деб танланган Рио-де-Жанейрода жиноятчиликнинг бу қадар авж олганини қоралади. «Кўп ҳолларда айбсиз кишиларнинг қони тўкилмоқда», – деди у ва мамлакат ҳукумати жиноятчилик ўчоғи бўлган камбағаллар яшовчи кварталлардаги ҳаёт шароитларини яхшилаш учун ҳаракат қилаётганини таъкидлаб ўтди, деб хабар қилади ИТАР-ТАСС



Оммавий тадбирлар ман этилди

Чўчқа гриппи тарқалганлиги сабабли Красноярск ўлкасининг барча таълим муассасаларида оммавий тадбирлар ўтказиш ман этилди. Ўлка соғлиқни сақлаш вазирлигидан хабар қилинишича, ушбу тақиқ муддати ҳозирча 8 кун деб белгиланган, аммо эпидемиологик вазият ривожига қараб муддат узайтирилиши мумкин. Хабар қилинишича, Красноярскда 70 нафар талабага янги грипп ташхиси қўйилган, яна 36 киши у билан касалланганликда гумон қилиниб, шифохонага ётқизилган. Сўнгги маълумотларга кўра, касалланганлар сони яна ошган. «Красноярскда қайд этилган касалланиш ҳолатлари сони 118 тага етди», дейилади ўлка соғлиқни сақлаш вазирлиги хабарида.



Янги сайёралар кашф этилди

Фалакиётшунос олимлар халқаро гуруҳи Қуёш тизими ташқарисида биринчи бўлиб 32 та янги сайёра кашф этилганини эълон қилди. Уларни Чилидаги обсерваторияда ўрнатилган юқори аниқликка эга бўлган HARPS спектрографи ёрдамида аниқлашга эришилди, деб хабар қилдилар Европа жанубий обсерваторияси тадқиқотчилари Португалияда бўлиб ўтган матбуот анжуманида. HARPS – экзосайёралар, яъни янги сайёраларнинг энг муваффақиятли овчиси ҳисобланади. Янги кашфиётларни қўшиб ҳисобланганда у 30 та юлдузлар тизимида 75 та янги сайёраларни топишга муваффақ бўлган. Ҳозирга келиб олимларга жами 400 га яқин шундай экзосайёралар маълум. Спектрограф «супер ерлар», яъни оғирлиги бўйича Ердан бир неча баробар катта сайёрлар кашф этилишига ҳам катта ҳисса қўшган. 28 та шундай самo жисмларидан 24 таси HARPS томонидан очилган.

(www.NEWSru.com)

ТАРАҚҚИЁТ

Қарор ва ижро

ЭЛЕКТРОН ҲАМЁН – ҚУЛАЙ ТЎЛОВ ВОСИТАСИ

Юртимизда пластик карточкалар орқали савдо ва хизмат кўрсатиш тизими тобора такомиллашаётгани аҳолига ҳар томонлама қулайлик яратмоқда. Давлатимиз раҳбарининг шу йил 6 апрелда қабул қилинган "Тижорат банклари депозитларига аҳоли ва хўжалик субъектлари бўш пул маблағларини жалб этишни янада рағбатлантириш қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори асосида ҳисоб-китоблардаги қулай ва ишончли восита – пластик карточкалар иқтисодиётнинг барча тармоқларида кенг қўлланилмоқда.



"Микрокредитбанк" пластик карточкалар тизимини янада ривожлантириш ва аҳолига қулайлик яратиш борасида фаол иш олиб бормоқда. Жорий йилнинг ўтган даврида мижозларга янги технологиялар асосида банк хизматлари кўрсатиш бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилди. Бунда асосий эътибор мижозлар истаги ва манфаатларига қаратилмоқда.

Банк матбуот хизматидан маълум қилишларича, пластик карточка эгаларига нақд пулсиз шаклда кўрсатиладиган хизматлар доирасини такомиллаштириш жараёнида "Микрокредитбанк" пластик карточкалар бозорида пешқадамлар сафидан ўрин олди. Ҳозир банк муомалага чиқарган 176 минг дона пластик карточка орқали тўлов терминалларидан юртимиз ҳудудида амалга оширилган операцияларнинг умумий ҳажми 78 миллиард сўмдан ортди. Бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан қарийб 5 маротаба кўп демакдир.

Пластик карточкалардан фойдаланувчи мижозлар сони кескин кўпайганлигини ҳисобга олиб, уларга хизмат кўрсатиш инфраструктурасини янада ривожлантириш мақсадида банк томонидан зарур миқдорда маблағ ажратилмоқда. Жумладан, ҳозир терминаллар сони 1822 донага етди.

Банк мижозларга янада қулайлик яратиш мақсадида мамлакатимизнинг чекка ҳудудларига аҳолининг кунлик эҳтиёжи учун зарур маҳсулотларни етказиб беришда автоулов хизматидан фойдаланган ҳолда, маҳсулотларни сотиш ва бу орқали терминаллардан тўловлар ҳажмини ошириш бўйича янги хизмат турларини жорий этмоқда. Бундан ташқари, банкда коммунал ва сервис хизматлари кўрсатувчи корхоналарга бевосита махсус карточка ҳисобварақларидан пул ўтказиш тўғрисида мижозлар берган давомли ва бир марталик топшириқларни бажариш хизмати йўлга қўйилган. Шунингдек, масофадан мижозларга хизмат кўрсатиш мақсадида вилоят филиалларида модем ускуналари ўрнатилиб, кунлик тўловлар ва инкассациялар қабул қилиш имконияти яратилди. Бунда мижознинг талабига кўра, 24 соат давомида хизмат кўрсатиш йўлга қўйилган.

Ҳозир банк терминалларидан барча тижорат банклари мижозлари ўз ҳисобрақамларидаги маблағларини карточка ҳисобрақамларига ўтказиш ҳамда ҳисобрақамларидаги маблағлар тўғрисида доимий маълумотга эга бўлиш имконияти ҳам яратилди.

Сайёра ШОЕВА,
ЎзА мухбири.

ЗАМОНАВИЙ ТЕХНОЛОГИЯЛАР САМАРАСИ

Президентимиз Ислом Каримовнинг 2008 йил 28 ноябрда қабул қилинган "Иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини қўллаб-қувватлаш, уларнинг барқарор ишлашини таъминлаш ва экспорт салоҳиятини ошириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида"ги фармони ижроси бўйича амалга оширилаётган ишлар ўз самарасини бермоқда. Буни Жиззах шаҳридаги "Эталон-Сангзор" Ўзбекистон-Хитой-Туркия қўшма корхонаси мисолида ҳам кўриш мумкин.

Ушбу қўшма корхонада ҳозирги кунда йигирма турдаги ишхона ва уй мебеллари, замонавий эшик-ромлар ишлаб чиқарилмоқда. Корхона таъсисчилари ишлаб чиқаришни янги, замонавий технологиялар асосида йўлга қўйишга алоҳида эътибор қаратмоқда.

Мамлакатимизда инвесторлар учун яратилган қулай муҳит, тадбиркорлик субъектларининг ҳар томонлама қўллаб-қувватланиши корхона жамоасига экспортга йўналтирилган, импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқариш учун имтиёзли кредитлар олиш, айланма маблағни кўпайтириш имконини бермоқда. Корхона, қўшимча қиймат солиғидан ташқари, барча тўловлардан озод этилган. Бу эса ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сифати ва салмоғини оширишда муҳим омил бўлмоқда. Ўз навбатида, буюртмалар ҳажми ҳам ортиб бораётир.

Корхона бу йил вилоятда янги қурилаётган учта касб-ҳунар коллежини жиҳозлаш учун 500 миллион сўмлик буюртма олди. Яқин кунларда бу ерда мебель қопламалари учун махсус мато тайёрлайдиган технологияларни ўрнатиш ишлари ниҳоясига етказилади. Италиядан келтирилган тўртта станок ишга тушгач, суткасига мебелсозликда қўлланиладиган минг погон метр мато ишлаб чиқарилади. Корхона бош менежери Исоқ Эргашевнинг айтишича, илгари хориждан олинган бу турдаги материалнинг корхонада тайёрланиши маҳсулот таннархини сезиларли даражада пасайтириш имконини беради.

Мебелсозлар қисмларни маҳкамлайдиган фурнитуралар ва бошқа қўшимча материалларни ҳам шу ернинг ўзида ишлаб чиқариш, маҳаллий фермерлар билан ёнғоқ, қайрағоч, чинор каби мебелбоп ёғочлар етказиб бериш бўйича шартномалар тузишни мўлжалламоқда.

Т. БЕКНАЗАРОВ,
ЎзА мухбири.

НАМАНГАНДА ҚОҒОЗ ИШЛАБ ЧИҚАРИЛМОҚДА

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг шу йил 14 августда қабул қилинган "2009–2012 йилларда Наманган вилоятида саноатни ривожлантириш ва ишлаб чиқаришни модернизация қилиш Дастури тўғрисида"ги қарори вилоят иқтисодий тараққиётида муҳим аҳамият касб этмоқда.

"Наманган қоғози" масъулияти чекланган жамиятининг ташкил этилиши мазкур қарор ижросининг дастлабки самараларидан бири бўлди. Ушбу корхонада ёзув, офсет ва енгил картон қоғозлари ишлаб чиқаришнинг синов босқичи муваффақиятли якунланиб, узлуксиз маҳсулот чиқарила бошлади.

– Мазкур корхонанинг очилиши ички бозорни импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар билан тўлдиришда муҳим ўрин тутади, – дейди мазкур жамият директори Юнусжон Содиқов. – Ёзув, типография ҳамда енгил картон қоғози ишлаб чиқарадиган бу корхона ҳозирча мамлакатимизда ягона ҳисобланади.

Собиқ «Намбум ЛТД» корхонаси негизида ташкил этилган мазкур жамият учун Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки томонидан бир миллиард 200 миллион сўм миқдорида сармоя ажратилди. Бундан ташқари корхонани модернизация қилиш ишларига 500 минг АҚШ доллари миқдорида инвестиция жалб этиш кўзда тутилган.

Ҳозиргача 646 миллион сўм маблағ ўзлаштирилиб, зарур хомашё сотиб олинди. Юқори кучланишли электр таъминоти манбалари ва тармоғи, буғ қозони, компрессорлар тўлиқ таъмирдан чиқарилди. Ҳозир кунига бир сменада беш тоннадан зиёд ёзув қоғози ишлаб чиқарилмоқда. Уч сменали иш тартибига ўтилгач, бу кўрсаткич 15 тоннага етади. Корхонанинг йиллик ишлаб чиқариш қуввати эса беш минг тоннани ташкил этади.

Корхонанинг бир маромда ишлаши хомашё таъминотига ҳам боғлиқ. Қоғоз саноатининг асосий хомашёси – ёғоч целлюлозаси четдан келтирилади. Шу мақсадда "Наманган қоғози" масъулияти чекланган жамияти Россиянинг "Илим Групп" компанияси билан минг тоннадан кўпроқ юмшоқ ёғоч целлюлозаси етказиб бериш бўйича шартнома имзолаган. Унга кўра, 230 тонна хомашё корхона омборига келтирилди. Бугунга қадар 30 миллион сўмлик А-4 бичимли ёзув қоғози савдога чиқарилди. Корхона иқтисодчиларининг ҳисоб-китобларига кўра, жорий йил 200 миллион сўм соф фойда билан якунланади.

"Наманган қоғози" корхонасида олтмиш киши иш билан таъминланди. Модернизация ишлари якунлангач, бу ерда иш ўринлари сони 150 га етади.

Акрамжон САТТОРОВ,
ЎзА мухбири.

Рақамлар – тараққиётдан сўзлар


ТЕЛЕКОММУНИКАЦИЯЛАР СОҲАСИДАГИ ЮТУҚЛАР

Мамлакатимизда Ахборот тизимлари ва телекоммуникациялар комплекси соҳаларининг 2009 йил 9 ойи давомида ижтимоий-иқтисодий ривожланиши якунлари ва жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг таъсирини бартараф этиш борасида қабул қилинган қарорлар ижроси, 2009 йилда ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилма объектларини реконструкция ва модернизация қилиш, инвестиция ва «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» дастурлари доирасида муҳим ишлар амалга оширилаётгани сабабли соҳада улкан муваффақиятларга эришилмоқда.

Масалан, 2009 йилнинг ўтган 9 ойи мобайнида комплекс бўйича жами 1 367,94 млрд. сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилиб, хизматлар кўрсатилди. Ўсиш суръати 2008 йилнинг шу даврига нисбатан 126,85 % ни ташкил этди. Аҳолига 820,49 млрд. сўмлик (141,6 %) пуллик хизматлар кўрсатилди. Инвестиция дастурига киритилган лойиҳалар бўйича 332,8 млрд. сўмлик (234,17 млн. АҚШ доллари) маблағ ўзлаштирилди ёки режага нисбатан 120 % га бажарилди.

Экспорт прогнози кўрсаткичлари эса 116,8 % ни ташкил қилди. Ҳа, тизимдаги бундайин ўзгаришлар юртимизнинг ўз танлаган истиқбол ва тараққиёт йўлидан дадил одимлаётганидан далолат.

С. АЛИЕВ тайёрлади.



ЭЪТИРОФ

ПАХТА ЯРМАРКАСИНИНГ ЮКСАК САМАРАЛАРИ

Тошкентда 14-15 октябрь кунлари V Халқаро Ўзбекистон пахта ярмаркаси бўлиб ўтди. Анжуман давлатимиз раҳбари Ислом Каримов ташаббуси билан Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги томонидан "Ўзпахтасаноат" уюшмаси ва "Сифат" пахта толасини сертификатлаш маркази ҳамкорлигида ташкил этилди. Унда 34 мамлакатнинг уч юзга яқин фирма ва компаниясидан 515 вакил иштирок этди.

Ярмарканинг ёпилиш маросимида Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирининг ўринбосари А. Камолов икки кун давом этган анжуман доирасида бир миллион тоннадан ортиқ пахта толасини сотиб олиш бўйича шартномалар имзоланганини таъкидлади. Савдо ва музокаралар жараёни давом этаётгани алоҳида қайд этилди.

Ярмаркада иштирок этган хорижий эксперт ва мутахассисларнинг таъкидлашича, Ўзбекистонда фермерликни ривожлантириш учун қулай шароит яратилган – микрокредитлаш, зарур техника ва материаллар билан имтиёзли таъминлаш йўлга қўйилган, етиштирилган ҳосилни маҳаллий ва хорижий истеъмолчиларга сотишнинг халқаро талабларга жавоб берадиган меъёрий базаси шакллантирилган. Буларнинг барчаси Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида иқтисодиётнинг барча жабҳалари, жумладан, қишлоқ хўжалиги ва пахтани қайта ишлаш саноатида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотларнинг ёрқин натижасидир.

Ўзбекистон пахтаси ўзининг юксак сифати билан тобора кенг шуҳрат қозонмоқда. Унинг толаси узун ва пишиқ, халқаро талабларга тўла жавоб беради. Мамлакатимизда амалга оширилаётган пахтачилик мажмуини ривожлантириш стратегияси пухта ва ҳар томонлама ўйланган бўлиб, барча босқичлар – пахта селекцияси, уни туманлаштириш, териб олиш ва сақлашдан то харид қилинган толани истеъмолчиларга етказиб беришнинг энг мақбул йўналишларини ташкил этишгача бўлган жараёнларни ўз ичига олади. Ярмаркада ушбу жараёнга жалб қилинган кўплаб хорижий транспорт компаниялари вакиллари ҳам иштирок этганини алоҳида қайд этиш жоиз.

– Тошкентда ўтган V Халқаро Ўзбекистон пахта ярмаркаси мамлакатингизнинг жаҳон пахта бозорида энг етакчи ўринлардан бирида эканлигини яна бир бор тасдиқлади, – деди Жанубий Кореянинг "J&H White Gold" компанияси президенти Ли Кю Чанг. – Жаҳон бозорида талаб юқори бўлган ўзбек пахтасининг юксак сифати юртингизда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар самарасининг ёрқин намоёнидир. Биз ўзбекистонлик шерикларимиз билан кўп йиллардан буён самарали ҳамкорлик қилиб келамиз. Ўзбек пахтаси Жанубий Корея саноати талабларига тўлиқ жавоб беради. 2008 йилда ўттиз минг тонна пахта толаси сотиб олган эдик. Бу сафар эллик минг тонна харид қилиш ниятидамиз.

Бугун Ўзбекистон пахта толаси Хитой, Россия, Эрон, Ҳиндистон, Бангладеш, Покистон, Корея Республикаси, Туркия, Вьетнам сингари кўплаб мамлакатларга экспорт қилинаётир. Жануби-Шарқий Осиёда жадал ривожланаётган тўқимачилик саноатининг ўзбек пахтасига эҳтиёжи мунтазам ошиб бормоқда. Айни вақтда Ўзбекистон халқаро иқтисодий ҳамкорлик доирасида хорижлик шериклар билан амалий ва ўзаро манфаатли муносабатларни ривожлантиришга доир янгидан-янги ташаббусларни илгари сурмоқда. Пахта бозоридаги ўзгарувчан конъюктура ҳисобга олинмоқда, янги транспорт йўналишлари ишлаб чиқилмоқда, толани қайта ишлаш, сақлаш ва сертификатлаш услублари такомиллаштирилмоқда. Пахтани энг илғор технологияларга асосланган ҳолда, тойлаб сертификация қилиш тизими истеъмолчилар учун сотиб олинган пахта сифатини кафолатлаш имконини бермоқда.

– Анъанавий Халқаро Ўзбекистон пахта ярмаркасида қатнашганимдан беҳад мамнунман, – деди Эроннинг "Electro Movaled" компанияси раиси Аҳмад Фасабий. – Ярмаркада дунёнинг кўплаб мамлакатларидан вакиллар қатнашгани ўзбек пахтасининг шуҳрати дунё бўйлаб кенг ёйилаётганидан далолатдир. Сафаримиз давомида "Мурувват-текс" ва "Пластекс" каби корхоналар фаолияти билан яқиндан танишдик. Ўзбекистоннинг тўқимачилик саноатида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар бераётган юксак самараларни кўрдик. Юртингизда барча соҳалар қатори мазкур тармоқ ҳам жадал ривожланаётганига ишонч ҳосил қилдик.

Ярмарканинг яна бир муҳим жиҳати – унда қатнашган хорижлик шериклар орасида бевосита ўзбек толасидан маҳсулот ишлаб чиқарувчилар сонининг анча кўпайганидир. Ушбу анжуманда қатнашиш уларга тўғридан-тўғри алоқалар ўрнатиш ва Ўзбекистоннинг ўзидан пахта етказиб бериш учун фойдали шартномалар имзолаш имконини берди. Ярмаркада етакчи истеъмолчилар, мутахассислар, экспертлар Ўзбекистон пахтачилигидаги сўнгги ютуқлар, хомашёни етиштириш, қайта ишлаш ва экспорт қилиш жараёни билан яқиндан танишдилар. Жаҳон пахтачилигидаги ўзгаришлар, янги анъана ва тенденциялар юзасидан фикр алмашдилар.

Халқаро Ўзбекистон пахта ярмаркаси иштирокчилари мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар юксак самаралар бераётганини алоҳида таъкидладилар. Улар Янгийўл пахтани қайта ишлаш заводи, "Тошкент-Тола" пахта терминали, "Мурувват-текс" тўқимачилик корхонаси ва "Пластекс" йигирув фабрикаси фаолияти билан танишдилар. Валюта майдончасида электрон биржа савдолари тизимидан фойдаланган ҳолда, пахта толаси сотиладиган Ўзбекистон Республикаси Товар-хомашё биржасининг кўргазмали савдо сессияларида иштирок этдилар.

Анжуманнинг ёпилишида сўзга чиққан Хитой пахта уюшмаси вице-президенти Ши Жианвей, "Cotton Bangladesh" халқаро агентлиги бош муҳаррири Куамру Ахсан ва бошқалар Ўзбекистон пахтасининг юқори сифати мамлакатда изчиллик билан амалга оширилаётган ислоҳотларнинг амалий самараси эканини, ярмарка юксак савияда ташкил қилинганини таъкидладилар. Барча қатнашчилар Ўзбекистон билан ҳамкорликни бундан буён ҳам ривожлантириш ниятини билдирдилар.

V Халқаро Ўзбекистон пахта ярмаркаси мамлакатимизнинг жаҳонда пахта бизнеси етакчиларидан бири сифатидаги мавқеи, халқаро иқтисодий муносабатлардаги ўрни ва нуфузи йилдан-йил юксалиб бораётганининг яна бир тасдиғи бўлди.

Нодира МАНЗУРОВА,
ЎзА мухбири.

СЎЗ – ЯРМАРКА ИШТИРОКЧИЛАРИГА

Фенг Ду СЕО, "Qingdao Cotton" компанияси вакили (Корея Республикаси):

– Компаниямиз тўқимачиликка ихтисослашган, сифатли пахта толасига эҳтиёжимиз катта. Довруғи дунёга таралган ўзбек пахтасини харид қилиш мақсадида бу ерга келдик. Мазкур ярмарка ўзбек пахта толасини воситачиларсиз, тўғридан-тўғри сотиб олиш учун жуда қулай имкониятдир. Энг муҳими, ярмаркада турли навли ўзбек пахтаси намойиш этилмоқда. Биз ўзимиз учун зарур навларни танлаб олиш имконига эгамиз.

Мақсадимиз анъанага айланган ушбу ярмаркада фаол иштирок этиб, янги шериклар топиш, улар билан истиқболли ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйишдан иборат.

Ананд СИНГХ, "Yang Ming Line" компанияси бош директори (Эрон):

– Халқаро Ўзбекистон пахта ярмаркасида мунтазам иштирок этиб келамиз. Компаниямиз тўқимачиликка ихтисослашган. Юртингиздаги "Сифат" маркази пахта толасини экспертиза қилишда катта тажрибага эга эканини алоҳида қайд этишни истардим. Мамлакатингиз мутахассислари энг замонавий технологиялардан фойдаланган ҳолда толани сертификатлаш усулларини янада такомиллаштираётгани диққатга сазовор. Мунтазам ўтказиб келинаётган халқаро экспертиза натижалари бунинг далилидир.

Ярмаркада иштирок этаётган хорижлик тадбиркорлар кўпаяётгани юртингизда етиштириладиган пахтага талаб ошиб бораётганидан далолатдир. Икки томонлама ҳамкорлик алоқаларини янада мустаҳкамлаш ниятидамиз.

Фарҳод ХОН, "AHB Cotton" компанияси директори (Бангладеш):

– Бангладешда ҳам пахта етиштирилади, пахтани қайта ишлаш заводларимиз ҳам бор. Шундай бўлса-да, ўзбек пахтасига талаб ниҳоятда катта. Чунки тўқимачиликда пахта толасининг сифати улкан аҳамиятга эга. Биз ўзининг юксак сифати ва пишиқлиги билан жаҳонга машҳур ўзбек пахтасини илгари ҳам харид қилар эдик. Аммо шу пайтгача уни воситачилар орқали, бошқа мамлакатлардаги трейдерлардан сотиб олардик. Энди бевосита ўзбек заминида, пахта ишлаб чиқарувчиларнинг ўзидан харид қилмоқдамиз.

Иброҳим ИЛИКЧИ, "Erdem Tekstil" компанияси бош директори (Туркия):

– Бугунги кунда Ўзбекистон билан Туркия ўртасидаги ҳамкорлик барча соҳалар қатори пахтачиликда ҳам изчил ривожланмоқда. Компаниямиз фаолияти тўқимачилик билан боғлиқлиги сабабли ўзбекистонлик пахта етказиб берувчилар билан бевосита алоқа ўрнатишдан жуда манфаатдормиз. Ўзбек пахтасининг сифати аъло. Туркияда ўзбек пахтасига талаб йил сайин ошмоқда. Ярмаркада шартномалар тузиш ниятидамиз.

Ярмарка юксак савияда ташкил этилганини алоҳида таъкидламоқчиман. Иштирокчилар ўзбек пахтасининг юқори сифатини таъминловчи омиллар билан танишиш ҳамда фикр ва тажриба алмашиш имконига эга. Тошкентда ўтказилаётган анъанавий халқаро ярмарка нафақат Ўзбекистон иқтисодиётини тараққий эттиришга, балки жаҳон пахта савдосини ривожлантиришга ҳам катта ҳисса қўшади.

Сан ЖУАН хоним, "China National Cotton Exchange" компанияси бош директорининг ўринбосари (Хитой):

– Ўзбекистоннинг пахта бозори барқарорлиги билан ажралиб туради. Компаниямиз кўп йиллардан буён ўзбек пахтасини сотиб олади. Чунки унинг юқори сифати Хитой саноати талабларига тўла мос.

Илгари ўзбек пахтасини воситачилар орқали харид қилар эдик. Мазкур ярмарка уни тўғридан-тўғри сотиб олиш имконини яратди. Ўзбекистон пахта толасининг халқаро андозалар асосида сертификатланиши муҳим кафолатдир.

Ярмарка юксак савияда ташкил этилгани билан эътиборга молик. Анжуманда иштирок этаётган хорижий компаниялар сони йил сайин ортаётгани жаҳон бозорида ўзбек пахтасининг нуфузи юксалиб бораётганидан далолатдир. Ярмаркада ўзаро манфаатли шартномалар тузиш ниятидамиз.

Дак Су ЧАНГ, "J&H White Gold" компанияси директори (Корея Республикаси):

– Ўзбекистон пахтачиликни ривожлантириш борасида юксак натижаларга эришмоқда. Буни иштирокчилар сони ошиб бораётган мазкур ярмарка мисолида ҳам кўриш мумкин.

Биз мамлакатингиз билан бир неча йилдан буён самарали ҳамкорлик қилиб келмоқдамиз. Компаниямиз пахта савдоси билан шуғулланади. Ушбу ярмарка воситасида кўп томонлама фойдали мулоқотлар олиб бориш ва истиқболли қўшма лойиҳаларни амалга ошириш ниятидамиз. Ўзбекистон компаниялари билан ҳамкорлигимиз изчил ривожланиб бораверади, дейиш учун тўла асослар бор.

Муҳаммад ПАНОҲИЙ, "Nikoo Group" компанияси савдо менежери (Эрон):

– Компаниямизга тегишли етти корхона тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган. Пахтангизнинг сифати ғоят юқори бўлгани боис маҳсулот ишлаб чиқаришда ўзбек пахтасидан фойдаланишга ҳаракат қиламиз.

Бизнинг компания вакиллари ярмаркада биринчи бор иштирок этмоқда. Бу ўзбекистонлик шериклар билан ҳамкорлигимизни мустаҳкамлашда жуда муҳим аҳамият касб этиши шубҳасиз. Ярмаркада дунёнинг кўплаб мамлакатларидан вакиллар қатнашишининг ўзиёқ ўзбек пахтасининг шуҳрати дунё бўйлаб кенг ёйилаётганидан далолатдир.

Маҳдий Ал-МАСЪУД, "Global Cotton" компанияси раҳбари (Бангладеш):

– Компаниямиз ўн йилдан буён ўзбек пахтасини сотиб олади. Харидимиз ҳажми йилдан-йилга ортмоқда. Ўзбекистонлик шериклар билан ҳамкорлик алоқаларини янада ривожлантиришдан манфаатдормиз. Зеро, ўзбек пахтаси дунёда энг аъло толалилардан биридир. Биз юқори сифатли, аъло таснифга эга пахта толасини сотиб олмоқчимиз. Ишлаб чиқарувчиларимизнинг шундай хомашёга эҳтиёжи катта.

Ўйлайманки, ярмарка самарали мулоқотларни йўлга қўйишимиз, бундан ташқари, компаниямиздаги ишлаб чиқаришни ривожлантириш учун катта имкониятлар яратади.

ЎзА мухбирлари
Нодира МАНЗУРОВА,
Мадина УМАРОВА ёзиб олди.

ТАШРИФ

ТАРИХ – УЛУҒ МУРАББИЙ

«Шарқ юлдузи» журналининг 2009 йил 3-сонидан китобхонларни узоқ куттирган «Улуғ салтанат» тетралогиясининг учинчи китоби эълон қилина бошланди. Асар муаллифи Халқаро Амир Темур жамғармаси раиси, ёзувчи Муҳаммад Алидир. Бу хушхабар тарихий романларнинг ашаддий мухлислари орасида қисқа фурсатларда тарқалди. Дарҳақиқат, ўтмишга доир бадиий асарларнинг ўқувчилар ва китобхонлар учун маънавий-маърифий, тарбиявий, илмий аҳамияти нечоғли муҳим экани исбот талаб этмайдиган ҳақиқат. Ўқув даргоҳларида тарихий билимларга қизиқмаган ёшлар айнан ёзувчилар кўмагида Спитамен, Ибн Сино, Беруний, Амир Темур, Навоий, Бобуршоҳ, Дукчи Эшон ва яна бошқа кўплаб тарихий шахсларни кашф этдилар, маълум бир жараёнда улар билан ҳамнафас бўлдилар, курашдилар, ғолиб ёки мағлуб бўлдилар, бир сўз билан айтганда, миллий қаҳрамонларимиз дардларини юракларидан ҳис этдилар. Мозийга мурожаат этиш хайрли, бироқ тарихий мавзуда асарлар яратиш осон ва жўн иш эмас. Буюк тарихий шахс ва улуғ саркардалар ҳаёти ҳақидаги асарлар эса китобхон учун ниҳоятда қадрли ва зарур. Атоқли ўзбек шоири, адиби, олим ва таржимон, Ўзбекистон халқ ёзувчиси, Давлат мукофоти лауреати, «Меҳнат шуҳрати» ордени соҳиби Муҳаммад Али билан ана шу хусусда суҳбатлашдик.

– Сиз ижод оламига дастлаб шеърият қанотида кириб келдингиз. Сўнгра, тарихий достон ва романлар билан китобхонга икки карра севимли бўлдингиз. Тарихий мавзуларга кириб келишингиз қандай кечди ёки бу қалб амри эдими?

– Бу саволга жавобни болалигимдан ахтариб кўраман. Катта онам саводли аёл эдилар, уларни Хосият отин дейишарди. Болалигимда улар бир қулоч китобларни дуррачага эҳтиёт қилиб ўраб, ерга қўйишни лозим топмай, юқорига илиб қўярдилар. Турли қишлоқлардаги турфа аёллар йиғинларида, давраларида бўлиб, Биби Фотима ва Ҳазрат Алининг тўйларидаги ёр-ёрлардан кўзларида ёш билан ўқишарди. Дастурхон тотли неъматларга тўла бўларди, лампа мой ёруғида ўтадиган ана шу йиғинлардан болалик тасаввуримда ажиб ва фусункор хотиротлар қолган. Отам ва онамлардан зўр ривоятлар, ҳикоятлар эшитардим. Кейинчалик тенгқурларим билан бирга илтимос қилиб, уларга кўплаб эртакларни айттирар эдик. Айниқса, «Маликаи Дилором» достонини қайта-қайта тинглардик. Ўтда ёнмас баҳодирлар, муҳаббати учун курашган эр йигитлар тўғрисидаги шижоат лавҳалари, халқ ижодидаги мислсиз тахайюл манзаралари, бари тафаккуримда мангуга муҳрлангандай гўё. Улар беиз кетмади, менимча. Онамнинг ўша ўқиб берган китоблари хаёлий уфқларимни кенгайтирди. Айни пайтда тарихга ҳам муҳаббат, ҳам қизиқиш уйғотди. Билсам, бу бошланиши экан. Мен Москвадаги Адабиёт институтида ўқиш жараёнида (1960–1966 йиллар) турли миллат вакиллари билан сабоқдош бўлдим. Ўзига хос давраларда улар ўз миллатлари тарихига оид воқеликлардан фахрланиб, миллий қаҳрамонлари ҳақида ғурурланиб сўзлашар, мақтанишарди. Шунда мен, биз-чи, мен кимман, деб ўзимга-ўзим савол берардим. Яна тарихга юзланиб, бу саволга аждодларимиз вакилларидан жавоб ахтарардим. Ўша кезлари, тўғрироғи, 1966 йилда мен Бобораҳим Машраб ҳақида достон ёздим. У вақтда Машрабнинг ғазаллари нашр этилар, қўшиқлари яйраб эшитилар эди-ку, аммо унинг ўзи ва ҳаёти ҳақида ниҳоятда кам билардик. Мазкур достоним 1967 йилда «Шарқ юлдузи» журналида босилди. Ўйласам, у вақтда тарихга қарийб мурожаат этилмас, кам ёзилар, ҳатто, унутилгандай эди. Тўғрироғи, табу қўйилган, тарихимизга юзланиш мумкин эмас эди. 1967 йилда галдаги Амир Темур мақбарасига бағишланган «Гумбаздаги нур» достонини ёздим. Кейинги йил у ҳам «Шарқ юлдузи»да чоп этилди. Бу достон аслида Амир Темур, унинг бунёдкорлиги, инсонпарварлиги ва унинг набираси ҳақида эди. «Қадимги қўшиқлар» туркуми ҳам ана шу тариқа дунёга келди. Шу паллалар Абдулла Ориповнинг «Ўзбекистон», Эркин Воҳидовнинг «Ўзбегим», Пиримқул Қодиров, Одил Ёқубов, Мирмуҳсинларнинг ўтмишимизга доир асарлари кўз оча бошлади.

«Гумбаздаги нур» достони рус тилига таржима қилинди ва Москвада нашр этилди. Ўқувчилар томонидан ҳам жуда яхши кутиб олинди. Лекин мен учун энг муҳим воқеа 1993 йилда содир бўлди. Мустақиллик даврида янги дарсликлар тузилганидан хабардорсиз. Янги 7-синф адабиёт дарслигига менинг айнан шу достоним ҳеч бир ўзгартиришларсиз киритилган экан, бу менга кейинроқ маълум бўлди. Галда «Боқий дунё» (1979 йил) шеърий романини ёздим. Бу энди яқин ўтмишимиз вакили – Дукчи Эшон ҳақида эди. Аммо қаҳрамоним Азимбой унинг мурид бўлиб, ана шу қаҳрамон орқали воқеликка кириб бордим. Шу тариқа йирик асар «Сарбадорлар» тарихий роман-дилогияси ёзилишига замин ҳозирланди. Самарқандда 1360–1365 йилларда юз берган сарбадорлар ҳаракатини тасвирлар эканман, озодлик шиори, ҳурлик орзуси боболаримиз қонида эканига гувоҳ бўлдим. Бу миллий тарихимизнинг ҳали ўқилмаган саҳифалари эди. Уларни варақлаб, барини хаёлимда жонлантирдим.

Асарда мустақиллик учун кураш ғояси илгари сурилган эди. Икки йилдан сўнг эса, халқимиз, аждодларимизнинг асрий орзуси ушалди – мустақилликка эришдик. Энди тарихчилар, ёзувчилар олдида улкан вазифалар турарди. Ижод учун илгариги чеклашлар, тазйиқлар, кишанлар олиб ташланди. «Сарбадорлар» романимга сўзбоши ёзган академик Матёқуб Қўшжонов, унинг камчиликлари, ютуқларини кўрсатиш баробарида, қаламим анча чархлангани, совутмасдан халқимизнинг энг улуғ намоёндаси Амир Темур ҳақида йирик асар ёзишим кераклигини айтдилар. Мен ўйланиб қолдим, қандай бўларкин, ахир Амир Темур даврини ўрганиш учун кўп йиллар керак бўлади, уддалай оларманкан?! Матёқуб аканинг далдалари билан улкан тоғ – Амир Темур мавзусига қўл урдим. Бу тоғни забт этиш учун ҳар томондан турли йўллар билан бориш мумкин эди, шу боис, дастлаб, ҳатто бироз тараддудда ҳам қолдим. Сўнгра 17 фарзандидан салтанатни бошқаришда кўпроқ меҳнати сингган 4 ўғли – Жаҳонгир Мирзо, Умаршайх Мирзо, Мироншоҳ Мирзо, Шоҳруҳ Мирзолар ҳаёти орқали Амир Темур шахсини очиб бериш йўлини танладим. Ахир инсон умрининг, табиатнинг 4 фасли бор, демак, соҳибқирон ҳаётига доир китоб ҳам 4 та бўлади, деб режа қилдим. Шу тариқа, ҳозиргача мазкур асарларнинг 3 таси дунёга келди. «Шарқ юлдузи»нинг 3-сонидан янги «Мироншоҳ Мирзо» романимни китобхонларга тақдим этдим. Ҳозир сўнгги – 4-китоб устида ишлаяпман. Устозларимизга илгари бундай имконият берилмаган эди, мустақиллик туфайли биз буюк тарихий шахслар ҳақида мана шундай асарлар ёза оляпмиз. Уларни ўқиган ёшлар шундай миллатпарвар, ватанпарвар, тараққийпарвар, бунёдкор аждодларнинг авлодлари эканмиз, дея ифтихор ва ғурур туйғуларини ҳис этишлари, уларга муносиб авлод бўлишларини ният қиламан.

– Миллий тарихимизни бевосита ўрганишингиз асносида сизни зиёли инсон сифатида фавқулодда ҳайратга солган қай жиҳатларни тилга олишни истар эдингиз?

– Буюк ўтмишимизда бизни ҳайратларга соладиган жиҳатлар кўп экан. Аммо, Амир Темурдек инсонпарвар, салоҳиятли, қудратли, меъёрнинг жиловидан тутган, бемисл куч-ғайрат соҳиби, буюк саркарданинг бизнинг юртда туғилгани, у юрган тупроқда биз ҳам яшаётганимиз, мана шундай феномен шахснинг авлоди эканимиз мени ниҳоятда ҳайратга солди. Дунёда подшолар, соҳибқиронлар, саркардалар кўп, аммо Амир Темур ягона экан. Эзгуликни мансаб тутиб, халқ учун қайғуриб, эсланг, биргина Самарқандда 14 та боғ яратиб, ҳашаматли, гўзал иншоотлар бунёд эттириб, 27 давлатни бирлаштира олган донишманд, азму шижоат, тенгсиз мардлик соҳибининг яратувчанлигига лол қолмай бўладими?!

– Асарларингиз нафақат ўзбек китобхонлари орасида, балки хорижда ҳам машҳур. 25 дан зиёд тилларга таржима қилинган. Демак, чет эллардаги зиёлилар ҳам улар орқали миллий тарихимизнинг пинҳоний ҳақиқатларини кашф қилишмоқда, шундайми?


– Мен узоқ йиллар АҚШдаги Вашингтон университети талабаларига ўзбек тили ва адабиётидан дарс бердим. Уларга узоқ тарихимиз, бой маданиятимиз, мустақиллигимиз, ўзбекона урф-одатларимиз ҳақида туркум маърузалар ҳам ўқидим. Қарангки, у ерда ҳам Амир Темур ҳақида эски қарашлар, эски билимлар ва тушунчалар билан юришар экан. Шунинг учун Амир Темур ҳақидаги ҳақиқатларни кенгроқ ёйишни мақсад билдим. Америкалик олимлар билан тортишган вақтларим бўлди. Ҳатто қайси манбалардан буни олдингиз, дейишгача бордим, гарчи бундай саволни бериш ноқулай бўлса-да. Билсам, улар кўпинча биринчи манбадан таъсирланиб ёзилган 2-3-ҳатто 5-манбаларга таяниб фикр юритишар экан. Шунда мен, сиз асл манбаларга – Низомиддин Шомийнинг, Шарафиддин Али Яздийнинг «Зафарнома»ларига, испан элчиси Руи Гонзалес де Клавихонинг, Ғиёсиддин Алининг китобларига мурожаат қилинг, дедим. Асл манбалар хулосалари албатта адолатли бўлади. Қизғин тортишувга сабаб бўлган яна бир жиҳат шу эдики, турк султони Боязид Йилдиримга Амир Темурнинг муносабати қандай бўлганлиги хусусида ҳам қарашларимиз икки хил чиқди. Уларнинг фикрича, Амир Темур уни таҳқирлаган, ҳатто ўлдиртириб юборган эмиш. Ваҳоланки, соҳибқирон инсон қадрини баланд тутар эди ва у душманга нисбатан ҳам адолатли эди, акс ҳолда Боязиднинг илтимосига кўра, унинг икки ўғлини топтириб, Оқшаҳар деган жойда умргузаронлик қилишига изн берган бўлармиди?! Саройга Боязидни қўллари кишанланган ҳолда олиб киришганда, Амир Темур, занжирларни ечинг, ахир у султон-ку, шунга яраша эҳтиром кўрсатинг, деганлар. Амир Темур ахлоқ борасида ислом арконларини қатъий тутган. Бу ерда ҳеч қандай баҳсга ўрин йўқ. Дарҳақиқат, халқимиз узоқ ўтмишдан шаклланиб, йиллар оша сайқал топган анъаналар, урф-одатлар асосида яшайди. Бебаҳо бойлигимиз – бу, уларни асраб-авайлаганимиз энг олий ютуғимиз.

– Асарларингиз билан таништан ёшларда миллий ғурур ортиши шубҳасиз. Уларда ватанпарварлик туйғусини янада юксалтириш йўлида нималар қилиш керак деб ўйлайсиз?

– Биз уларга тарихни чуқурроқ ўргатишимиз керак. Инсоннинг кимлигини тушунтиришимиз керак. Ахир инсонни коинот тожи, дейдилар. Инсонлик мақомини баланд тута оляпмизми? Ҳатто, мен тенгилларнинг баъзан ўтмишимизни юзаки билишларига чидаб бўлмайди. Биласизми, адабиётда ҳам шундай асарлар пайдо бўляптики, китоб қаҳрамони бугун билан яшайди, гўё. Бир кунлик тафсилотларни сиғдирган китоблар ҳам бор ва ёшлар уларни ўқишяпти. Агар улар ана шундай китоблар тарбиясини олсалар, катта ва улуғ мақсадлар қаерда қолади? Бинобарин, ёшларимиз эртамиз эгалари, келажакни улар белгилайди. Менинг орзуим бор. Халқаро Амир Темур жамғармаси қошида ёш темурийлар жамиятини тузиш. Ёшларни Амир Темур даврига қизиқтириш, шу давр бўйича илмий изланишлар олиб боришга жалб қилиш, турли танлов, кечалар ташкил этиш, бунга олимлар, ёш адиб, шоирларнинг диққатини қаратиш, токи, улар ҳақиқий ватанпарварлик тимсолига айлансинлар. Мен дунёнинг турли бурчакларида ғолиб келиб, юртимиз байроғини баландда ҳилпиратган спортчиларимизни, ҳарбийларимизни ана шу жамиятнинг фахрий аъзолигига қабул қилган бўлардим.

– Сиз Халқаро Амир Темур жамғармаси раҳбарисиз. Унинг 14 йиллик фаолиятига назар ташласак, энг катта ютуқларни нималарда кўрасиз?

– Жамғарма олдига қўйилган асосий мақсад – Амир Темур шахсини, сиймосини, Темурийлар даврининг холис ҳақиқатларини халқимиз, қўйингки, хорижга ёйиш. Президентимиз томонидан Амир Темур шахсининг ҳаққоний баҳоси берилди. Биз ҳам шу йўлда изланишлар олиб боряпмиз. Ҳар йили 3-4 апрелда Навоий педагогика институтида «Амир Темур сабоқлари» мавзуида конференциялар, илмий-амалий анжуманлар ўтказилади. 5-апрелда Амир Темур туғилган Шаҳрисабз шаҳрида пойтахтимиздан, хориждан ташриф буюрган олимлар иштирокида яна анжуман ўтказилади. 9-апрелда Тошкентда Амир Темур ҳайкали пойида йиғиламиз, Соҳибқиронни ёд оламиз, гуллар қўямиз, Темурийлар тарихи Давлат музейида тадбирлар ўтказамиз. Энг асосийси, 4 вазирлик иштирокида 4 йўналишда бўлиб ўтадиган Амир Темур танловига якун ясаймиз. Бу танлов, асосан, ёшлар орасида ўтказилади ва Амир Темур даврига дахлдор тасвирий санъат, илмий иш, изланишлар сараланиб баҳоланади. Ҳатто, Соҳибқирон даври каштачилиги, либослари ҳақидаги тадқиқот ишлари, ижод намуналари кўриб чиқилади. Энг муҳими, ёшларни тарихимизга қизиқтириш, токи улар орасидан келажакда буюк тарихчи олимлар, тадқиқотчилар етишиб чиқсин, ахир, келгусидаги илм-фанимиз фидойиларининг етишиши учун бугунданоқ замин ҳозирлаб боришимиз керак. Танловларнинг мунтазам ўтказилишида Халқ таълими, Олий ва ўрта махсус таълим, Маданият ва спорт, Мудофаа вазирликларининг ҳамкорлигини алоҳида тилга олиб, фурсатдан фойдаланиб, вазирликлар мутасаддиларига ўз миннатдорчилигимни етказмоқчиман.



– Келгуси режалар ҳақида ҳам тўхталсангиз.

– Эслатиш жоизки, жамғарма фаолиятида кенг хорижий ҳамкорлик йўлга қўйилган. Францияда Амир Темур шахсига муҳаббат қўйган, унинг фидойи тарғиботчиси, олим Люсьен Керэн бор. У Париждаги Темурийлар жамиятининг раҳбари, «Амир Темур салтанати» романининг, ҳамда у ҳақдаги саҳна асарининг муаллифи. Испан элчиси Клавихонинг ҳам асарини франг тилига таржима қилиб, изоҳлари билан нашр эттирди. Президентимиз томонидан унинг Амир Темур шахси ва тарихи борасидаги изланишлари, меҳнатлари муносиб баҳоланди: у «Шуҳрат» медали билан тақдирланди. Ҳозир у анча кексайиб қолгани боис, уни зиёрат қилиш режасини тузяпмиз. Парижга сафаримиз ҳам беиз кетмайди, деган умиддаман. Жамғарманинг вилоят бўлимлари, Қозоғистон бўлими фаолияти самарали йўлга қўйилган. Келгусида уларни янада жонлантириб, бошқа давлатларда ҳам бўлимлар очиш ниятимиз йўқ эмас.

– Ижодингизга қайтсак, режаларингизни айтиб ўтсангиз.

– «Улуғ салтанат» тетралогиясининг 4-сўнгги китоби устида ишлаётганимни айтдим. У Шоҳруҳ Мирзо ҳақида бўлади. Ўқувчи Амир Темурнинг 4 ўғлига бағишланган 4 китоб орқали улуғ Инсонни, Халқ қаҳрамонини, соҳибқиронни ўзича кашф этади. Дунёда ҳар йили Амир Темур ҳақида камида икки-уч асар чоп қилинади. Бу беиз эмас, унинг оҳанрабоси бор. Ўтмишимизнинг оҳанрабоси бағоят жозибали. Миллатимиз тарихи, буюк аждодларимиз қолдирган боқий маънавий мерос бизнинг бахтимиз. Буни англашда эса, бот-бот мурожаат қиладиганимиз жонажон тарихимиз. Тарих эса улуғ мураббий.

– Мароқли суҳбатингиз учун ташаккур.

Вилоят ШОДИБЕКОВА суҳбатлашди.

ҚУТЛУҒ САНА

ОНА ТИЛИ – МИЛЛАТ РУҲИ

Жорий йилнинг 21 октябрида “Давлат тили ҳақида”ги қонун қабул қилинганига 20 йил тўлди

Тил одамлар ўртасида ўзаро муомала, алоқа воситаси. Инсонни бутун мавжудот оламининг сарварига айлантирган бу ноёб ҳодиса кейинчалик тафаккур қуроли тарзида намоён бўлди. Бошқача айтганда, тил инсониятнинг бебаҳо бойлиги, буюк имкониятидир.



Ўзликни англаш, миллий онг ва тафаккурнинг ифодаси, авлодлар ўртасидаги руҳий-маънавий боғлиқлик тил орқали юз беради. Жамики эзгу фазилатлар инсон қалбига, аввало, она алласи, она тилининг бетакрор жозибаси билан сингади.

Она тилини ривожлантириш ҳар қандай халқ мустақиллигининг, миллат маънавий ўзлигининг дастлабки шартларидан биридир. Чунки тил халқнинг, миллатнинг тарихи, маданий мероси, турмуш тарзи, урф-одати ва анъаналарини ўзида мужассамлаштирган хазинадир.

Шу маънода, Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда бундан 20 йил олдин ўзбек тилига давлат тили мақомининг берилиши мустақилликка эришиш йўлидаги илк муҳим қадам бўлган эди. Зеро, Юртбошимиз таъкидлаганидек, она тили – миллатнинг руҳи.

Собиқ тоталитар тузум қиличини қайраб турган 1989 йилда Ўзбекистонда «Давлат тили ҳақида»ги қонуннинг қабул қилиниши катта воқеа бўлган эди. Юртбошимизнинг мардлиги, халқимизнинг орзу-ният ва армонларини руёбга чиқариш йўлидаги азму шижоати туфайли ўзбек тилининг ҳаётимиздаги ўрни тикланди, жамиятдаги мавқеи кўтарилди, уни том маънодаги миллий қадриятга айлантириш борасида улкан ишлар амалга оширилди. Ўзбекистон Республикаси Конституциясида ҳам давлат тилининг мақоми ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамлаб қўйилди. Шу тариқа ўзбек тили мустақил давлатимизнинг байроғи, герби, мадҳияси ва конституцияси қаторида турадиган, қонун йўли билан ҳимоя қилинадиган муқаддас тимсолларидан бирига айланди.

Шу ўринда «Давлат тили ҳақида»ги қонун қабул қилинишидан атиги тўрт йил олдин бўлган воқеа ёдимга тушади. Жамоа хўжалигида агроном бўлиб ишлайдиган дадамни райкомга йиғилишга чақиришади. Дадам мажлисдан тушкун бир ҳолатда қайтиб келди. Энди мени ишдан ҳам бўшатишса керак, деган гапни айтди. Кейин билсак, ўшанда ўзбекча гапиргани учун обкомдан келган вакил дадамни мажлисдан чиқариб юборган экан...

Истиқлол шарофати билан бугун нафақат ўз юртимизда, балки хорижий элларда ҳам ўзбек тилида гапирамиз. Хусусан, турли даражадаги расмий учрашув ва суҳбатлар, музокараларда тилимизнинг ўрни ва аҳамияти тобора ортиб бораётгани, нуфузли халқаро анжуманларда ўзбекона калом янграши, чет элларда ўзбек тилини ўрганувчилар, унга қизиқувчилар сони ортиб бораётгани барчамизга фахр-ифтихор бахш этади.

«Давлат тили ҳақида»ги қонун ўзбек тили тараққиётида янги даврни бошлаб берди. Мустақиллик йилларида тилимизни илмий асосда ривожлантиришга қаратилган тадқиқотлар кўпайди, унинг ўзига хос хусусиятларига бағишланган адабиётлар, кўплаб луғатлар яратилди. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти томонидан тайёрланган «Ўзбек тилининг изоҳли луғати» тилимиз изчил ривожланаётганидан далолат. “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” давлат илмий нашриёти томонидан 2008 йилда нашр этилган беш жилдли мазкур изоҳли луғат ўзбек адабий тилида истеъмолда бўлган 80 мингдан ортиқ сўз ва сўз бирикмасини, фан, техника, санъат ва маданият соҳаларига оид терминларни, тарихий ва эскирган атамаларни ўз ичига олган.

Ўзбек тилининг қўлланиш доираси тобора кенгайиб бормоқда. Хусусан, тилимизнинг ахборот-коммуникация технологиялари, компьютер ва интернет, аниқ фанлар, тиббиёт, иқтисодиёт ва бошқа махсус термин ва тушунчаларни талаб қиладиган соҳаларда ҳам кенг қўллана бошлагани унинг имкониятлари катта эканини кўрсатади.

Лекин, кези келганда, табиий савол туғилади: «Давлат тили ҳақида»ги қонуннинг талаблари амалда тўла ўз тасдиғини топаяптими? Давлат тилида юритилаётган ҳужжатларда, турли эълонлар, реклама баннерларида, идора ва ташкилотларнинг муҳрлари, бинолар пештоқидаги ёзувларда оддий имло қоидаларига риоя қилинаяптими? Афсуски, бу саволларга жавоб излаганда қатор камчилик ва нуқсонларга дуч келамиз.

Бошқа қонунлар каби “Давлат тили ҳақида”ги қонун ижросига ҳам фақат назорат қилувчи органлар эмас, шу юртда яшаётган ҳар бир фуқаро масъулдир. Она тилини улуғлаш, сўзни қадрлаш – инсон зийнати, бурчи. Лекин ҳамма ҳам бу масъулиятни бирдай ҳис қиляпти, дейиш қийин. Сўзимизнинг исботи тариқасида айрим теле-радиоканалларда, кино ва қўшиқчилик соҳасида тил меъёрлари бузилаётганини келтириш мумкин. Хусусий киностудияларнинг аксар фильмларида пала-партиш жумлалар тузиш, нутқ маданиятига риоя этмаслик, шева устунлигини кўрамиз. Баъзи ёш хонандалар шеърни ўзига мослаб олиб қўшиққа айлантиряпти.

Қонуннинг 22-моддасида республиканинг маъмурий-ҳудудий бирликлари, майдонлари билан бирга кўчалар, географик объектлар номлари давлат тилида акс эттирилиши белгиланган. Ушбу мақсадда жойларда топонимик объектларга ном қўйиш комиссиялари қатор тадбирларни амалга оширмоқда. Баъзи ҳолларда кўча-кўйда хорижий тиллардаги ёки имловий хато билан битилган пешлавҳаларни тез-тез учратаётганимиз бу борадаги ишлар қамровини кенгайтириш зарурлигини кўрсатаётир. Тегишли мутасаддилар хизмат кўрсатиш шохобчаларини ташкил этаётган юридик ва жисмоний шахсларга лицензия беришда объектлар номига ҳам алоҳида диққат қаратиши мақсадга мувофиқдир. Ёки сўнгги пайтларда жамоат транспортларида давлат тилидаги рекламаларни нисбатан кам кўраяпмиз, **“Чанқоғингга ишон!”** каби зўрма-зўраки ўгирилган реклама панноларига дуч келаяпмиз.

«Давлат тили ҳақида»ги қонуннинг ҳаётимизда тутган ўрни ва аҳамияти ҳақида фикр юритганда, ушбу йўналишдаги яна бир муҳим ҳужжат – ҳуқуқий асос хусусида алоҳида сўз очиш жоиз. У ҳам бўлса, 1993 йил 2 сентябрда «Лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосини жорий этиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг қабул қилинганидир. Кенг жамоатчилик вакиллари билдирган истак-хоҳишларни инобатга олган ҳолда қабул қилинган бу қонун мамлакатимизнинг ҳар томонлама ривожланиши ва жаҳон коммуникация тизимига мослашишини жадаллаштиришда қулай шароит яратмоқда.

Шу билан бирга, бу соҳадаги ишларимизда ҳам камчиликлар йўқ эмас. Мисол учун, пойтахтимизнинг қоқ марказида жойлашган меҳмонхонанинг бир томонига **Poytaxt,** иккинчи томонига эса **Poytaht** тарзида ёзиб қўйилгани ёки Туроб Тўла кўчасидаги бозор дарвозаси тепасига **dexkon** сўзининг бирданига иккита хато билан ёзилганига кўзингиз тушганда Алишер Навоийнинг машҳур ибораси хаёлингиздан ўтади: тилга эътиборсиз – элга эътиборсиз!

Ушбу идораларнинг раҳбару ходимларини бундай жузъий хатолари учун кечирса бўлади, дейишингиз мумкин. Майли, бунга ҳам розимиз. Аммо айрим журналистларимиз ҳар куни кириб чиқадиган эшик ёнида **Ahborot** тарзида хато ёзилган сўзнинг яраклаб туриши, фарзандларимиз саводини чиқариши лозим бўлган халқ таълими тизимидаги муассаса пештоқида **577-sonli boxcha** каби сўзларнинг осилиб туриши наҳот ҳеч кимни ажаблантирмаса!?

Бундай ҳолатларни деярли барча вилоятларда учратиш мумкин. Айниқса, лотин ёзувида ёзилган сўзларда кўплаб хатолар учраяптики, баъзан панно ва баннерларда нима ёзилганини тушунмай қолади киши. **Амир Темур, Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур**-каби бобокалонларимизнинг исми шарифларини **А. Темур, А. Навоий, З. М. Бобур** деб қисқартирилган ҳолатлар борлиги ачинарлидир.

Улуғ шоирларимиздан бири ўз мақоласида тилга давлат мақомининг берилиши узоқ йиллар давом этадиган, барча касб эгаларининг сафарбарлиги, айниқса, зиёлиларнинг тинимсиз меҳнатини талаб қиладиган умуммиллий жараён эканига эътиборни қаратганди. Демак, мавжуд хатоларни тузатиш, бу борадаги камчилик ва нуқсонларни бартараф этиш барчамизнинг вазифамиздир.

Давлатимиз раҳбари Ислом Каримов таъкидлаганидек, аждодлардан авлодларга ўтиб келаётган бебаҳо бойликнинг ворислари сифатида она тилимизни асраб-авайлашимиз, уни бойитиш, нуфузини янада ошириш устида доимий ишлашимиз зарур.

Шундай экан, «Давлат тили ҳақида»ги қонуннинг ҳаётга татбиқ этилишига, ўз она тилимизни улуғлаш, мавқеини янада юксалтириш, унинг жаҳонаро баралла янграшига ҳисса қўшиш ўзини шу юртнинг ҳақиқий фарзанди деб билган ҳар бир инсон учун муқаддас бурчдир.

Озод РАЖАБОВ,
ЎзЛ шарҳловчиси.

МОЗИЙЛАРГА УЛАНГАН УЛУҒ РИШТАМ

Онамдайин мўътабарсан, мардумсан,
Заминимдай забардасту қадимсан,
Юз тирилиб, юз кўмилган дардимсан,
Она тилим – умрбоқий меҳварим.

Не даҳолар сув ичмаган наҳрингдан,
Бобурмирзо кўз ёш тўккан қадрингдан,
Момоларим ҳиди келар бағрингдан,
Она тилим – бағри мушки-анбарим.

Вужудинг бир сўниб, минг бор кўкарди,
Алишеринг эгик қаддинг кўтарди,
Ор-номусдай асрагай миллат марди,
Она тилим – нури иймон қадарим.

Туркий қавм борки, боқий умринг бор,
Ўрхун битикларин сақлар сиринг бор,
Авестода мангу сўнмас нуринг бор,
Она тилим – оташи самандарим.

Шарққа зиё бериб турган фариштам,
Маъволарнинг ҳар буржига ошуфтам,
Мозийларга уланган улуғ риштам,
Она тилим – дунё берган назарим.

Зулфия ЮНУСОВА.

ҒУРУРИМ – ОНА ТИЛИМ

Ўзбек тилига давлат тили мақомининг берилиши мустақилликка эришиш йўлидаги илк муҳим қадам бўлди. Энг аввало тарихий ва маданий меросимизни чуқурроқ англашга, миллий қадриятларимизни тиклашга янада кенг имкониятлар яратилди. «Давлат тили ҳақида»ги Қонуннинг қабул қилиниши ва унинг муомалага киритилиши эса бу йўлда юртдошларимиз учун бир қанот бўлиб хизмат қилиб келмоқда.

Дарҳақиқат, тил нафақат алоқа, муомала воситаси балки, ўзликни англаш, миллий онг ва тафаккурнинг ифодаси, бошқача қилиб айтганда, инсониятнинг бебаҳо бойлиги, буюк имкониятлар бешигидир. Инсон дунёга келгандан бошлаб унга она тили ошно бўлади. У илк бор она алласини мана шу тилда эшитади, тилнинг ўзига хос сеҳрини, жозибасини ғўдаклигидаёқ ҳис қилади. Шу тил ғўдакда эзгу фазилатларни шакллантиради. Зеро, тил – маънавият белгиси. У кишиларни маънавий камолот сари етаклайди. Шу билан бир қаторда ёш авлод қалбида Ватанга муҳаббат, ватанпарварлик, миллий ғурур туйғуларини шакллантиришда ҳам асосий омил ҳисобланади. Бу эса тилнинг инсон ҳаётидаги ўрни нечоғлик улкан эканлигини кўрсатади. Шу боисдан ҳам она тилини ривожлантириш, уни асраш, нуфузини кўтариш миллат ривожининг энг муҳим шартларидан бири ҳисобланади.

Тил мана шундай улуғ мавқега эга инсон ҳаётида. Тилини севган, уни улуғлаган, ҳурмат қилган кишилар миллатнинг фахри, ғуруридир. Ҳар доим телевидение, радио тўлқинлари орқали тараладиган мадҳиямизни тинглаб қалби ғурурга тўлмаган ватандошимиз бўлмаса керак. Бу ғурурни ҳам бизга она тилимиз берди. Раҳматли шоиримиз Зулфия бир шеърида шундай ёзганди: «Ўтмишдан сўзлаймиз, ким эдигу бўлдик ким». Чиндан ҳам қанча йиллар олдин йиғинларда, тадбирларда фақат рус тилида маърузалар ўқиларди, қарорлар қабул қилинарди. Бугун эса тамоман ўзгача ҳолнинг гувоҳимиз. Бугун ўзбек тилининг ҳаётимиздаги ўрни, минг йиллар давомида қад ростлаган обрў-эътибори тикланди, жамиятдаги мавқеи кўтарилди. Энг асосийси, ўзбек тили расмий тил сифатида кенг қўлланила бошланди. Давлатлараро ўзаро битимлар, шартномалар ўз тилимизда амалга оширилаяпти. Бу эса ўз навбатида она тилимизнинг халқаро нуфузи ортиб бораётганидан далолат беради. Эътибор берсак, ўтган 20 йил ичида шубҳасиз кенг кўламли ишлар амалга оширилди. Шу давр мобайнида халқимиз қанчалик маънавий юксакликка, сиёсий, ижтимоий, иқтисодий ҳамда маданий соҳаларда қандай ютуқларга эришган бўлса, бу тараққиётнинг бош омилларидан бири – кишиларга кўтаринки руҳ бағишлаган, иймонимизнинг бир парчаси бўлган она тилимиз эканлигини эътироф этсак арзийди.

Истиқлолимизнинг энг табаррук меваларидан бири бу – «Давлат тили ҳақида»ги Қонуннинг ҳаётимизга жорий этилиши бўлди. Бу қонун тилимизнинг янги тараққиёт даври учун асос бўлди. У ўзбек тилининг республикамиз миқёсидаги амал қилиш доирасини кенгайтирди. Тилимиз фахр этса арзийдиган давлат тилига айланди. «Ўзбек тилининг имкониятлари қанчалар кенглигини биламан, шунинг учун ҳам бу тилни севаман», деган экан машҳур тожик адиби Жалол Икромий. Дарҳақиқат, бугун тилимизнинг барча соҳаларда ҳам кенг қўллана бошланган унинг имкониятлари нечоғлик катта эканлигини кўрсатади.

Ҳа, ўзбек тилига бўлган ҳурмат кун сайин ошиб бораяпти. Мана, йигирма йилдирки, тилимиз ўз мавқеини мустаҳкамлаб, янада мукаммаллашиб бормоқда. Шу тилда юзлаб тарихий, бадиий адабиётлар, илмий рисолалар, газета-журналлар, чоп этилаяпти. Фахр, билан, ифтихор билан:

– Бу менинг тилим, ўзбек тилим! – дея қалбимиз фахр-ифтихорга тўлади.

Ҳа, бу ҳам истиқлолимиз шарофати. Йиллар давомида ўзининг асрий жилосини топган ўзбек тили – она тилимиз янада сайқалланиб, унинг шаъни, мадҳи шоирлар ашъорида таъкидланганидек, ҳамиша ардоқли бўлаверсин.

Дунёда тиллар кўп, минг тур, минг нафас,
Ҳар бири азиздир эл, элатига,
Менинг ҳам забоним, улуғ муқаддас
Гўзаллик бош урур ул сийратига,
Мангу битикларда асралган сирим –
Ўзбек тилим – бетимсол тилим!

Гулнора ТУРСУНБОЕВА.

ҚУТЛУҒ САНА

ҲАРБИЙЧА БУЙРУҚЛАР ЎЗБЕКЧА ЖАРАНГЛАЙДИ

Буйруқларимиз ўзбекона янграётганига ҳам анча бўлди. «Сафлан», «Текислан», «Ростлан», «Ўнг-га», «Чап-га» сингари буйруқлар дастлаб кимларгадир эриш туюлган бўлса, бугун ҳаётимизга сингишиб кетди. Очиғи, бир неча йил муқаддам ҳарбийча атамалар ўзбекчада жарангламаслиги ҳақидаги «лутф»ларни эшитганман. Баҳслашсам-да, ўз гапларини исботлашга уринишган. Мана, бугун ҳарбийча адабиётлар, дарсликлар она тилимизда чоп этилмоқда. Уни посбонларимиз кўтаринкилик билан қаршилашмоқда. Бўларкан-ку, дейсиз беихтиёр!

Мудофаа вазирлиги томонидан тайёрланган «Ҳарбий атамаларнинг қисқача изоҳли луғати»га нисбатан ҳам баралла шундай дейиш мумкин. Келинг, аввало мазкур китоб хусусида мутахассиснинг фикрини келтириб ўтайлик.



«Бугун мустақиллик шарофати билан мамлакатимизда маънавий-маърифий ислоҳотлар давлат сиёсатининг устувор йўналиши деб эълон қилиниб, барча соҳаларда бўлгани каби ўзбек тилимиз ривожи учун ҳам кенг йўл очилди.



Ўзбек тили давлат тили сифатида ижтимоий турмушимизнинг барча соҳаларида қонуний равишда қўлланмоқда. Маълумки, ҳар бир соҳада рўй бераётган жамики янгиликлар тилда ўз ифодасини топади. Шундай экан, бу улкан бойликни лингвистик нуқтаи назардан тадқиқ қилишга, уларни жамлаш, луғатлар яратишга доимий катта эҳтиёж сезилган. Ҳарбий соҳаларга оид атамалар ҳам бундан мустасно эмас.

Ўзбек тилининг ҳарбий терминологиясини шакллантириш, бойитиш ва уни тартибга солиш бугунги кунда долзарб масалалардан бўлиб қолди.

Ш.Долимовнинг «Ҳарбий атамаларнинг қисқача изоҳли луғати» айнан шу долзарб масалаларни ҳал қилишда муҳим манбадир. Мазкур луғат мустақиллик даврида яратилган шу соҳадаги биринчи изоҳли луғат».

Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти Терминология бўлими мудири, филология фанлари номзоди Н.Маҳкамов ҳарбий мутахассисимизнинг мазкур изланиш, тадқиқотига ана шундай баҳо берган.

Луғатни варақлар экансиз, ҳарбий соҳага оид турли атама, тушунчаларга берилган изоҳларга кўзингиз тушади. Қолаверса, жанговар техника, қурол-аслаҳалар намуналарининг тавсифлари эътиборингизни тортади. Ҳарбий кафедрада таҳсил олган пайтимиз соҳага оид баъзи атамаларнинг таржимасини тополмай ёки топганимиз ҳам унчалик мос келмай қийналганмиз. Шу маънода эътиборимизга ҳавола этилган мазкур луғат ҳарбийча атамаларнинг маъно-мазмунини турли адабиётлардан излашдан, таржимага ортиқча вақт сарфлашдан халос қилади. Энг муҳим жиҳати луғатда атамалар изоҳига кенг ўрин берилганлигидир.

Тўғри, илк уриниш, илк тадқиқот айрим камчилик, хатолардан холи бўлмайди. Масалан, «тревога», «траншея», «ракетница», «пароль», «аксельбант», «актив-реактив снаряд», «блиндаж» сингари айрим русча атамалар ўз ҳолича қолдирилган. Балким саркарда боболаримиз жанглари, муҳорабалари тарихидан, ўтмишда бой она тилимизда ишлатилган, мазмунан, моҳиятан яқин бўлган қадимги сўзлар орасидан бу сингари атамаларнинг ўзбекча жаранглайдиганлари топилар? Буниси энди бўлажак изланиш, тадқиқотлар мавзуси. Гап илк қадам ташланганида. Балким мазкур луғат кейинчалик яратилажак мукаммал ҳарбий қомусий луғатларга замин бўлар.

Ҳаммаси аввало ўзимизга боғлиқ. Бебаҳо маънавий бойлигимиз – тилимизнинг қадр-қимматини ўзимиз билмасак, асрамасак, биров четдан туриб қимматли маслаҳатини бермайди. Ватан ҳимоячиси давлат тилининг ҳам ҳимоячисидир, деб ёзган эканман. Албатта, ҳарбийлар юртни унинг моддий ва маънавий бойликлари билан, бор бўй-басти билан ҳимоя қилмоғи лозим. Ана шу масъулиятни ҳис қилар эканмиз, бебаҳо хазинамиз, ганжинамиз – она тилимизга ҳам эътиборли бўлиш талаб этилади.

Подполковник А. САФАРОВ.

ҚАЛБ ГАВҲАРИ

Ҳар бир халқнинг тараққиётида, ўзга халқлар билан алоқа қилишда тил муҳим ўрин тутади. Тил бор экан, шу халқ мангу яшайди, камол топади. Зеро, тилда миллатнинг борлиғи, фикри, дунёқараши, орзу-умидлари, ҳис-туйғулари акс этади.

Ҳазрат Алишер Навоийнинг тил ҳақида шундай фикрлари бор: «Кўнгил дунёсининг гавҳари тилдир, тил гавҳардан афзал ва мартабаси баланддир».

Ҳа, тил ана шундай куч-қудратга эга. Унинг қудратини ҳеч қандай мезон билан ўлчаб бўлмайди.

Мустақиллик ўзбек тилининг мақомини, қудратини мустаҳкамлади, унинг кенг ривожи учун тўла имкониятлар яратди. Аслида, давлат тили ҳақидаги қонуннинг қабул қилиниши мустақиллигимиз сари илк қадам эди.

Истиқлолга эришганимиздан сўнг атамашуносликка алоҳида эътибор қаратилди. Чунончи луғатимизни ислоҳ қилиш бўйича улкан давлат сиёсати амалга оширилди. Собиқ мустабид даври ва унинг мафкураси билан боғлиқ атамалар ўрнида янги халқимиз асрлар, минг йиллар давомида қўллаб келган атамалар пайдо бўлди.

Давлат тили тўғрисидаги қонуннинг қабул қилинганига йигирма йил тўлди. Бу қонун ўтган давр ичида тилимизнинг жамият ҳаётидаги ўрнини, нуфузини тубдан оширди. Бугун ҳаётимизнинг барча жабҳаларини – сиёсат, фан, маориф, маданият, давлатни бошқаришни ўзбек тилисиз тасаввур ҳам қила олмаймиз. Ўзбек тилининг ривожига фақат тилшунос ва адабиётчилар эмас, балки барча соҳа мутахассислари ўз ҳиссаларини қўшмоқдалар.

Ҳа, азал-азалдан халқимиз тил каби муқаддас тушунчаларни бир-бирига боғлаб, «Она тили», «Она Ватан» деб эъзозлайди. Ҳар бир ўзбек фарзанди ана шу тушунчаларни муқаддас деб билади ва қадрлайди.

Буюк аждодларимиздан бизларгача асрлар оша етиб келган она тилимизни янада бойитиб, келгуси авлодларга етказиш барчамизнинг шарафли вазифамиздир. Бунинг учун тилимиз равнақи ва софлиги учун курашишимиз, амалда кенг кўламда қўллашимиз зарур.

Дилноза ЭГАМОВА.

БЕБАҲО БОЙЛИГИМИЗ

Она тили қон-қонимизга она алласи орқали сингиб кетган. Бизни илк бора мана шу тилда суюб эркалашган, биз илк бора мана шу тилда она, дада ва шу каби сўзларни айтиб, яқинларимизга талпинганмиз. Президентимиз Ислом Каримов «Юксак маънавият – енгилмас куч» номли асарида таъкидлаганларидек, «ўзликни англаш, миллий онг ва тафаккурнинг ифодаси, авлодлар ўртасидаги руҳий маънавий боғлиқлик тил орқали намоён бўлади. Жамики эзгу фазилатлар инсон қалбига, аввало, она алласи, она тилининг бетакрор жозибаси билан сингади». Она тили – бу миллатнинг руҳидир. Инсон руҳининг маънавий, ақлий-маърифий оламининг асосида она тили мужассамдир. Туркий халқларнинг кўҳна битиклари «Дода қўрқут китоби», «Қутадғу билиг», «Ҳибатул ҳақойиқ», шу тилда битилган. Айниқса, Алишер Навоийнинг «Хамса» асари турк тилидаги асарлар ичида беқиёс аҳамиятга эгадир. Навоий ҳазратлари турк тилининг нечоғлик бой тил эканлигини қайта-қайта таъкидлаганлар. Она тилимиз маданият, урф-одатлар, тарихимизни йўқ қилишга уринишган. Бугунги кунда она тилимиз қонун йўли билан ҳимоя қилинадиган бебаҳо бойлигимиз ҳисобланади. Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 10 сентябрдаги 311-сонли қарорига асосан Ўзбекистон Фанлар Академияси Тил ва адабиёт институти олимлари томонидан беш жилдли «Ўзбек тилининг изоҳли луғати» тайёрланди. Луғатни варақлар экансиз, тилимизнинг нечоғлик бой эканлигига ишончингиз ҳосил қиласиз. Маълумки, ер юзидаги барча тилларнинг негизини грамматика ва сўз бойлиги ташкил қилади. Ўзбек тилида қўшимчалар, сўзларни сўзларга қўшиш, эскирган сўзларни қайта тиклаш орқали тилимизни янада бойитиш мумкин. Биз она тилимизни чуқур ўрганибгина қолмасдан, аждодлардан авлодларга мерос бўлиб келаётган бебаҳо бойлигимиз ворислари сифатида, уни асраб-авайлаб, бойитиб келажак авлодга етказмоғимиз лозим.

Нигора БОБОҚУЛОВА.

ТИЛГА ЭЪТИБОР – ЭЛГА ЭЪТИБОР

Бундан йигирма йил аввал қабул қилинган «Давлат тили ҳақида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонуни ўзбек тилининг мамлакатимизда асосий тил сифатида қўлланилиши ва ўрганилишида муҳим омил бўлмоқда.

Ўтган давр мобайнида ўзбек тилини давлат тили сифатида ўрганиш, мавқеини ошириш борасида салмоқли ишлар амалга оширилди. Таълим муассасаларида ўқиш-ўқитиш ишлари, идора ва ташкилотларда ҳужжатлар юритиш ва бошқа жараёнлар давлат тилида олиб борилиши белгилаб қўйилди.

Юртимиздаги маъмурий-ҳудудий бирликлар, топонимик объектлар номларининг халқимиз маънавиятига мос ҳамда давлат тилида бўлишини таъминлаш юзасидан қонунчилик асослари яратилди.

– Қонунга биноан, географик номлар, шаҳарлар, қишлоқлар, кўчалар, майдонлар, тарихий ҳамда маданий ёдгорликлар, турар-жой массивлари, савдо расталари ва бошқа ижтимоий-маданий аҳамиятга молик объектларнинг номлари давлат тилида бўлиши лозим, – дейди Республика Маънавият тарғибот маркази Самарқанд вилояти бўлими раҳбари, топонимик объектларга ном бериш масалалари бўйича вилоят комиссияси аъзоси Йўлдош Суюнов. – Тил ҳақидаги қонун ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 11 августда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасидаги маъмурий-ҳудудий бирликлар, аҳоли пунктлари, ташкилотларга ва бошқа топонимик объектларга ном бериш ишларини тартибга солиш тўғрисида»ги қарори асосида вилоятимизда бир қатор ишлар амалга оширилмоқда.

Тарихчи ва тилшунос олимлар билан ҳамкорликда ҳудуднинг географик жойлашуви, тарихи ўрганилган ҳолда номланиши таҳлил этилмоқда. Муайян маҳалла, қишлоқ ёки у ерда истиқомат қилувчи аҳолига хос бўлмаган, тил меъёрларига тўғри келмайдиган, такрорий қўлланилган жой номларини ўзгартириш бўйича республика комиссиясига таклифлар берилмоқда. Шу асосда ҳар йили кўплаб топонимик объектлар номи ўзгармоқда.

Жорий йилда Самарқанд шаҳридаги Халқлар дўстлиги маҳалласига Барака, А.Набиев маҳалласига Зиёлилар номи берилди. Булунғур туманидаги «Жанжал» қишлоғи «Тинчлик», «Қизил қўшин» қишлоғи «Гулистон», «Доротдел» қишлоғи «Ёшлик» деб ўзгартирилди.

Шахслар номи билан аталган ва миллий маънавиятимизга тўғри келмайдиган кўча номлари кўриб чиқилиб, қайта номланмоқда. Масалан, Пайариқ туманидаги Р.Сибиряков кўчасига «Янги ҳаёт», У.Хўжақулов кўчасига «Чорбоғ», Булунғур туманидаги Муравицкий кўчасига «Азларбулоқ» номи берилди.

Жой номлари ўзгартирилаётганда аҳолининг фикри, ҳудуд тарихи билан боғлиқ жиҳатлар ҳам ўрганилмоқда. Аммо баъзида объект номи ўзгарсада, у билан боғлиқ топонимик кўрсаткичларни алмаштириш, фуқаролар, корхона ва ташкилотлар ҳужжатларига тегишли ўзгартириш киритиш ишлари суст кечмоқда. Айни вақтда янги ташкил этилаётган савдо ва хизмат кўрсатиш шохобчалари, корхоналарга ном беришда ҳам қонун меъёрларини бузиш ҳоллари кузатилмоқда.

Самарқанд шаҳрининг обод, файзли кўчаларини кезар экансиз, баъзан муҳташам бинолар пештоқида «Skarlet», «X зона», «Djin», «Esmeralda», «Astoria», «Imperial», «Bozyaka», «Elen kafe-bar» каби ажнабий сўз ва жумлаларга кўзингиз тушиб, дилингиз хира тортади. Афсуски, бундай ҳолатларни бошқа шаҳар ва туманларда ҳам учратиш мумкин.

Юқорида таъкидлаганимиздек, «Давлат тили ҳақида»ги қонун қабул қилинганидан буён унинг ижроси юзасидан салмоқли ишлар амалга оширилганини эътироф этиш лозим. Халқ, миллат бор экан унинг тили ҳам сайқалланиб, такомиллашиб бораверади. Бинобарин, тилнинг обрў-эътибори, шон-шуҳрати шу тилда сўзловчиларнинг маданияти, маънавий салоҳиятига боғлиқ эканини унутмаслигимиз даркор.

Ғ. ҲАСАНОВ,
ЎзА мухбири.

СПОРТ

Теннис

ДЕНИС ИСТОМИННИНГ ЗАФАРЛИ ОДИМИ

Жаҳоннинг 16 мамлакати теннисчилари қатнашган, мукофот жамғармаси 125 минг долларлик «Challenger Tashkent–2009» турнири якунланди. Жуфтлик баҳсларида ҳамюртларимиз Денис Истомин ва Мурод Иноятов ғолиб чиқди. Яккаликларнинг финал учрашуви ҳамюртимиз Денис Истомин ва кипрлик Маркос Багдатис ўртасида кечди.





Шуни эътироф этиш жоизки, бу йилги турнир ташкилий жиҳатдан ҳам, баҳсларнинг шиддаткорлиги борасида ҳам аввалги йиллардагига нисбатан юқори савияда кечди. Бу «Challenger Tashkent–2009» турнирининг ёпилиш маросимида сўзга чиққанлар томонидан алоҳида таъкидланди. Баҳсларнинг шиддаткор кечиши ва томошабинларда катта қизиқиш уйғотганлигига бугунги кунда юртимиз теннисининг «биринчи ракеткаси» ҳисобланаётган Денис Истомин ҳам сабабчи бўлди. У, биринчидан, рейтинг таснифи бўйича «Challenger Tashkent–2009» турнирининг иккинчи рақамли теннисчиси сифатида иштирок этди ва бу юртимиз спорт ихлосмандларида ўз суюкли теннисчисининг турнирда ғолиб чиқишига умид уйғотганди. Иккинчидан, аввалги турнирларда бироз жароҳат олганлиги ва бетоблиги боис яхши спорт формасида бўлмаган теннисчимиз айрим баҳсларни ҳарорат остида ўтказишга мажбур бўлди ва шунга қарамай юртимиз спорт мухлислари ҳурмати учун кортга чиқиб, юқори савияли ўйин кўрсатди. Айниқса, нимчорак финал учрашуви ҳамюртимиз учун оғир кечди.

Ўтган йилги «Challenger Tashkent–2009» турнирининг ғолиби, бу йилги турнирнинг «биринчи ракеткаси» ҳисобланган тайпейлик Йен-Сун Лу нимчорак финалда украиналик Александр Долгополовга имкониятни бой берди. Денис эса шу куни нимчорак финал баҳсида қозоғистонлик Юрий Шукинга қарши кортга чиқди. Биринчи сетда ҳамюртимиз кетма-кет хатоларга йўл қўйди, зарбалари ҳам тезда қовушавермади. Устига устак қозоғистонлик теннисчининг ғалабаси билан якунланаётган сет охирида у тез-тез оёғини ушлаб, тиббиёт ходимига мурожаат қилавериши шу куни Денисниг ғалабасини кўриш илинжида теннис мажмуига ташриф буюрган мухлисларни ҳам ваҳимага солиб қўйди: «наҳотки ҳаммаси тугади, баҳсни давом эттирармикин?!»

Йўқ, Денис ўзида куч топа билди, иккинчи сетни 6:1, учинчи сетни 6:3 ҳисобида ўз фойдасига ҳал қилди ва учрашувда ғалаба қозониб, чорак финалга йўлланма олди. Ўйиндан кейин маълум бўлдики, теннисчимиз Юрий Шукинга қарши учрашувни юқори даражадаги ҳарорат остида ўтказган экан. Ушбу иродали ғалаба ва тайпейлик теннисчининг муваффақиятсизлигидан сўнг Денис турнирнинг «биринчи ракеткаси»га айланди, бироқ унинг жароҳати...

Мухлисларнинг хавотири остида кечган чорак финал учрашувида Денис Истомин украиналик Сергей Стаховскийни, ярим финалда эса словакиялик Лукас Лацкони 7:5, 6:3 ҳисобида мағлуб этди ва бу билан у ўз мухлислари сафини янада кенгайтиришга муваффақ бўлди.

Ҳамюртимиз финалда 2003 йилги Бухоро челленжер турнирининг ғолиби сифатида юртимиз теннис мухлисларига яхши таниш бўлган кипрлик Маркос Багдатисга қарши кортга чиқди. Маркос Багдатис гарчи «Challenger Tashkent–2009» турнирининг «учинчи ракеткаси» сифатида қайд этилган бўлса-да, жуда катта тажрибага эга теннисчидир. У 2006 йилда ҳатто АТР рейтингида саккизинчи поғонагача кўтарилган. Ана шундай рақибга қарши учрашувнинг дастлабки сетида Денис Истомин 6:3 ҳисобида имкониятни бой берди. Иккинчи сетда эса ишончли ғалабага эришди – 6:1. Шундан сўнг мухлислар теннисчимизнинг ғолиб чиқишига шубҳа қилишмаётган эди. Бироқ ҳал қилувчи сетда Денис яна хатоларга йўл қўйди. Бундан унумли фойдаланган кипрлик теннисчи учинчи сетда ҳам 6:3 ҳисобида ғалаба қозонди ва бош совриннинг эгаси бўлди. Турнир ғолиби 18000 доллар ва АТРнинг 110 очкосини, Денис эса 10,6 минг доллар ва АТРнинг 65 очкосини қўлга киритди.

Тошкент челленжер турнирининг жуфтлик баҳслари эса ҳамюртларимиз учун омадли бўлди. Испания теннис академиясида маҳоратларини шакллантирган спортчиларимиз Денис Истомин ва Мурод Иноятов йилдан-йилга яхши натижаларни қўлга киритишаётгани юртимиз теннис мухлисларини хушнид этмоқда. Теннисчиларимиз пойтахтимизда навбатдаги ғалабаларини нишонлашди. Барча учрашувларни юқори савияда ўтказган вакилларимиз финалда Йири Кркошка (Чехия) ва Лукас Лацко (Словакия) жуфтлигини 7:6 (4), 6:4 ҳисобида мағлубиятга учратиб, бош совринга эгалик қилишди. Турнирнинг жуфтлик баҳслари ғолиблари 7700 доллар ва АТРнинг 110 очкосини қўлга киритишди. Бу теннисчиларимизнинг АТР рейтинг таснифида янада юқори поғоналарга кўтарилиш, халқаро турнирларнинг асосий сет баҳсларига тўғридан-тўғри киришиш имконини беради, ўз навбатида юртимиз спорт мухлисларининг фахр ва ифтихор туйғуларини жўш урдиради.

Турнир сўнгида бошқа халқаро мусобақаларда учрамайдиган анъанага кўра ғолиб ва совриндорларга зарбоф чопон кийдирилди.

– Бу жуда ажойиб анъана ва у мени навбатдаги ғалабаларга ундайди – дейди «Challenger Tashkent–2009» турнирининг ғолиби Маркос Багдатис. – Бир кун келиб катта теннисдан кетганимда ҳам бу тўн Ўзбекистонда қўлга киритган муваффақиятимдан яхши хотиралар тимсоли бўлиб сақланиб қолади.

Майор Расул ЖУМАЕВ.

ОЛИМПИЯ ЎЙИНЛАРИДА ЯНГИ СПОРТ ТУРЛАРИ

Дания пойтахти Копенгаген шаҳрида Халқаро Олимпия қўмитасининг (ХОҚ) 121-сессияси бўлиб ўтди. Унда ХОҚнинг президенти сайланди ва олимпия дастурига ўзгартиришлар киритишга доир бир қатор масалалар кўриб чиқилди. Анжуманда Ўзбекистон миллий олимпия қўмитаси вакиллари ҳам иштирок этди.

Шу кунгача Олимпиада ўйинлари ўтказилмаган Копенгаген шаҳри тўққиз кунга олимпия шаҳарчасига айланди. 205 мамлакат миллий олимпия қўмиталари вакилларини жамлаган анжуманнинг очилиш маросимида Дания қироличаси Маргрете II ҳам иштирок этди.

Шуни таъкидлаш жоизки, Халқаро Олимпия қўмитасининг сўнгги сессиялари янгиликларга бой бўлмоқда. Хусусан бундан олдинги сессияда олимпия ўйинлари дастурига бокс бўйича уч вазн тоифасида хотин-қизлар беллашувлари ҳам киритилган эди. Бу галги сессия қатнашчилари олимпия ўйинлари дастурига гольф ва регби спорт турларини ҳам киритишни маъқуллашди. Мамлакат спортчилари 2016-йилги Олимпиада ўйинларидан бошлаб бу спорт турлари бўйича ҳам медаллар учун кураш олиб боришадиган бўлишди.

121-сессиянинг сўнгги кунида ХОҚнинг президенти сайланди. Делегатлар бир овоздан ХОҚ президентлигига амалдаги раҳбар, бельгиялик Жак Рогге номзодини маъқулладилар. Вице-президентлар – ижроия қўмита аъзолари Марио Песканте (Италия) ва Сэра Мьянг Нг (Сингапур) ўрнига Ламбиса Николау (Греция) ва Чихару Игая (Япония) сайланди. Шунингдек, Грег Риди ва Жон Коатс ижроия қўмитанинг, Ричард Петеркин (Сан Люсия), Фредерик (Дания), Хабу Аҳмед Гумел (Нигерия), Хабиб Абдулла Наби Маки (Уммон), Лидия Нскера (Бурунди) ва Горан Петерссон (Швеция) ХОҚнинг янги аъзолари бўлишди. Янги аъзолар саккиз йиллик муддатга сайланди.

Рукопашный бой

РАСТЕТ МОЛОДАЯ СМЕНА

На состоявшемся в городе Навои открытом чемпионате Узбекистана по рукопашному бою среди спортсменов 16-18, 19 лет и старше, клуб МХСК занял второе место. В турнире приняло участие 300 спортсменов из всех областей Узбекистана и Республики Каракалпакстан.

Среди спортсменов 16-18 лет победителями стали: в весовой категории до 50 кг Азиз Джалилов (Ташкент), до 55 кг – Тимурхон Жалолугли (Коканд), до 60 кг – Рахмонов Мухаммад (Андижан), до 65 кг – Улугбек Исмоилов, (Ташкент), до 70 кг – Шухрат Миновваров (Ташкент), до 75 кг – Владислав Быков (Ташкент), до 80 кг – Жавлон Юлдашев (Андижан).

У молодых бойцов рукопашного боя 19 лет и старше победителями стали в весовой категории до 56 кг Азиз Нуриддинов (Фергана), до 60 кг – Жахонгир Абдувахидов (Фергана), до 65 кг – Рустам Магдиев (Ташкент), до 70 кг – Мухаммад Абдурахимов (Навои), до 75 кг – Бобур Рахматов, до 80 кг – Шерали Абдурахимов (Навои), до 85 кг – Лазиз Абдуллаев (Навои), до 90 кг – Мурад Хонтураев (Ташкент), свыше 90 кг – Амин Эргашев (Навои).

Финальный поединок спортсменов в весовой категории 75 кг стал сенсационным, так как в нем над опытнейшим файтером, чемпионом мира Санжаром Уртаковым одержал победу молодой боец Бобур Рахматов.

Первое общекомандное место завоевали спортсмены из Навои, третье – Андижан. Теперь наши спортсмены по рукопашному бою начинают усиленную подготовку к чемпионату Азии, который пройдет в г. Карши 11–15 ноября 2009 года.

Евгения БАЛТАЕВА,
пресс-секретарь Республиканского фонда развития восточных единоборств и боевых искусств «ALFA-SPORT».

Футбол

«МИЛАН» ЮЛДУЗИ ТОШКЕНТДА

«Милан» клубида 23 йил тўп суриб, Италия футболининг афсонасига айланган Паоло Мальдини ўтган ҳафтада юртимиз пойтахти Тошкентга ташриф буюрди.

«Пахтакор» футбол клуби расмий сайти хабар беришича, Паоло Мальдини юртимизга Style. uz санъат ҳафталигини бевосита кузатиш учун келган. Ушбу тадбирга жаҳоннинг кўплаб мамлакатларидан турли соҳаларда фаолият юритаётган машҳур шахслар таклиф этилган. Жумладан, «Милан» клуби ва Италия терма жамоасининг собиқ ҳимоячиси Паоло Мальдини ҳам Style. uz санъат ҳафталиги доирасида Стингнинг концерт дастурини томоша қилган. Сафар давомида у «Бунёдкор»нинг бразилиялик юлдузи Ривалдо билан ҳам учрашди. Эслатиб ўтамиз, бу футболчилар узоқ йиллар давомида Италия чемпионатида бирга тўп суришган эди. Ушбу юртда фаолиятининг юлдузлик даврини ўтказиб, ҳали ҳануз майдонда ажойиб футбол намойиш этаётган Ривалдо яқинда катта футбол билан хайрлашган Паоло Мальдинини яна майдонга чиқишга ундаган бўлса ажабмас.

Бадиий гимнастика

ИЛК БРОНЗА МЕДАЛЬ

Қозоғистонда бадиий гимнастика бўйича Осиё чемпионати бўлиб ўтди. Унда вакилларимиз муваффақиятли қатнашиб, умумжамоа ҳисобида учинчи ўринни қўлга киритишди.

Бадиий гимнастикачиларимиз қитъа миқёсидаги мусобақаларда ҳали бундай юқори натижага эришмаган эди. Вакилларимиз Япония, Малайзия, Таиланд ва Ҳиндистон каби терма жамоаларни ортда қолдириб, биринчи марта Осиё чемпионатининг бронза медалига сазовор бўлишди. Терма жамоамизнинг умумий муваффақиятига спортчиларимиз – Ульяна Трофимова, Жамила Рахматова, Комила Тўхтаева ва Вероника Есиповалар муносиб улуш қўшишди. Хусусан, Ульяна Трофимова бадиий гимнастиканинг икки йўналиши бўйича қитъа биринчилигининг бронза медалига сазовор бўлди.

Умумжамоа ҳисобида Жанубий Корея бадиий гимнастикачилари биринчи ўринни қўлга киритишди. Мусобақа мезбонлари эса иккинчи поғонага кўтарилишди.

Кумушбиби ЭРМАМАТОВА.

СПОРТ

Узбекское боевое искусство

ГЕРОИЧЕСКОЕ НАСЛЕДИЕ ВЕЛИКИХ ПРЕДКОВ

Сегодня в гостях у газеты «Ватанпарвар» один из основателей нового вида спортивных единоборств «Узбек жанг санъати» (узбекское боевое искусство), глава новой федерации, заслуженный тренер Узбекистана, обладатель черного пояса 7 дана по таэквон-до, опытный мастер боевых искусств Пулат Усманов. Во многом благодаря ему день 14 апреля 2009 года, когда Министерство юстиции зарегистрировало новую спортивную Федерацию «Узбек жанг санъати», стал началом возрождения узбекского боевого искусства.



– Пулат Акрамович, у непосвященного человека сразу возникает вопрос: а зачем нужен еще один вид восточных единоборств, когда у нас в стране активно развиваются более двух десятков видов боевых искусств?

– Многие годы, занимаясь целым рядом восточных боевых искусств, я, как и многие другие узбекские единоборцы, обратил внимание на то, что немало приемов и способов ведения борьбы, например таэкван-до, явно заимствованы из знаменитого «Уложения» великого Амира Темура. Углубившись в историю вопроса, мы убедились, что тактика схваток единоборцев детально описана в рукописях нашего земляка, всемирно известного Пахлавона Махмуда, в исторических источниках о полководце Джалолитдине Мангуберди и царицы Тумарис. Тщательно изучив вместе с единомышленниками огромное наследие наших предков, мы насчитали несколько тысяч боевых защитно-атакующих действий, применявшихся нашими прадедами как на боле боя, так и в мирных состязаниях. Вот они-то и легли в основу разработанного нами национального вида единоборства – узбек жанг санъати.

Поэтому нельзя утверждать, что узбекское боевое искусство – это синтез нескольких видов восточных единоборств ушу, муай-тая, айкидо, кикбоксинга или каратэ. Это исключительно наше национальное боевое искусство, впитавшее огромный исторический опыт и в полной мере отражающее менталитет узбекского народа.

– Нельзя ли уточнить, чем именно отличается узбек жанг санъати от других видов спортивных единоборств?

– За несколько лет мы не только по крупицам собрали наследие наших палванов, но и обогатили новый вид борьбы наиболее эффективными приемами. Но главное – в нем изначально заложена национальная нравственно-этическая философия, в основе которой девиз Сахибкирана: «Сила – в справедливости».

Именно поэтому узбек жанг санъати имеет ряд присущих только ему особенностей. Так, приемы защиты и нападения применяются одновременно и в высокой стойке, удары при этом фиксированные. Комплексные групповые упражнения названы именами исторических личностей Центральной Азии. Применяется узбекский язык как в спортивной, так и соревновательной терминологии. Используется защитная экипировка с элементами национальной одежды с цветами флага страны. Утверждены девять мастерских степеней спортсменов.

– Много ли поклонников у нового вида боевых искусств?

– Узбек жанг санъати еще нет и года, а оно уже нашло путь к сердцам узбекистанцев. 15 мая было проведено первое в истории открытое первенство Узбекистана, а сегодня этим новым видом спортивного единоборства занимаются около 15 тысяч приверженцев. Им от 7 до 70 лет, и число их растет с каждым днем. В декабре планируется проведение республиканского турнира среди детей, юношей и юниоров, что должно стимулировать активное привлечение в спортивные секции узбекистанской молодежи.

– Для того чтобы обеспечить столь быстрый старт, должна была быть проведена огромная организационная работа?

– Действительно, вместе с А. Насыровым, почетным президентом Федерации Узбек жанг санъати и другими энтузиастами в кратчайший срок была проведена огромная по масштабу организаторская и методическая работа, разработан свод правил и требований. Единая система узбек жанг санъати включает в себя несколько направлений – спортивное, прикладное, боевое, оздоровительный раздел и искусство действовать руками без оружия. Благодаря этому, появилась возможность включить отдельные элементы узбек жанг санъати как в программы боевой подготовки сотрудников правоохранительных органов, военнослужащих, так и физической закалки молодежи в учебных заведениях и даже в оздоровительные занятия людей преклонного возраста.

Еще в ходе сбора методологического исторического материала параллельно шла подготовка тренеров и инструкторов. Помощь оказали специалисты Узбекского государственного института физкультуры. Сейчас в десяти регионах республики работает около 200 инструкторов, получивших соответствующие сертификаты. Наиболее активно взялись за освоение нового вида спортивных единоборств в Бухарской, Каршинской, Ферганской, Сурхандарьинской и Хорезмской областях. И, естественно, лидируют по числу занимающихся новым видом борьбы город Ташкент и Ташкентская область. При финансовой поддержке Республиканского общественного фонда развития восточных единоборств и боевых искусств «Alfa-sport» издано первое учебное пособие. Намечается также выпуск учебников на русском и английском языках.

– Вы настолько уверены в международном успехе узбекского боевого искусства, что готовы обучать иностранных спортсменов?

– Без сомнений, интерес к Узбекистану в мире настолько велик, что мы вправе рассчитывать на широкое распространение узбек жанг санъати на международном уровне.

С успехом прошли показательные выступления в Казахстане, Кыргызстане, Украине, России. Интерес к узбек жанг санъати проявили эксперты из ряда стран Азии, представители Франции, Соединенных Штатов Америки. 17–24 октября в городе Сочи, где будет проходить международный турнир по таэквон-до, в программе открытия уже запланированы показательные выступления наших мастеров узбекского боевого искусства. Затем будет проведен первый международный семинар, на котором наши инструкторы покажут основные приемы и расскажут всем желающим о новом виде спортивных единоборств. Динамичное узбекское боевое искусство уверенно выходит на международную арену, и спортивное мировое сообщество получает уникальную возможность больше узнать об истории нашей Родины, через занятия спортом приобщиться к великому историческому наследию узбекского народа.

– Пулат Акрамович, ваш рассказ, как и активная наступательная информационная политика вашей Федерации в средствах массовой информации Узбекистана и сети интернет, привлекают молодежь и воодушевляют немало юношей. Где они могут начать заниматься своим, национальным видом боевого искусства?

– Сегодня таких секций в Узбекистане немало. В Мирзо-Улугбекском районе столицы, к примеру, занятия проходят в школе № 67, в Хамзинском районе – в школе № 48. Проживающим в других районах Ташкента и Узбекистана могу посоветовать позвонить по телефонам 283-10-41 или 477-41-67. Вам обязательно помогут найти удобную для занятий секцию.

– Большое спасибо за интервью и новых вам успехов в вашем нелегком деле возрождения славных боевых национальных традиций узбекского народа, заботе о его благополучии в будущем. Ведь занятия узбек жанг санъати способствуют тому, чтобы наша молодежь, подобна ее прославленным предкам, росла физически крепкой, сильной, преданной Родине и всегда готовой отстоять ее свободу и независимость.

Хайритдин ЗАЙНИЛОВ,
мастер спорта.

ҚАЙДНОМА

ОҒИР АТЛЕТИКА. Ноябрь ойининг дастлабки ўн кунлигида Жанубий Кореяда оғир атлетика бўйича Осиё чемпионати бўлиб ўтади. Унда юртимиз спорт шарафини Манзур Чашимов, Руслан Макаров, Шерзод Юсупов ва Рустам Алманов ҳимоя қиладиган бўлишди. Марказий ҳарбий спорт клубининг ёш вакиллари – Осиё чемпиони Иван Ефремов ва қитъа чемпионатининг бронза медали соҳиби Баҳром Мендибоев терма жамоамизга мураббийлик қилаётган туркиялик Р.Топчу рўйхатидан ўрин олмади.

ТРАМПОЛИН. Чехиянинг Кладно шаҳрида «Дўстлик кубоги» халқаро турнири бўлиб ўтди. Унда 14 мамлакатнинг 200 нафарга яқин спортчилари қатнашиб, ғолиблик учун ўзаро баҳс олиб боришди. Батутда сакраш бўйича ўсмирлар ўртасида кечган баҳсларда ҳамюртимиз Ҳусанбой Жонибеков энг яхши натижа кўрсатиб, халқаро мусобақанинг олтин медалини қўлга киритди.

ФУТБОЛ. Халқаро футбол тарихи ва статистикаси федерацияси (IFFHS) Осиёнинг XX асрдаги энг кучли клублари рейтинг рўйхатини эълон қилди. Ташкилот мутахассислари рўйхатни тузишда қитъа клубларининг 1901–2000 йиллар мобайнидаги миллий чемпионат, қитъа ва халқаро миқёсдаги мусобақаларда эришган натижаларига таянишди. Унга кўра Саудия Арабистонининг «Ал-Ҳилол» клуби XX асрнинг энг кучли жамоаси деб топилди. Япониянинг «Йокогама Маринос» жамоаси иккинчи, Эроннинг «Истиқлол» клуби учинчи ўринни эгаллади. Қитъанинг 70 та энг кучли клублари рўйхатида Фарғонанинг «Нефтчи» жамоаси 29-ўринда, Наманганнинг «Навбаҳор» клуби 52-ўринда қайд этилди. Юртимиз клубларининг рейтингини аниқлашда халқаро ташкилот мутахассислари жамоаларимизнинг фақат 1991–2000 йиллардаги натижаларини инобатга олишди.

* * *

Ўсмирлар терма жамоамиз (U-16) шу кунларда Малайзияда ўтказилаётган Осиё чемпионатининг саралаш баҳсларида қатнашаяпти. Алексей Естафеев мураббийлик қилаётган ўсмирлар терма жамоамиз «А» гуруҳида Саудия Арабистони, Қувайт, Афғонистон, Шри-Ланка ва покистонлик тенгқурларига қарши тўп суришади. Баҳслар 27 октябрь куни ўз ниҳоясига етади. Гуруҳда дастлабки икки ўринни эгаллаган жамоа қитъа чемпионатининг финал босқичига йўлланмани қўлга киритади. Саралаш баҳслари ўтказилаётган 7 та гуруҳда энг яхши натижага эга бўлган битта учинчи ўринни эгаллаган жамоага ҳам йўлланма берилади. Эслатиб ўтамиз, Осиё чемпионати саралаш баҳсларига тайёргарлик кўраётган ўсмирларимиз шу кунгача 10 та ўртоқлик учрашуви ўтказиб, улардан фақат биттасида, яъни япониялик тенгқурларига қарши учрашувда 2:3 ҳисобида имкониятни бой беришган, такрорий ўйинда эса 1:0 ҳисобида ғалаба қозонишган.

Саралаш баҳсларининг дастлабки учрашувида вакилларимиз Покистон терма жамоасини 3:0 ҳисобида мағлубиятга учратди.

* * *

Ёшлар терма жамоамиз (U-20) иккинчи марта қатнашиб, ҳозирча энг яхши натижага эришган (бир дуранг ва гуруҳда учинчи ўрин) 2009 йилги жаҳон чемпионати финал босқич баҳслари ниҳоясига етди. Финалда Гана ва Бразилия терма жамоалари ўзаро куч синашишди. Африкаликлар 37-дақиқадан бошлаб майдонда бир киши кам бўлиб тўп суришларига тўғри келди. Қарийб 83 дақиқа мобайнида майдонда бир киши кўп бўлиб ўйнаган бразилияликлар вакилларимиз ишғол қилишга муваффақ бўлган ганаликлар дарвозасига йўл топа олишмади. Учрашувнинг асосий ва қўшимча таймларида дарвозалар дахлсизлиги сақланиб қолди. Пенальтилар борасида омад ганаликларга кулиб боқди ва ёшлар ўртасидаги жаҳон чемпионатлари тарихида илк бор Африка қитъаси вакили чемпион бўлди. Венгрия ва Коста-Рика ёшлар терма жамоалари ўртасидаги учинчи ўрин учун кечган учрашув ғолиби ҳам пенальтилар бўйича аниқланди ва унда европаликлар зафар қозонишди.

ТЕННИС. Ҳамюртимиз Денис Истомин Бельгияда ўтказилган «Челленжер» турнирида россиялик Евгений Королёв билан бирга жуфтлик баҳслари ғолиби бўлди. Улар финалда Россия ва Колумбия жуфтлиги – Теймураз Габашвили ва Алехандро Фалла устидан 6:7 (4), 7:6 (4), 11:9 ҳисобида ғалаба қозонишди. Октябрь ойида теннисчимиз жаҳоннинг кучли теннисчилари рейтинг таснифида 57-поғонага кўтарилди. Бу унга ATP тоифасидаги «Катта шлем» туркумига кирувчи барча тўрт турнирнинг асосий сет баҳсларида қатнашиш имконини беради. Эслатиб ўтамиз, юртимиз теннисчилари орасида ҳали ҳеч ким бундай юқори поғонага кўтарилмаган.

МАЪРИФАТ

ТАЪЛИМ СИФАТИНИ ОШИРИШ ЙЎЛИДА



Мамлакатимиздаги ўзгаришлар, янгиланишлар таълим тизимига ҳам тўла дахлдордир. «Мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастури»нинг ишлаб чиқилиши, узлуксиз таълимнинг жорий қилиниши юрт келажаги бўлган ёшларнинг билим олиши, касб-ҳунар эгаллаши, ҳаётда ўз ўринларини топиб, Ватан равнақи йўлида самарали ҳисса қўшишларини таъминламоқда. Зеро, фарзанд тарбияси ҳамиша муҳим ва ғоятда мураккаб вазифа бўлиб келган. Шу боисдан ҳам болани мурғаклигидан тўғри йўлга бошлаш, унинг қизиқишларини шакллантириб бориш тарбия жараёнининг энг тўғри ва маъқул йўлидир. Бунда энг аввало умумтаълим муассасаларида ўтилаётган дарслар самарадорлигини ошириш асосий омилларидан бири ҳисобланади. Ушбу машғулотлар жараёнида болалар билан мунтазам ишлаш, уларнинг ички қобилиятини юзага чиқаришда педагогик ва психологик муносабатни мувофиқлаштириш, дарс ўтиш жараёнида турли интерфаол усуллардан фойдаланиш орқали ўқитиш сифатини ошириш ўқитувчиларга хос хусусиятлар сирасига киради. Бу эса ўз навбатида доимий равишда ўқитувчиларнинг педагогик салоҳиятини, малакасини оширишни талаб этади. Шу боисдан ҳам мамлакатимизда сўнгги йилларда ўқитувчилар ўртасида турли ўқув йиғинлари, тренинглар, анжуманлар ўтказиш анъанага айланганлигини алоҳида қайд этиш лозим. Бундай тадбирлар ҳар йили ўқув йили давомида ўтказилиши белгилаб қўйилган. Фикримиз далили сифатида яқинда 171-сонли умумтаълим мактабида бўлиб ўтган, «Таълим самарадорлиги – ислоҳотлар муваффақияти» деб номланган ўқув йиғинини келтиришимиз мумкин.

– Мазкур йиғин Тошкент шаҳар педагоглар малакасини ошириш институти билан ҳамкорликда ташкил этилди, – дейди биз билан суҳбатда мактаб директори Наргиза Мелибоева. – Йиғиндан кўзланган мақсад, мактабларда ўқитиш тизимини такомиллаштириш, унинг таъсирчанлигини ошириш, ўқув жараёнини самарали ташкил этиш ҳамда ўқитувчиларда ўз вазифасига ижодий ёндашувни шакллантиришдан иборатдир. Маълумки, ёш авлодга таълим-тарбия бериш энг мураккаб шу билан бирга масъулиятли вазифа ҳисобланади. Чунки ёшлар Ватанимизнинг умиди, келажаги. Олдимизда турган асосий мақсад ҳам уларни Ватанимизга муносиб, ҳар томонлама баркамол, билимли инсонлар қилиб тарбиялашдир. Педагог бу – тарбиячи дегани, у ёш авлоднинг келажагига масъул. Мана шуларни ҳисобга олган ҳолда бугунги кунда ўқитувчиларнинг мажбуриятлари ва масъулиятини ошириш ва шу орқали умумтаълим муассасаларида ўқув-тарбиявий жараённи кучайтириш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.

Тадбир аввалида 171-мактаб ҳаёти, фаолияти ҳақида ҳикоя қилувчи видеолавҳалар намойиш этилди. Шу ўринда айтиб ўтиш жоизки, ушбу билим масканида ўқувчиларнинг ҳар томонлама пухта билим эгаллашлари учун жуда катта имкониятлар яратилган.

Шундан сўнг тадбирнинг асосий қисми бошланди. Энг аввало кун тартибида белгиланган масалалар юзасидан ўзаро фикр алмашилди. Сўзга чиққанлар, таълим соҳасида эришилган натижаларни янада мустаҳкамлаш, мактабларда ҳар бир фанни самаралироқ ва қизиқарлироқ ўтказишни таъминлаш, шу орқали ўқитиш сифатини ошириш ҳамда такомиллаштириш, мактабларнинг моддий ўқув базасини яхшилаш, ўқувчиларни ҳар бир фанга қизиқтириш ва йўналтириш усуллари, бу борада амалга оширилаётган ва амалга оширилиши лозим бўлган ишлар, умуман, ўқитиш тизими билан боғлиқ зарур тавсиялар, ўқув-услубий маълумотлар, фаннинг замонавий илғор технологиялар асосида ўқитилишига оид муҳим омилларни ҳаётга кенг татбиқ этиш хусусида ҳам атрофлича фикр юритдилар. Шу билан бирга ўқитувчининг услубий тайёргарлиги, замонавий таълим технологияларидан қанчалар кенг фойдаланаётганлиги, дарс жараёнида интерфаол усуллардан фойдаланиш юзасидан ҳам қимматли фикрлар айтилди.

Йиғиннинг амалий қисми синф хоналарида очиқ дарслар тарзида ташкил қилинди. Бундай дарсларнинг ўзига хослиги уларда ноанъанавий интерфаол усуллардан, мултимедиа воситаларидан фойдаланиш йўллари бевосита амалиётда, ўқитувчилар ва ўқувчилар иштирокида кўрсатиб берилди. Бу эса йиғин иштирокчиларида ҳам катта таассурот қолдирди, десак муболаға бўлмайди.

– Бугунги ўқув йиғини педагогларнинг тажриба оширишларида катта аҳамият касб этади,– дейди йиғин қатнашчиларидан бири Нодира Қосимова. – Дарҳақиқат, таъкидланганидек, ноанъанавий машғулотлар ўқувчиларнинг онгини янада чархлайди, дунёқарашини кенгайтиради, билимини оширади, ички имкониятларини юзага чиқаради. Чунки ҳар бир бола алоҳида бир олам. Уларни дарсларга қизиқтириш орқали ички оламини кашф қилиш мумкин. Бу эса унинг ички имкониятларини юзага чиқариш дегани. Унда тиришқоқлик, фаоллик, интилувчанлик каби фазилатлар бўй кўрсата бошлайди. Бу дегани ўқитувчининг юксак самарага эришгани демак. Шу боисдан ҳам ўқув йиғини жараёнида тавсия этилган усулларни умумтаълим мактабларида кенг жорий этиш мақсадга мувофиқдир.

***

Ўзбек тилига Давлат тили мақоми берилганлигининг йигирма йиллиги муносабати билан жойларда турли маърифий тадбирлар амалга оширилмоқда. «Она тилим – жону дилим» деб номланган ана шундай тадбирлардан бири пойтахтдаги 171-мактабда ҳам бўлиб ўтди.

Тадбир Мудофаа вазирлиги маънавият ва маърифат маркази билан ҳамкорликда ташкил этилди. Унда сўзга чиққан Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, шоира Қутлибека Раҳимбоева йиғилганларни қутлар экан, «Давлат тили ҳақида»ги қонуннинг қабул қилиниши мамлакат, миллат ҳаётидаги энг катта воқеа бўлганлиги, тилимизнинг бетакрорлиги, уни энг бебаҳо неъмат сифатида асраб-авайлаб, янада бойитиб, кейинги авлодларга етказиш ҳақида таъкидлаб ўтди ва «Бек кўнглинг уйғонсин» шеърини ўқиб берди.

Шунингдек, ўқувчиларнинг ўзбек тилини ўрганиш борасидаги билимларини намойиш этувчи кўрик-танлов ҳам ўтказилди. Унда 7–9-синф ўқувчилари иштирок этиб, тил ҳақида ибратли воқеалардан саҳна кўринишларини ижро этдилар.

Танлов фаолларига Мудофаа вазирлиги маънавият ва маърифат марказининг эсдалик совғалари топширилди. Байрам тадбири барчага бирдек хуш кайфият улашди.

Шартнома бўйича ҳарбий хизматчи, оддий аскар Гулнора ҲОЖИМУРОДОВА. Капитан Тўлқин ЖУМАНАЗАРОВ суратга олган.

Подписка-2010

ДОБРЫЙ ДРУГ И СОВЕТЧИК

Среди огромного многообразия газет и журналов особой популярностью среди личного состава Караульных войск МВД пользуется газета Министерства обороны «Ватанпарвар». Ее подшивки можно увидеть в библиотеках, в комнатах общественно-политической информации подразделений.

На страницах газеты воины находят материалы для своего общеполитического, интеллектуального и культурного развития, а также различные советы, рекомендации и ответы на многие интересующие их вопросы, знакомятся с опытом и достижениями в воинском мастерстве передовых солдат, сержантов и офицеров, узнают о новинках в военном деле.

«Особенно примечательно то, что сегодня в средствах массовой информации... происходят серьезные качественные изменения, – отметил в Обращении к работникам печати и средств массовой информации Президент страны И. А. Каримов. – Суть и содержание, тематика выступлений газет и журналов... говорят о расширяющемся мировоззрении, о растущем опыте и знаниях, о профессиональном мастерстве журналистов».

По отзывам многих военнослужащих, особенно интересны и ценны многоплановые и обширные статьи автора Анфима Хлызова, публикуемые в газете под рубриками: «Актуально», «В помощь руководителям групп общественно-политической подготовки», «За строкой Обращения Президента». Это практически готовые, глубоко содержательные конспекты, помогающие в организации и проведении занятий и бесед по многим сложным вопросам современности: о мировом финансово-экономическом кризисе и Антикризисной программе, независимости и успехах страны, актуальных вопросах национальной безопасности и бдительности, слагаемых боевого потенциала, важнейших факторах боевой выучки и повышения боеспособности, о месте и роли сержантов и офицерских кадров в укреплении обороноспособности страны и многим другим.

Военнослужащие Караульных войск являются не только активными читателями армейской газеты, но и ее постоянными подписчиками. Лучше всего проходит подписка на газету «Ватанпарвар» в воинских частях, где ее организуют и проводят офицеры А. Кульманов и Л. Файзуллаев, заведующие библиотек А. Попова и О. Юлдашева.

Сегодня, когда повсеместно началась подписная кампания на следующий год «Ватанпарвар», как сообщают с мест, по-прежнему пользуется хорошим спросом. А это значит, что количество выписанных экземпляров газеты вновь возрастет, ибо газета «Ватанпарвар» – это добрый друг и советчик военнослужащих и членов их семей.

Н. ЧУРСИНОВ.
Фото **Б. ЛУТФУЛЛАЕВА.**



ВАТАНПАРВАР

Муассис – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги | Учредитель – Министерство обороны Республики Узбекистан

МУАССИС КЕНГАШИ: Тоҳир ҲАМРОҚУЛОВ – кенгаш раиси, **Рустам НОДИРОВ, Олим ҚЎЧҚОРОВ, Алишер МУИНОВ, Нурмуҳаммад МУЛЛАБОЕВ, Шуҳрат ТЎХТАЕВ, Абдусаттор ЭРГАШЕВ, Қурбон АМИНЖОНОВ, Олимжон ЗАНЖИРОВ.**

Бош муҳаррир вазифасини вақтинча бажарувчи подполковник А. САФАРОВ.
Шу сонга масъуллар: капитан Т. ЖУМАНАЗАРОВ, капитан Ҳ. МИРЗАЕВ.

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 2008 йил 6 июнда 0535 рақами билан рўйхатга олинган. ISSN 2010-5541.

Телефонлар: навбатчи – 260 39 57; **Факс:** 260 39 45.

Таҳририят фикри муаллифлар нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин. Таҳририятга келган қўлёзмалар, хатлар ва суратлар таҳлил қилинмайди ва муаллифларга қайтарилмайди.

Таҳририят манзили: 100140, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 1-уй.

«Ўзбекистон» нашриёт матбаа ижодий уйида чоп этилди. Босмахона манзили: Тошкент ш., Навоий кўчаси, 30 уй.

«Ватанпарвар» газетаси таҳририятининг компьютер марказида **Р. Исраилов** ва **З. Хошимов** томонидан саҳифаланди.

Газета жума куни чиқади. | **Адади** 23400.

Нашр кўрсаткичи 114. | **Буюртма** № J-82-95.